

ФЕРУЗА  
АТАХАНОВА

# ЛИБОСДА КОМПОЗИЦИЯ ВА РАНГ

Уз  
746  
А-87


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ  
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Ф.З.АТАХАНОВА

# ЛИБОСДА КОМПОЗИЦИЯ ВА РАНГ

*Дарслик*



“Info Capital Group”  
Тошкент – 2018

УЎК: 7.041.6

КБК: 37.2

А 87

**Тақризчилар** ТТЕСИ, “Костюм дизайни”  
кафедраси доценти, ф.ф.н У.С.Рахматуллаева  
МРДИ “Либос дизайни” кафедраси мудири  
У.М.Ходжаева

**Атаханова, Феруза**

**Либосда композиция ва ранг:** дарслик / Ф.З.Атаханова. – Т.:  
Info Capital Group, 2018. – 384 б.

Ушбу дарслик “Либосда композиция ва ранг” Касб таълими Дизайн (либос ва газламалар) йўналиши ҳамда Дизайн (либос ва газламалар) ихтисосликлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ўз ичига композиция ва унинг турлари, воситалари, усуллари ҳамда элементлари ҳақида назарий билим ҳамда шу билимлар асосида либос композициясини яратиш жараёнида қўлланиладиган амалий кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилувчи мавзуларни ўз ичига олади.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603–072-сонли буйруғига асосан нашрга тавсия қилинган.

УЎК: 7.041.6

КБК: 37.2

ISBN 978-9943-5444-0-6

© Ф.З.Атаханова, 2018.

© “Info Capital Group”, 2018.

## СЎЗ БОШИ

“Либосда композиция ва ранг” номли дарслик олий таълимнинг Касб таълими Дизайн (либос ва газламалар) ҳамда Дизайн (либос ва газламалар) ихтисосликлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ўз ичига композиция ва унинг турлари, воситалари, усуллари ҳамда элементлари ҳақида назарий билим ҳамда шу билимлар асосида либос композициясини яратиш жараёнида қўлланиладиган амалий кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилувчи мавзуларни ўз ичига олади.

Мазкур дарсликнинг мақсади талабаларга либос эскизини чизиш ҳамда моделини яратиш жараёнида композиция тамойилларининг аҳамияти ва ўрнини очиб бериш, либос композициясида монандликка эришишни ўргатиш, ранг ҳиссини ва дидни ривожлантириш, турли техникаларда эскизлар чизиш каби назарий билим ҳамда амалий кўникмаларни профессионал даражада шакллантиришдир.

Ушбу дарсликда илк бор назарий маълумотлардан ташқари айнан дизайн йўналиши учун қўллаш имконини берувчи турли машқлар ва уларни бажариш кетма-кетлиги таҳлилий тарзда ёритилган. Бунда хорижий (шу жумладан МДХ га кирувчи) таълим муассасаларининг илғор тажрибасидан келиб чиқиб ёндашилди, уларнинг иллюстратив материалларига ўзбек тилида изоҳ берилди. Иллюстрациялар нафақат чет элда чоп этилган адабиётлардан, балки интернет манбаларидан олинган материаллар ҳамда Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари томонидан бажарилган топшириқлар билан бойитилган.

Ушбу дарслик бир неча бобдан иборат. Дарсликнинг биринчи боби композициянинг асосий – уни қуришда негиз бўладиган тамойиллари билан таништиради. Симметрия ва асимметрия, метрик ва ритмик тузилишлар, пропорция ва пропорционалик, контраст, ўхшашлик ва нюанс, динамика ва статика каби композициянинг бундай усул ва категориялари аслида кўп жойларда – ҳам табиатда, ҳам инсон томонидан яратилган муҳитда қузатиш мумкин. Бундай нарсаларни мумтоз санъат асрларидан тортиб

меъморчиликда, дизайн маҳсулотларидан тортиб замонавий видеоклипларда учратамиз. Визуал ахборот берувчи композицияларда (эскиздан бошлаб маҳобатли графика асарларигача) эса бу усул – аксиомаларни қўллаш уйғунликни бахш этади. Худди математика қонун-қоидалари каби композицияда ҳам тасодифий нарсалар бўлмаслиги лозим.

Умуман олганда, юқорида номлари олинган барчага таниш усул ва воситалар якка ўзи қўлланилмай, бошқа тамойиллар билан биргаликда уйғунлаштирилади. Айнан бошқа усуллар билан биргаликда қўлланилиши композицион воситаларни яна яхшироқ “нишлани” ва “очирилиши”га хизмат қилади, чунки бу усул ва воситалар, тамойиллар ўзаро узлуксиз боғлиқдир. Уларнинг ажратилиши эса шартли бўлиб, тизимли ўрганиш ва синфланиш учун зарурдир.

Буларни ўрганиш ижодкорда композицион мувозанат ва шакл яхлитилигига эришиш (айнан шуларга етишиши учун композицион усулларни билиш керак) имконларини очиб беради. Ундан ташқари бу билимлар ихтиёрий композициянинг асосий гоёси – концепциясини аниқлаш кўникмасини шакллантиради. Айнан гоё асосида композицияни ташкиллаштириш бўйича асосий композицион усуллар танланади ва бу усуллар ижодий ишнинг ўзига хослиги белгилаб беради.

Мазкур бобда графика ва унинг дизайнда қўлланиладиган усуллари, асбоб-ускуналари ҳақида маълумотлар ҳам берилган.

Дарсликнинг иккинчи бобида рангшуносликнинг назарий асослари, ранг ва унинг композициядаги роли, ранг физикаси ҳақидаги маълумотлар ёритилган. Рангнинг туси, тўйинганлиги, интенсивлиги, оч-тўқлиги каби асосий характеристикалари, рангнинг психологик таъсири ва ранг ассоциациялари таҳлил этилган.

Турлича ранг системалари ва уларнинг тузилиш тамойиллари ҳақида маълумотнинг келтирилиши эса ранг каби кучли композицион воситанинг бугунги кунда дизайнер учун зарур бўлган замонавий усулларидан фойдаланиш имконини беради. Хусусан, либослар модаси ва дизайни соҳасида энг илғор ҳисобланган Pantone ҳамда СМҲК тизимлари, уларнинг ранг базаси тузилмаси ҳақида маълумотлар, ранг жадваллари келтирилган. Бунда Италиянинг Fernando Burgo номли ISTITUTO di

MODA таълим муассасасинининг “Il Figurino Di Moda” номли кўлланмасидан фойдаланилди.

Учинчи бобда ҳажмий-фазовий композиция ва унинг структураси, юзанинг хоссалари, текисликнинг декоратив трансформацияси ҳамда тектоника тушунчалари ҳақида сўз юритилган. Материаллар хусусиятининг тектоника ва пластикага таъсири таҳлил этилган.

Дарсликнинг тўртинчи бобидаги маълумотлар либос композицияси ва дизайнида композицион усул, восита ва тамойилларни кўллашга доир материаллар билан тўлдирилган. Мода дизайнида қабул қилинган одам гавдасининг пропорциялари ва тузилиши схемалари келтирилган. Аёллар, эркеклар ва турли ёшдаги болалар гавдасининг турли ҳолатлари шаблонлари берилган. Бунда ҳам ISTITUTO di MODA BURGO нинг “Il Figurino Di Moda” номли кўлланмасидаги схемалардан фойдаланилди.

Кийим ташқи кўринишини характерлайдиган шакл ва силуэт тушунчалари келтирилган ҳамда либос эскизини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Яхши тузилган композицияда, гарчи бу нарса яққол кўзга ташланмаса-да, доимо буюм, унинг шакли ва элементлари орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлади. Ҳатто жуда импульсив – ғайриихтиёрий композицияга ҳам синчковлик билан қаралса, композиция тузиш ва уни ташкиллаштиришнинг умум қабул қилинган қонунларини кўриш мумкин (масалан, модулли тўр ёки “олтин кесим” мутаносиблиги ва бошқ).

Етакчи рассом-дизайнерлар ўзларининг мураккаб тузилган қизиқарли композицияларининг тузилиши ҳақида эҳтимол ҳар доим ҳам чуқур ўйлашлар. Кўпинча уларнинг ижодий иши қандайдир бир ғойибона куч, таъсир, илҳом, сезги билан ғайриихтиёрий равишда бажарилади ва яхши натижаларни беради. Ҳақиқат шундаки, назарий билимларга таянган ҳолда, композицион қонун-қоидаларни ўргангандан сўнг, ижодкор атрофни синчковлик билан кузатиб шакл тузилиши ва ташкил этилиши қонунларини таҳлил эта бошлайди, қоидаларга асосланиб ўзининг композицияларини куради. Кейинчалик эса бир талай кузатувлар, таҳлиллар, мулоҳазалар тўпланиши ва “балогоатга етилиши” натижасида композицияни “ҳис этиш”ни бошлайди. Айнан шу

Ўтиш даври учун ҳам етарлича кўп назарий билимларни эгаллаш ва амалий топшириқларни бажариш лозимдир.

Олинган маълумотларни мустақкамлаш мақсадида ҳар бир боб ичидаги мавзуга ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар берилган. Атамалар лугати – глоссарий, адабиётлар рўйхати келтирилган.

## **І БОБ. КОМПОЗИЦИЯ ТУШУИЧАСИ. КОМПОЗИЦИЯ ХОССАЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ. КОМПОЗИЦИЯНИНГ ТУРЛАРИ**

**“Композиция”** (лот. “compositio” – ташкил қилиш, тузиш, жойлаштириш, боғлаш, қуриш, структура) – санъат асарининг тузилиши, қурилиши.

Яъни, композиция – қисмларни бир яхлитликка бириктириш, бадий шаклни яратишда турли-туман унсурларни (элементларни) маълум тартибда жойлаштириш дегани. Композиция ёрдамида бадий асарнинг ифодалилигига эришилади.

Албатта, композиция қонуниятлари ва воситаларини қўллашнинг тайёр формуласи ёки қолипи мавжуд эмас, аммо ҳаммага маъқул бўлган ва қабул қилинган тушунчалар асосида яратилган турли намуналарни ўрганиш ҳар бир конкрет ҳолда лойиҳалаштирилаётган буюмнинг бадий ифодалилигига эришиш имконини беради.

Композиция тузиш қонуниятларини шунчаки ўрганиш жонли ифодали ижод ҳамда ижодий интуициянинг ўрнини боса олмайди. Шу билан бирга бу қонуниятларни билиш ва тушуниш сермаҳсул ижод қилиш имконини берувчи касбий тайёргарлик учун зарурийдир.

Мураккаб буюмларнинг тасвирини чизишни билишнинг яхши қўникмаси бадий лойиҳалаш таълимотини билиш билан ҳеч вақт тенглаша олмайди. Чунки ҳар қандай буюмнинг композициясини тузишнинг қонуниятларини билиш ва уларни қўллаш жуда муҳимдир.

Композицияни қуриш ва унинг элементлари орасидаги боғлиқларни тузиш учун ритм, мувозанат, симметрия, асимметрия, динамика, статика, масштаб ва кўламлилик, пропорция, контраст, нюанс ўхшашлик ва бошқалар каби **композиция категорияларидан** фойдаланилади.

Ритм, симметрия ёки асимметрия, шаклнинг динамиклиги (ҳаракатчанлиги) ёки статиклиги (турғунлиги) ва ҳ.зо. каби категориялар воқелиқда ўзининг объектив негизига эга бўлиб,



фақат бизнинг онгимизда бу воқеликнинг турли хусусиятларини акс эттиради.

Маълумки, мазкур категориялар тарихан шаклланган бўлиб, ўзаро боғлиқликда бўлишига қарамай, нисбатан мустақилликка ҳам эгадир. Инсон томонидан яратилган ҳар бир буюм табиат томонидан яратилган шакл каби шунчаки тўпланган алоҳида детал ва элементлардан эмас, балки маълум тартибда тузилишга эга ҳамда ўзининг яхлит бутунлигида изчиллик билан ва мантиқан уйғунликка эришилгандир.

Албатта, шаклни уйғунлаштириш воситалари атайлаб композицияларни тузиш учун яратилмаган. Борлиқ ва табиатнинг ўзи симметрия ва асимметрия, контраст ва нюанс, турли ритмик қурилишлар ва ҳатто “олтин кесим” нисбатларидаги намуналарни тинимсиз намоён этиб келади. Дизайнер учун эса уларни ўрганиш ва ўз ишларида моҳирона қўллай билиш ўта зарурий ва муҳимдир.

**Композициянинг асосий турлари.** Композициянинг асосан учта тури ажратилади: 1) фронтал – текисликдаги; 2) ҳажмий; 3) фазовий. Композицияларни бу каби турларга бўлиниши тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайнерлик соҳаларидаги турли йўналиш ва жанрларидан келиб чиққан.

Аслида композициянинг турларини бу каби бўлиниши шартли бўлиб, амалиётда турли кўринишдаги композицияларнинг бирикмалари ва комбинациялари учрайди. Композицияларнинг ҳар бир тури ўзаро боғлиқдир. Масалан, фронтал ва ҳажмий композициялар фазовий композиция таркибига кириши (театр фойесининг интерьерида ҳайкалчалар ёки бошқа турдаги декоратив буюмларнинг ҳамда картина, панно кабиларнинг жойлашуви), ҳажмий композиция кўпинча туташ фронтал композициялардан тузилган бўлиши ҳамда бир вақтнинг ўзида фазовий муҳитнинг ажралмас қисми бўлиши мумкин.

**Текисликдаги фронтал композициянинг ўзига хослиги** бу шакл элементларининг текисликдаги иккита йўналишда, яъни горизонтал ва вертикал йўналишларда жойлашишидир, яъни бу композиция абсолют текисликда жойлашган ёки нисбатан чуқур ёки баланд бўлмаган рельефли бўлади. Масалан: бино фасади, кўрғазмали стендлар, газлама ва гиламлар композициялари, барельеф ва горельефлар, панно ва витражлар, картина ва фотолар, плакатлар (1-расм).

**Ҳажмий композиция** ўзида нисбатан ҳар томонлама (уч ёки тўрт ёқлама ва бошқ.) идрок қилинадиган нисбатан ёпиқ сиртга эгадир. Ўз номидан келиб чиқиб ҳажмий композициядаги шаклнинг ҳар томонлама назар солса бўладиган учта асосий ўлчами – баландлиги, кенглиги ва чуқурлиги бўлади. Бунда ҳеч бир ўлчам катталиги минимал бўлиши мумкин эмас (ҳажмни тексилikka яқинлаштирмаслик учун).

Ҳажмий композицияларнинг аниқлиги, ифодалилиги, яққоллиги ундаги элементларнинг жойлашуви ва ўзаро боғлиқлиги, сиртини ҳосил қилувчи шаклнинг кўриниши, кузатув нуқтасининг ҳолатига бевосита боғлиқдир. Ҳажмий композициянинг ифодалилиги, жонлилиги ва маънодорлигига уфқ чизиғи – горизонтнинг баландлик даражаси ҳам таъсир қилади. Ҳажмий шаклни идрок этиш жараёнида уфқ чизиғи пастда бўлса, композиция монументаллик, ҳашаматлилик таассуротини қолдиради. Томошабинга яқинлашган сари предмет қирраларининг перспектив қисқариши рўй беради. Ҳажмий композицияга амалий санъат, ҳайкалтарошлик, архитектура ва дизайн асарлари намуна бўла олади (2–3-расмлар). Ҳажмий композиция ва атроф-муҳит доимо ўзаро таъсир доирасида бўлади. Атроф-муҳит битта композициянинг таъсирчанлигини катталаштириши ёки камайтириши мумкин.

**Фазовий композиция** моддий элементлар, ҳажмлар, сиртлар ва сатҳлар, бўшлиқ ва чуқурликлар ҳамда булар орасидаги интерваллардан ташкил топади. Композициянинг чуқурлиги фазони кетма-кет келувчи қатор сатҳлар (планлар)га бўлувчи элементлар киритилганда кучаяди. Фазовий композициялар кўчалар, майдон, саҳналарнинг ечимида қўлланилади.



А




Б

*1-рисм. Текисликдаги композиция. А - палак, Шаҳрисабз каштачилик мактаби (бунда тўғри тўртбурчак шакл ичида композиция тўзилган). Б - декоратив безатилган сопол лаган (айлана шаклдаги композиция)*



*2-расм. Ҳажсий композицияга мисол. Анъанавий чопон*



*3-расм. Ҳажсий - фазовий композиция*

### **Ташқи шаклнинг яхлитлиги ва табиийлиги (узвийлиги).**

Композициянинг умумлаштирувчи категорияси деб буюмни ташқи шаклининг табиийлиги ва яхлитлигини ҳисоблаш қабул қилинган. “Табиийлик”ни сўзма-сўз табиатга яқинлик маъносида эмас (бу камдан-кам учрайди), балки яратилган композициянинг яхлитлиги, унинг таркибидаги ҳар бир унсурнинг бир бутунни табиий равишда ташкил этилишига тушунилади.

Тугалланган мукамал композицияда яхлитликни ўзгартирмасдан, уни бузмасдан туриб ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Айнан мана шу маънода тугалланган композиция табиий организмга ўхшайди: у яхлит ва барча деталлари чамбарчас боғлиқ бўлади. Ундан ҳеч нарсани олиб ташлаб ҳам бўлмайди, ортиқча нарсани қўшиб ҳам бўлмайди.

Санъат ва техника туташувида бўлган бадиий лойиҳалашда (шу жумладан, либосларни лойиҳалашда ҳам) маҳсулот (буюм) шаклининг яхлитлиги унинг конструкторлик ечими ва композицион амалга оширилиши орасидаги мантиқлик ва узвийликни акс эттиради, мужассамлаштиради.

Мукамал, шакли чиройли саноат маҳсулотлари таҳлил этилганда, талайгина конструктив элементларни фақат техник жиҳатдан эмас (масалан: кийимда чок ва баҳялар, станокда болт ва пайвандлаш ва ҳ.зо), балки композицион жиҳатдан умумлаштириш, яъни буюмнинг мураккаб структураси (тузилиши)ни уйғун яхлитлик сифатида гавдалантириш муҳимлиги маълум бўлади.

Яхлитлик композициянинг бошқа бир муҳим хоссаси – ўзаро тобелик билан боғлиқдир. Яхлитлик – элементларнинг композиция қонун-қоидаларига риоя этилишига асосланиб ўзаро бир-бирига моҳирона буйсундирилиши натижасидир.

Тузилиши, шакли жиҳатидан мураккаб бўлмаган буюм композициясининг тугалланганлиги ундаги композицион ечимнинг яхлитлиги ҳамда шу буюм табиий яратилгандек туюлишига олиб келади. Масалан, оддий қошиқ шаклини оладиган бўлсак, унинг шаклида фақат биттагина аломатни кузатиш мумкин (цилиндр ёки сферага ҳамда кесик конус ёки призмага ўхшашлик).

Агар предмет бир нечта қисмдан иборат бўлса, масала мураккаблашади: ҳар бир қисм бутуннинг моҳиятини акс эттириши, бутунлик билан мувофиқлашиши керак. Буюмнинг деталлари

ўхшаш бўлса, ўхшашлик уларни бирлаштиради, агар улар контраст бўлса, демак уларни бирлаштирувчи асос контраст бўлади.

Буюм қанчалик йирик ёки мураккаб бўлса, унинг композициясида таққослашлар, солиштирмалар шунчалик кўп бўлади ҳамда контраст шунчалик кўп қўлланилади.

Худди мусикадигидек, кичик асар йирик мусиқий асарга қараганда доим бир хилдек туюлади. Оркестрда ижро этилган ҳамда темплари тинимсиз ўзгарадиган, турли асбобларда жўровоз ижро этилган мусиқий асарни фортепьянода ижро этилган соната билан солиштиб бўлмайди, албатта.

**Элементларнинг ўзаро тобелиги.** Композициянинг асосий хоссаи бир бутунни ташкил этувчи барча унсурларининг ўзаро тобелиги натижасидаги шаклнинг уйғун бўлган яхлитилигидир.

Лекин шакл элементларининг ўзаро мувофиқ бўлган тобелиги шунчаки беихтиёр юзаки равишдаги боғлиқ бўлмаслиги керак, гарчи қисмлар орасидаги алоқалар конструктив жиҳатдан етарлича мантиқан ечимни топган бўлса ҳам. Мувофиқ тобелик асосида доимо композициянинг битта ёки бир нечта қонуниятлари ётади. Булардан чекиниш эса, одатда, шаклнинг қисман ёки буткул бузилишига, нотўғри ташкил этилишига олиб келади.

Турли объектларнинг дизайнерлик ечимларини топишда композиция элементларини ўзаро тобелаштириш, мувофиқлаштириш муаммосига дуч келиш мумкин. Ҳар қандай композиция асосий, аҳамияти сал камроқ ва иккинчи даражали элементларнинг ўзаро боғлиқлигига асослангани маълум бир тизим сифатида қабул қилинади. Асосийси, шакл элементлари боғлиқлигининг узвийлиги, ўзаро тобелигидир, чунки бусиз яхлитликка эришиб бўлмайди. Қисмларни узвий боғлиқлигига мисол қилиб одамнинг умуртқасини келтириш мумкин. Умуртқанинг ҳар бир суяги – поғонаси мукамалликнинг ўзгинасидир. Шу билан бирга умуртқа поғоналарини бир-бирига улаб чиқиш хоҳишининг пайдо бўлиши уларнинг тузилишидан келиб чиққан.

Композиция қисмларининг ўзаро тобелиги симметрия билан ҳам боғлиқ. Симметрия ўқи (ёки симметрия текислиги) доим композицияни ташкил этувчи элементларни бирлаштириб туради. Шунинг учун ҳам агар композициядаги элементларнинг бир гуруҳи ўзаро абсолют равишда симметрик бўлса, улар бутунга

нисбатан алоҳидаланиб автоном бўлиб қолади. Алоҳида симметрик гуруҳлардан ташкил топган буюмнинг композицион яхлитлиги парчаланётгандек, бузилгандек туюлади. Элементларнинг фақат битта қандайдир ўққа нисбатан тобелиги табиат дунёсида ҳам кузатилади. Масалан, одам гавдаси тузилишига қарасак, унинг ҳеч бир аъзосида (қўл, оёқ) ўзининг алоҳида симметрия ўқи йўқлигини, тана ва унинг барча қисмлари ягона симметрия текислигига бўйсунганини қайд қилиш мумкин.

Ўзаро тобелик ранг, тус, фактураларни қўллаш орқали сақланиши ёки кучайтирилиши мумкин. Масалан, бутундаги маълум бир умумийлик орқали боғланган қисмлар ранг ёки фактура ёрдамида ажратилиши мумкин. Композициядаги элементларнинг ўзаро тобелигига эришишда фаол воситалардан бири ранг ҳисобланади. Бунда бир неча усуллар мавжуддир. Баъзан шаклларга умумий ранг берилади, яъни хилма-хил элементларни бирлаштирувчи ягона ранг майдони тузилади. Бошқа усулда эса одамнинг қабул қилиш хусусиятига асосланиб ранг ёрдамида тарқоқ бўлган элементлар бирлаштирилади.



*4-расм. Скандинавиялик NCS ранг институти томонидан аёллар ич кийимини ишлаб чиқувчи “НОР LUN” компанияси офиси учун ишлаб чиқилган интерьер композициясида рангнинг қўлланилиши. Бу ерда бирлаштириб турувчи ранглар компаниянинг логотипидаги асосий ранглардан келиб чиқиб танланган*

Яна бир усулда композициядаги турли элементларни “Ўзининг” ранги билан белгилаш ҳисобига ўзаро бир-бири билан яқин бўлмаган ёки туташмаган элементлар бирлаштирилади (4-расм).

Шундай қилиб, шакл яхлитлиги ва ундаги элементларнинг ўзаро тобелиги бир-бири билан сабаб ва оқибатдек боғлиқдир. Агар композициядаги асосий элементларни ўзаро мувофиқлаштирилишга эришилмаса, уларнинг шакли ва боғлиқликларининг хусусияти орасида композицион зиддиятлар пайдо бўлса, у ҳолда яхлитликка эришиш ҳам муаммоли бўлади.

### **Назорат учун саволлар ва топшириқлар**

1. Композиция тушунчасига таъриф беринг.

2. Қандай композицион категориялар мавжуд?

3. Композициянинг қандай турлари бор? Уларни таърифланг.

4. Текисликдаги фронтал композицияга мисоллар келтиринг.

Уларни таҳлил қилинг.

5. Ҳажмий композицияга мисоллар келтиринг. Уларнинг композицион тузилишини таҳлил қилинг.

6. Фазовий композицияга мисоллар келтиринг. Уларнинг композицион тузилишини таҳлил қилинг.

7. Композициянинг умумлаштирувчи категорияси нима?

8. Элементларнинг ўзаро тобелиги деганда нима тушунилади?

### **1.1. Графика ҳақида тушунча. Графика воситалари ва усуллари**

**Графика** (юнон. “graphike”, “grapho” – ёзаман сўзидан) – тасвирий санъатнинг тури бўлиб, чизматасвир ва бадиий босма тасвирларни (гравюра, литография, монотипия ва бошқ.) ўз ичига олади. Графика расм санъатига асосланган, лекин ўзининг ўзига хос тасвирлаш воситалари ва ифодавийликка эришиш имкониятларига ҳам эгадир.

Гравюра (фр. *Gravure*, нем. “*graben*” – кавламоқ ёки фр. “*grave[u]r*” – ўймоқ, бўртма қилмоқ сўзларидан) – ўйма клише ёки пластинкадан босилган сурат. Гравюра Хитойда VI-VII асрлардан бери, Европада эса XIV-XV асрлардан маълум.



Литография (қадимги юнонча “litos” – тош ва “grapho” – ёзмок) – литография (тошбосма) усулида босилган китоб, расм, сурат ва ҳоказо. Бу техника XIX асрда пайдо бўлган ва фото-механик репродукция пайдо бўлгунча расмларни қайта-қайта босма қилиш учун хизмат қилган.

Ксилография (юнон. “xylon” – ёғоч, дарахт) – ёғочга ўйилган нақш ва ундан босилган сурат.

Монотипия (нем. “Monotypie”, юнон. “monos” – битта ва “tipos” – из, тамға, таъсир) – босма графиканинг бир тури. Унинг ихтироси италиялик rassom ва ўймакор Жованни Кастильонега тегишли деб ҳисобланади. Бунда сип-силлиқ бўлган сиртга қўлда турли ранглар берилади ва у қоғозга босилади. Бунда ҳосил бўлган излар ўзига хос ва ягона кўринишда бўлади.

Графиканинг ифода этиш воситалари – бу **нуқта**, **чизик** (баъзан фақат контур чизик), **штрих ва доғ** (баъзан рангли доғ). Графикада тасвир билан контраст ёки нюанс муносабатларни ташкил этувчи **варақнинг фони** (одатда оқ, баъзан рангли ёки қора) ҳам тасвирлашнинг асосий воситасини ташкил этиши мумкин.



5-расм. Гравюраларга мисоллар:

А – “Дехқонлар жуфтлиги”, 1496-1497, Альбрехт Дюрер.

Б – “Барокко” гравюраси



6-расм. Литография усулида босилган сурат.  
“Дераза олдидаги аёл”, 1802, Генри Фузели (1741-1825)



7-расм. Япон гравюраси. Рангли графикага мисол



8-расм. Ксилография. "Мэйдзи даврига мансуб ёш аёл",  
Цукиока Ёситоси (1839-1892)



*9-рasm. Монотипия усули ва уни графикада қўлашга доир мисоллар*

**Графикада тасвирлашнинг ташкил этилиши.** Графика у ёки бу мазмундаги (тасвирий ёки матнли) ахборотни, шунингдек, шаклнинг декоратив-бадий ечимини текисликда акс эттиришнинг воситасидир<sup>1</sup>.

Графиканинг услубий воситалари хилма-хилдир. Булар тўғридан-тўғри, наридан-бери бир онда ва тезкор равишда қилинган қораламалар, этюд, эскизлардан тортиб мукамаллик билан ўйлаб ишланган тасвирий, декоратив, шрифтли композицияларгача бўлиши мумкин. Графика тасвирий санъатнинг болалар учун энг тушунарли бўлган туридир. Уларнинг илк расмларида чизиклар ёрдамида оламни идрок этиш ва уни ифодалашга уринишлар акс этади.

**График тасвирлашнинг усул ва воситалари.** Юқорида айтилганидек, нуқта, чизик, штрих, доғ ҳамда ранг графикада ифодалашнинг асосий воситаларидир. Шунга кўра оқ-қора графикадаги тасвирлар тўртта асосий гуруҳга бўлинади: чизикли, штрихли, нуқтали, доғли. Ундан ташқари:

— чизик ва доғ;

— чизик ва штрих;

— доғ ва штрих;

— доғ ва нуқта;

— чизик, доғ ва штрих;

— нуқта, чизик, доғ ва штрихларни аралаштириб қўлланган тасвирлар ҳам яратиш мумкин.

**Нуқта** текисликда график акцент сифатида намоён бўлади. Ўзининг ўрта кичик ўлчамларига қарамай, композиция тузишда жуда кенг имкониятларга эга. Кўпинча айнан нуқта композиция тузилишининг маркази бўлиши мумкин.<sup>2</sup>

Нуқтали тасвирлар бир хил шаклдаги, лекин ҳар хил катталикдаги нуқталар ёрдамида тузилади. Нуқта – учли перо, қалам, мўйқалам, ручканинг бирорта томонга ҳаракланмасдан қоғозда қолдирган изи.

**Чизик**нинг шакли унинг текисликдаги фақат бир йўналишдаги ўлчами, яъни узунлиги билан характерланади<sup>3</sup>. Чизик қандай

<sup>1</sup>Устин В.Б. Учебник дизайна С.8.

<sup>2</sup>Устин В.Б. Учебник дизайна С.8.

<sup>3</sup>Устин В.Б. Учебник дизайна. С.8.

асбоб ва ашёда ҳамда қай тарзда чизилганига қараб турлича бўлиши мумкин (10-расм).

Чизиқлар орқали акс эттирилган тасвирларда чизиқ тасвирлашнинг асосий воситаси бўлиб, у ёрдамида текисликлар шаклининг чегараси белгиланади. Чизиқлар рассомнинг кечинмалари ва ҳиссиётларини ифодалайди. Улар: бир қалинликда ва бир хил йўналишда; чирмовуқ ва жингала шаклида; ҳар хил йўғонликда – қоғозда йўқ бўлиб, яна пайдо бўлаётгандек; титро қўлда туширгандек нотекис; дадил чизилган ва билинар-билинемас; нафис ва эгилувчан бўлиши мумкин. Чизиқнинг характери эмоция ва ҳистуйғуларни акс эттиради.

Буюм шаклини ва унинг мавжуд ечимини қидириш жараёнида чизиқнинг мавжуд имкониятларини тўғри қўллаш, шаклнинг ҳажмий хусусиятларни аниқлаш жоиздир. Чизиқ ҳам текисликнинг, ҳам ҳажмнинг элементи бўлиши мумкин. Чизиқлар иштирокидаги расмлар маълум даражада абстрактлаштиришни (мавҳумлаштиришни) талаб қилади. Бунда нимани “кўрсатиш”, нимани “намоён қилмаслик” ҳамда нимани “қолдириш”, нимадан “воз кечиш” масаласи ижодкор олдидаги ўзига хос мураккаб танловдир.



А



Б



В

10-расм. А – чизиқли графика Б – нуқтали графика В – нуқтали графика



А

Б

11-рasm. А – либосни чизикли графика билан акс эттириш  
 Б – чизикли-догли графика орқали акс эттирилган либос (интернетдан олинган манба)



А

Б

12-рasm. Догли графикага мисоллар.  
 А – интернет тармогидан олинган эскиз.  
 Б – МРДИ битирувчиси Н.Умаровнинг эскизи (2006 й.)



А



Б

13-рasm. А – битта шаклга эга булган тасвирни догли графикада турлича акс эттириш; Б – графика воситалари орқали битта мавзунни турлича талқин этиш (интернет тармогидан олинган эскизлар)



Тасвирлаш жараёнида **штрихлар** камдан-кам алоҳида ўзи ишлатилади, улар деярли доимо чизиқлар билан биргаликда қўлланади. Лекин тасвирда штрихлар нисбатан устунроқ бўлса, яъни кўпроқ ишлатилса, графикада бу штрихли тасвирлаш, штрихли ечим деб аталади. Чизиққа қараганда штрихлар калтароқ бўлади, штрихлаш эса қўлнинг қисқа-қисқа ҳаракатлари натижасида перо, ручка, қаламнинг қолдирган излари (тасвирлари) йигиндисидан ҳосил бўлади. Штрихланган сиртни, юзани минимумга камайтирилган доғ – тон деса ҳам бўлади.

**Доғ (тон)** нуқта ва чизиққа нисбатан графика текислигининг каттароқ қисмини қоплайди (эгаллайди). Доғли тасвирлаш графикада композиция тузишнинг имкониятларини анчагина кенгайтиради.<sup>4</sup> Доғлар ёрдамида оқ ва қора рангларнинг ўзаро нисбатлари орақали оч ва тўқ, ёруғ ва соя қисмлар белгиланади. Оқ ва қора рангларнинг ўзаро муносабатлари графиканинг жуда муҳим таркибий воситасидир. Бу образ яратишдаги нафақат бош восита, балки шакл ҳажмини узатиш имкониятдир. Яъни, доғли тасвирлашда ҳажмий шаклнинг текисликдаги ифодаси акс эттирилади. Бунда тушь, қора сиёҳ, гуашь, темпера, кўмир қўлланилиши, коллаж, аппликация, трафарет техникаларидан (усулларидан) фойдаланиш мумкин.

Графикада кўпинча **чизиқли-доғли** бадий ечим қўлланилади. Бу ҳолда ёки доғ, ёки чизиқ устунлик қилиши мумкин. Муҳими ва асосийси, ғоянинг яққол кўзга ташланиши ҳамда композициядаги яхлитликка эришиш.

Ундан ташқари, графикада **турли усулларнинг аралашмаси** дан фойдаланиш мумкин. График тасвирлашда **чизиқ билан доғ** ўзаро мувофиқ келади. **Чизиқ ва штрих** доим бир-бирига ҳамроҳликда ишлатилади. Штрих тасвирни у ёки бу қисмининг конструкциясини акс эттиришда, шакл ҳаракатини кучайтиришда, материал фактурасини ифодалашда тўлдирувчи восита (усул) сифатида қўл келади. Нуқтани чизиқ ва доғ билан ёки штрих билан биргаликда қўллаш ўзига хос даражада мураккабдир. Нуқталар ёрдамида ишланган тасвирлар ёрқин, индивидуал характерга эга бўлгани сабабли, уларни бошқа воситалар билан мантиқан

---

<sup>4</sup>Устин В.Б. Учебник дизайна С.8.


уйғунлаштириш пухта ўйланган иш тарзини, усулини талаб қилади.

Графикада **ранг** ҳам қўлланилиши мумкин. Юқорида айтилганидек, графиканинг умумий фарқ қилувчи жиҳати тасвирланаётган буюмнинг маконга, бўшлиққа нисбатан муносабатдир. Ушбу маконни акс эттиришда (яъни, буюмнинг жойлашувини) қогознинг фони муҳим роль ўйнайди. Маконни ҳис этишда варақнинг тасвир эгалламай қолган жойларини эмас, балки бўёқ остидан кўриниб турадиган қогознинг фони ҳам хизмат қилади. Ундан ташқари, графикада қўлланилаётган ашёларнинг фактураси, графикага хос бўлган техника ва усуллар спецификаси ҳам фаол иштирок этиши мумкин. Декоратив элементлар, нақш, матнлар, график белгилар ҳам алоҳида ўринга эгадир.

Графика ўта кенг қамровли вазибаларни бажариши мумкин. Унинг турлари, жанрлари, бадиий воситалари йиғиндисининг чексизлиги дизайнер учун ҳаёлидаги образларни талқин этишга, ҳис-туйғуларни ифодалашга беҳисоб имкониятлар тақдим этади. Тасвирлашнинг барча усуллари лойиҳаларнинг композицион ечимларида амалий қўлланилиши мумкин.

Бу усулларни танлаш эса шунчаки тасодифий эмас, балки қатор омиллардан: лойиҳа мазмуни ва ғояси, тасвирланиш объекти, буюмнинг (либоснинг) шакли ва материали, буюмга (либосга) қўйиладиган талаблар, эстетик идеаллар ва мода йўналиши, тасвирлаш асбоблари ва ашёларидан келиб чиқиб асосланган ва таъминланган бўлиши лозим.

Бунда кўмир ва сангина, пастел ва гуашь, рангли қалам ва бўрлар, перо ва гелли ручкалар, тушь ва сиёҳлар, фломастер ва маркерлар қўл келади.















5. Учи думалоқ периода бажарилган штрихлар	6. Учи йўғон фломастер (маркер)	7. Ингичка учли фломастер (маркер)	8. Буялган сиртни тирнаб қолдирилган чизиклар
9. Нам коғоз сиртида перо ёрдамида чизилган штрихлар	10. Учи тўмтоқ таёқчада чизилган штрихлар	11. Юмшоқ грифелли қалам	12. Растрли мўйқаламда юритилган чизиклар
13. Мўйқаламни ним ботириб чизилган штрихлар	14. Намланган коғозда мўйқаламда чизилган штрихлар	15. Қуруқроқ мўйқаламда суртиб қолдирилган излар	16. Эгри-бугри чизиклар-рельефли чизиклар


14-расм. Графикада турли чизикларнинг кўриниши<sup>5</sup>

1. Тошни (сиртни) бўёқнинг юпқа қатлами билан қоплаш ("заливка")	2. Доғни, рангни ёйиб чузиш; очдан тўқча ёки тўқдан очгача ("растяжка")	3. Буялган сиртни ювиб, баъзи жойларни бироз очартириш ("отмивка")	4. Ҳўлланган нам коғозга рангни сачратиш

<sup>5</sup>Устин В.Б. Учебник дизайна. С. 11.

			
5. Буялган сиртнинг баъзи жойларини ишкалаб очартириш (“протирка”)	6. Сиртни буёк билан бутунлай қоплаш-буяш	7. Буюкни майда заррачалар билан пуркаш (“распиление”)	8. Перо билан нуқталар қуйиб чиқиш
			
9. Сиртни “мармрлаш”	10. Қурук сиртни буюкни сачратиб қоплаш	11. Буртма сиртларнинг изини босма қилиш	12. Гижимланган мато ёки қоғоз парчаси ёрдамида буюкни босиш
			
13. Перо билан қатор чизиклар орқали сиртни қоплаш	14. Ранг (буюк)нинг сачраган томчиларини суркаш	15. Апликация	16. Коллаж

*15-расм. Тон (доғ)ли доғли шаклларни график ҳосил қилишнинг асосий қўринишлари*




16-рasm. График композициянинг дастлабки элементлари. Нуқта<sup>6</sup>

<sup>6</sup><http://kfk.comdiz.ru> сайтдан.



17-расм. График композициянинг дастлабки элементлари. Чизик<sup>7</sup>

<sup>7</sup><http://kfk.comdiz.ru> сайтдан.



18-расм. График композициянинг дастлабки элементлари. Чизик<sup>8</sup>

<sup>8</sup><http://kfk.comdiz.ru> сайтидан.



19-расм. График композициянинг дастлабки элементлари. Доғ<sup>9</sup>

<sup>9</sup><http://kfk.comdiz.ru> сайтидан.




## 1.2. Асбоб ва воситалар<sup>10</sup>

**Қалам (графитли қалам).** Дизайнерларнинг энг кўп қўллайдиган ва энг муҳим асбобларидан бири бу қаламдир. Қалам турига, уни ишлатиш жараёнида қўлланиладиган босимга ва қоғоз турига қараб беҳисоб турдаги чизгиларни бажариш имконини беради.

Турли чизгиларни бажариш учун қаламларнинг нимага мўлжалланганлигига ва унинг ранг тусига кўра турлари жуда кўп, шунга ўхшаш қоғозларнинг тури ҳам кўпдир. Умуман олганда (қоидага кўра), ёруғ ёки қоронғи жойларни чизиш учун ҳар хил қаламлар қўлланилади. Қаламларни қўллашнинг асосий омили унинг юмшоқ/қаттиқлиги бўлиб, у қаламдаги (графит ва лой қоришмасидан иборат) минералнинг таркибига боғлиқдир. Яъни қаламнинг тўқ ёки оч чизиши минерални ташкил этувчи лой ва графитнинг миқдорларига боғлиқдир:

- 6В ва 5В белгили қаламлар жуда юмшоқ бўлади;
- 4В ва 3В белгили қаламлар ўртача даражада юмшоқдир;
- 2В ва В белги кўйилган қаламлар умумий юмшоқликдагилари (юмшоқ ҳам эмас, қаттиқ ҳам эмас);
- НВ белгили қаламлар ўртача қаттиқликдаги қаламлар;
- F белгиси бор қаламлар нисбатан қаттиқ қаламлар;
- Н-2Н ҳамда Н белгили барча қаламлар ўта қаттиқ қаламлардир.



F белгили қалам қаттиқ бўлганлиги сабабли ингичка чизиқларни ва геометрик шаклларни чизиш учун жуда мос келади.

6В, 4В, 3В қаламлари оч/тўқ ранглarning контрастини (ёруғлик ва соянинг фарқини) белгилашда қўлланилади ва буни


<sup>10</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 74-80 б.

яхшироқ кўрсатиш учун (сирти) дағал қоғоздан фойдаланган яхшироқ.

НВ қалами аниқ, яхши кўришиб турадиган саранжом эскизларни чизишда қўл келади ва у қаттиқ босиб ишлатилмаслиги керак.

Қалам (нинг графити) қанчалик қаттиқ бўлса, у шунчалик оч чизади, шунинг учун (учи) юмшоқ қаламлар асосан тўқ (соя) жойларни акс эттиришда ишлатилади. Одатда талабалар дизайннинг асосий чизиқларини белгилашда НВ юмшоқлиқдаги қалам ва Fabriano 2 туридаги қоғозидан фойдаланишади. 4В қалами F4 туридаги силлиқ ёки дағалроқ қоғозда ёруғ/соя жойларнинг чегарасини яратишда ва штрихлашнинг контурларини белгилашда фойдаланилади.

**Аралаштиргич (хиралаштиргич, суркалаштиргич).** Бу асбоб эскиз чизиқлари рангининг кескинлигини камайтириш учун уларни аралаштиришда (қўшишда) қўлланилади. Уни тозалаш ва учини чиқариш (янгилаш) учун қумқайроқли (наждак) қоғози ишлатилади. Таржимоннинг изоҳи: ўзи пишиқ қоғоздан ясалган ва учи конуссимон очилган бу асбоб, қалам билан чизилган чизиқларни ишқалаб суртиш ҳисобига уларнинг орасидаги кескинликни камайтиради. Бунинг натижасида эскизлардаги соя ва ёруғ қисмларнинг чегараси “юмшайди”.



**Рангли қаламлар.** Рангли қаламнинг таркибида рангли пигмент ва боғловчи модда бўлганлиги билан қора қаламдан фарқ қилади, рангининг интенсивлиги эса унинг таркиби ҳамда қаламнинг босиб ишлатилиш кучига боғлиқ.



Савдода таклиф этилаётган сувда эрийдиган рангли қаламлар энг кўп қўлланиладиганларидир, чунки бу қаламлар рангининг интенсивлиги ва эффектини сув қўшиш ёрдамида ўзгартириш мумкин. Ушбу қаламни қай тарзда қўллаш – аввал ҳўлланган

қоғоз устидан чизиш, ёки чизилган чизиқларни кейин кераклича хўллаш, ёки қаламни сувга ботириб чизиш – рассомнинг танловидир.

**Пистакўмир (ёғочдан олинадиган кўмир).** Пистакўмир тасвирлаш (расм чизиш ва уни бўяш)нинг энг қадимги воситаси (асбоби, усули) ҳисобланади. Олдинги даврларда уни ҳосил қилиш учун ёғочнинг куйган бўлақларидан фойдаланишган.

Ҳозирги вақтда кўмир ва ўрмон ёнғоғи (фундук) кукунидан иборат қоришмадан фойдаланилади. Кўмирнинг ранглари қаламникига қараганда тўқ (куюк, кучлироқ), аммо кукуни майдароқ бўлгани учун улар осон аралашади. Пистакўмир билан ишлаётганда уни коррективроқ қилишнинг (тўғрилаш, аниқроғи ўчириш) ягона усули мато парчасидан фойдаланишдир.

Блендер, пахта момиғи ёки бармоқлар ёрдамида кўмирдан чизилган чизиқларни суркаш (аралаштириш, юмшатиш маъносиди) мумкин. Пистакўмир қўлланган (ёрдамида чизилган) тасвирни мустаҳкамлаш учун унинг устидан елим суртилади ёки лок сепилади.

**Рангли бўр.** Рангли бўрлар рангли пигмент ва бўр аралашмасидан иборат. Оқ бўр эскиздаги ва таҳламалардаги ёруғ жойларни акс эттиришда энг кўп қўлланилади. Енгилроқ жойларни (нюансларни) ишлаётганда бармоқлар ёрдамида уни суркатиш мумкин. Худди пистакўмир билан ишлаганга ўхшаб бўр билан чизилган тасвирлар суркалмаслиги учун унга елимли спреј сепилади.

**Акварель.** Акварель сувда эрийдиган бўёқлар бўлиб, табиий ранли пигментлар, табиий гуммиарабика (ўсимлик елими ёки смоласи) ва сувдан тайёрланади. Ранглarning тиниқлиги ва равшанлиги (ёрқинлиги) каби асосий хусусияти турли тусдаги рангларни устма-уст бўяб ҳосил қилиш имконини беради. Раннинг керакли оч-тўқлигини ҳосил қилиш учун турли миқдорда сув аралаштирилади. Қўлланган кейин унга тўғирлаш киртиши мумкин эмаслиги туфайли эҳтиёткорона бўяш лозимдир. Бунинг учун юмшоқ мўйқаламлар ва сирти дағал ҳамда қалин қоғоз қўллаш жоиз, чунки акварелни эритиш учун кўп сув ишлатилади. Шундай қилиб, акварел техникасида устма-уст бўяш ҳисобига осдан тўққа қараб бўёқ қопланади. Табиий пахта толасидан қилингани учун ҳамда сувни яхши шимгани сабабли Fabriano 6 туридаги қоғоздан фойдаланган маъкул.

**Гуашли бӯёк (гуашь).** Гуашь бӯёгининг аҳамиятли хоссаси турлича рангларни ҳосил қилишда бошқа моддалар (структура) билан аралаша олишидир. Ҳар хил эффектларни ҳосил қилиш учун уни тухум, сув, елим билан аралаштириш мумкин. Нима билан аралаштирилганига қараб эффектлар ҳам турлича бўлади. Битта эффектлардан бири “юпқа, ёғсиз гуашь” эффекти, унда бӯёк сув ва ўсимлик ёки ҳайвонларнинг ёғидан ташкил топади, бундай гуашь қуриганда очаради.

“Мойли гуашь”ни ёғ билан аралаштирса бўлади ва у ёрдамида бўяшда бошқаларга қараганда кўпроқ рангларни кўриш мумкин. Ёрқинроқ ва интенсивроқ рангларни ҳосил қилиш учун тухум билан аралаштирса бўлади (бу тез қурийди ва мустаҳкам бўлади). Очроқ ранглар ва эффектларни ҳосил қилиш учун эса гуашь бӯёгини сут, пиво ёки вино билан аралаштирса бўлади.

Бу усул билан ҳосил қилинган бӯёқларнинг барчаси қоғоз сиртида барқарор ҳамда тез қуришга мойиллиги бор. Бӯёк тиниқмас бўлгани учун бўялган сиртни тўғирлаш имкони мавжуддир.

Ундан ташқари, бу восита мустаҳкам бўлиб, вақт таъсирида ранги ўчмайди. Одатда гуашь учун синтетик ёки табиий қилли мўйқаламлар ҳамда 01/03 ва “Микеланджело” русумли қоғоз ишлатилади.

**Рапидограф (ёки пероли, поянакли асбоб, ручка).** Рапидографдаги перонинг учи қаттиқ бўлиб, рассомнинг унга қўйиладиган босимига қараб (рассом уни қай даражада босиб, ботириб ишлатишига қараб) турлича чизади. Иложи борича чизилаётган чизикнинг бутун узунлиги бўйлаб босимни бир маромда ушлаб туришга ҳаракат қилинг, акс ҳолда чизикнинг қалинлиги турлича бўлиб қолади. Перо учларининг кенлигига (0,1мм (энг ингичкаси) дан 2,0 см.гача) қараб чизикларнинг қалинлиги ҳар хил бўлади. Учи қаттиқ бўлишига қарамай перолар жуда нозик бўлгани учун уларни эҳтиёткорлик билан силлик қоғозда қўллаган маъқулдир.

**Рангли сиёҳлар ёки тушь.** Тушнинг муҳим хоссаларидан бири сув қўшилгандан кейин ҳам рангининг ёрқинлиги ва таркибининг консистенциясини бир маромда сақлашидадир. Уни қўллашнинг турли усуллари мавжуд: “хўл (сирти сув билан қопланган) қоғозда бўяш” усулида сувни ҳали шимиб улгурмаган қоғозга рангли бӯёк томизилади ҳамда бу томчига турли тараф-


лардан пуфланиш натижасида бўёк ёйилиб (ёки ранглар ёйилиши натижасида бир-бирига қўшилиб) тарқалади ва ҳар хил керакли қизиқарли эффектлар ҳосил қилинади. “Мўйқалам ва перо” усулида туш мўйқалам ёрдамида худди акварель бўёғига ўхшаш эффектларни ҳосил қилиб, сўнг перо орқали керакли жойларда аниқ чизиқларни чизиб чиқишдан иборатдир (кўпинча рангларнинг чегарасини белгилашда). “Хўл қоғоздаги ранглар” усулида сувланган қоғозда рангларнинг дарахт шоҳига ўхшаш шаклда ёйилишидан фойдаланилади.



*20-расм. Қора қалам ва рапидографда чизилган эскизлар. “Мода Бурго” институти талабаларининг ишлари*

Туткич (ручка)ларнинг учига қўйиладиган учлик (перо, пойнак-наконечник)ларнинг ҳам турлича турлари мавжуд: классик кўринишдаги пероларнинг турлари ҳар хил бўлиб, улар ёзувга ўхшаш чизиқларни ҳосил қилиш учун қўлланилади (бунда чизиқларнинг шакли перони қай даражада босиб ишлатишга боғлиқ. Бамбукли учлик тўмтоқ ва қалин чизиқларни чизиши, ғоз патига ўхшаш учлик (тишкавлагичга ўхшаш чўпча) эса жуда қалин чизиқларни тасвирлаши мумкиндир. Буларни қўллаш учун энг яхши қоғоз F4 русумли дағал қоғоз ҳисобланади.


**Эколайн.** Таркиби сиёҳдан иборат бу восита сув билан суюлтирилиб, F4 русумли сирти силлиқ бўлган қоғозда қўлланилади. Тушга қараганда унинг ранглари ёркинроқдир.




**21-расм.** Рангли қаламда шиланган эскиз



**22-расм.** Рангли бұр ердамда чизилган эскиз



24-расм. Рангли тушь ёрдамида бажарилган эскизлар



23-расм. Акварелда шиланган эскиз



25-расм. Маркерлар ва уларнинг турлари



**PANTONE Tria Маркерлари (фломастерлар).** Бу мода оламида бўяш (ранг бериш) учун энг кўп қўлланиладиган асбоблардир. Чунки улар эскизларни тезкор чизишда ва керакли эффектларни ҳосил қилишда осонлик билан қўлланади.

PANTONE – бу рангларни ўзаро мувофиқлаштирувчи халқаро тизим. Унда рангларнинг тавсифи, базадаги номи ва рақами ҳамда ранг намунаси келтирилган. “Tria Marker – PANTONE” учун махсус шу каби маркерлар учун ишлаб чиқилган Letraset ёки Quick Layout қоғозлари ишлатилгани маъкул. Чунки бу қоғозлар фломастер бўёқларини осон (бир текис) шимиб олади (агар бошқача оддий қоғоз қўлланса бўёқлар ёйилиб кетиши мумкин)

Бундай усулда силлиқ ва ясси кўринишга эга тасвирлаш ҳосил бўлади, лекин рангларни аралаштириш учун махсус “Trio Marker – BLENDER” блендеридан фойдаланиш мумкин (бу атайлаб бўёқни эритувчи маркердир). Бунда бўялган жойларнинг керакли қисмларидаги ранглар аралаштирилиши мумкин.

PANTONE нинг ўзига хос энг яхши ҳислатларидан бири уни бундан аввал айтиб ўтилган усуллар билан қўллаш ҳамда бошқа усулларга асос бўла олиш имкониятининг мавжудлигидадир. Масалан, акварель қаламлари устидан “Tria Marker – Pantone” ёрдамида ҳосил қилинган эффектлар ҳажм ва чуқурликларни акс эттирувчи жуда таъсирчан дизайнни ҳосил қилиши мумкин.

Яна битта афзаллиги, маркерларнинг уч хил турдаги, яъни ўта ингичка, ўртача ва қалин учликларининг борлиги ва уларни алмаштириб ишлатиш имкони мавжудлигидадир.

“Tria Marker”ларнинг коллекцияси “Pantone”даги 24 та рангдан тузилган тўпладан иборат бўлиб, бу ранглар мода дизайнини яратиш учун махсус танланган.

**Учлари турлича (ўлчам ва шаклдаги) бўлган маркерлар.** Бу маркерлар (фломастерлар) дизайнни (эскизни, лойиҳани) тез ва мукамалроқ чизиш имконини беради.

Ушбу бетдаги биринчи эскиз 20 дақиқа вақт мобайнида, иккинчиси тахминан 2 соатда яратилган, учинчисини ишлашда акварель қаламлари ҳам ишлатилган ва унга 3 соат сарфланган.



*26-расм. Маркерлар ёрдамида ишланган эскиз*

### **Назорат учун саволлар**

1. Графика қандай санъат тури?
2. “Графика” сўзининг лугавий маъноси қандай?
3. Графиканинг турларини айтиб беринг ва ҳар бирини таърифланг.

4.Графикада ифода этишнинг қандай воситалари мавжуд? Уларга таъриф беринг.

5.Графикада тасвирлаш қандай ташкил этилиши мумкин?

6.Графикадаги қандай услубий йўналиш ва воситалар мавжуд?

7.Графика усулларини қўллаш қандай омиллардан келиб чиқади?

8.Графикадаги қўлланиладиган асбоблар қандай?

9.Қораламаларни бажаришда графиканинг қандай усуллари ва турларидан фойдаланиш мумкин?

10. Декоратив шакл нима орқали ва қандай ифодаланиши мумкин?

### **Амалий топшириқлар**

1. А4 бичимдаги вараққа

- турли йўналишдаги,

- турли қалинликдаги,

- турли характерга эга бўлган **чизикларни** ҳар хил асбоб ва ашёлар ёрдамида ҳамда ҳар хил усуллар билан чизинг. Уларни таҳлил қилинг ва тасвирлар ҳақида гапириб беринг.

2. А4 бичимдаги вараққа

- турли қалинликдаги,

- турли характерга эга бўлган **нуқталар ёрдамида** ҳар хил геометрик, орнаментал шаклларни тасвирланг. Уларни таҳлил қилинг.

3. А4 бичимдаги вараққа

- турли йўналишдаги,

- турли қалинликдаги,

- турли характерга эга бўлган **штрихлар ёрдамида** ҳар хил шаклларни тасвирланг. Уларни таҳлил қилинг.

4. А4 бичимдаги вараққа

- турли шаклдаги ва катталиқдаги,

- турли характерга эга бўлган,

- штрихлар ёрдамида ҳосил бўлган,

- нуқталар ёрдамида ҳосил бўлган **доғларни** ҳар хил асбоб ва ашёлар ёрдамида ҳамда ҳар хил усуллар билан тушуриг. Уларни таҳлил қилинг.

5. А4 бичимдаги варақнинг 1/8 қисмига тенг бўлган бўлакларига турли усуллар билан фонни қопланг (14-расмга қаранг).

6. Турли усуллар билан доғларнинг (монотипия, рангни қозога оқизиб турли йўналишларга буриш, ҳар хил нарсаларнинг изи, қўлмаксимон, босмалар, коллаж, икки варақ орасидаги бўялган ипларнинг буралишидан ва бошқа усуллар билан ҳосил қилинган) тасвирини тушуриңг. А4 бичимдаги варақда бу ҳосил бўлган доғларни либос силуэтига ўхшатиңг ва тўлдириңг.



27-расм. Турлича усуллар билан ҳосил қилинган доғлар

### 1.3. Симметрия, асимметрия

Симметрия санъатнинг ҳар бир турида бадий образ яратиш, уйғунликни ҳосил қилиш воситаси сифатида катта аҳамиятга эга. Бадий лойиҳалашда симметрия композициядаги яхлитилк ва ифодалиликка эришишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Одамзод симметрия билан табиат ва техникада ҳар қуни

дуч келади, симметрия кўп асрлик ижодиёт тарихида домий намоён бўлади, уни архитектор, рассом, ҳайкалтарош, рассом-конструктор, муҳандис, техник ва ҳатто биолог, химиклар кенг қўллашади.

**Симметрия** (юн. “symmetria” – мутаносиблик, мослик, тўғрилик) – бу элементларнинг симметрия нуқтасига, ўқиға ёки текислигига нисбатан баробар жойлашувидир. Симметрия инсоннинг кўриш ҳиссёти томонидан мувозанат, уйғунлик ва мукамалликнинг алоҳида тартибнинг ташкил этилиши сифатида идрок этилади.

Табиат яратган симметрияни ихтиро қилган ва моҳиятини тушунган инсон учун симметрия гўзалликнинг ўзига хос мезонига айланди. Шундан бошлаб симметрия онгли равишда шаклни ташкиллаштириш учун энг зўр восита сифатида қўллана бошланган.

Тараққиётнинг ибтидосидаёқ одамзод симметрия ҳақида тасаввурга эға бўлган, унинг қонуниятларига асосланиб иморатлар курган, маиший буюмлар ясаган. Буларнинг барчаси нафақат амалий талабларға жавоб берган, балки эстетик меъёерларға ҳам мос келган.

Улуғвор Миср эҳромлари, Қадимги Юнонистон иншоотлари, машҳур Рим форумлари ва зафар арклари (дарвозалари) – буларнинг барчаси симметрик тузилишға эға. Амалий санъатда турли идишлар, хилма-хил тақинчоқлар ҳам симметрикдир.

Бадий ифодалиликка эришишда симметриянинг имкониятлари чегараси ва жабҳалари жуда кенгдир. Композицияға тантанаворлик ва серҳашамлик, мувозанат ва сиралик (тартиблилик) баҳш этиб симметрия шу билан шаклдаги экспрессия (таъсирчанлик) ва динамика (жўшқинлик)нинг ифодаланишиға тўсқинлик қилмайди.

Шаклни марказий нуқта, ўқ ёки текисликка нисбатан бурганда симметрик элементлар ўзаро бир-бириға буткул устма-уст тушиб мос келиши керак. Шунға кўра симметриянинг кўйидаги турлари мавжуд:

- текисликка нисбатан (кўзгуда акс этиш) симметрия;
- ўққа нисбатан симметрия;
- ўрама (спиралли ёки винтли) симметрия.

**Текисликка нисбатан симметрияда** композициянинг элементлари маълум текисликка нисбатан бир хил масофада жойлашади.

аввалги ҳолат


R

Я

акс этган ҳолат

Яъни, элементларни айлантириб ўзаро устма-уст қўйганда, улар бир элемент иккинчисининг кўзгудаги аксига ўхшаб ҳар бир нуқтасида мос тушиши керак. Фараз қилинган текислик симметрия текислиги деб аталади.

**Ўққа нисбатан симметрияда** элементлар маълум ўқ атрофида айланиб такрорланади. Агар элементнинг тузилиш асимметрик бўлса, бундай симметрия яққолроқ кўзга ташланади.



силжишдан аввал

R

R

силжишдан сўнг

**Ўрама симметрияда** композициянинг элементи ҳам айланма, ҳам маълум йўналишда кўчадиган ҳаркатни бажаради. Бундай ҳаракат спираль бўйича бўлиб, нуқта ёки атрофида бўлиши мумкин. Бундай симметрия фақат ҳажмий буюмларда намоён бўлади.


дастлабки ҳолат



силжишдан кейинги  
ҳолат



*28-расм. Табиатдаги симметрия*



*A*



Б

29-расм. Меъморчилик объектларида симметриянинг намоён бўлишига мисоллар. А – текисликка нисбатан ҳамда силжиш симметрияси. Муқарнас арк, Алҳамра қалъаси, Гранада. Б – ўрама (винтли) симметрия. Юқори вольтли замонавий минора



А





Б

30-расм. Амалий санъат асарларидаги симметрияга мисоллар  
 А – Сопол лаган, Усмонийлар даври, Туркия. Б – Анъанавий матолар (аъло бахмал ва атлас) даги абрбанд нақшлар. Бугунги кунлар

**Асимметрия** – симметриянинг мавжуд эмаслиги ёки унинг бузилганлиги (дисимметрия). Яъни, асимметрия композициянинг шундай кўринишики, бунда симметриянинг элементлари, ўқлари, текисликларининг ўзаро мувофиқлиги ва жойлашуви кузатилмайди. Элементларнинг динамик мувозанати, бир бутун ичидаги ҳаракат қилиш таассуроти асимметрик композициянинг ташкил этилишининг асосий тамойилидир.

Асимметрияда симметриянинг йўқлиги композицияда мувозанатнинг бузилиши дегани эмас. Назар солинганда композициянинг элементлари, уларнинг шакли, ўлчами, характери, макондаги жойлашуви – буларнинг барчаси мувозантани бўлиши даркор. Агар симметрик композиция бир қарашдаёқ осон ва енгил идрок этилса, асимметрик композиция аста-секинлик билан бора-бора қабул қилинади, ўқилади. Симметриянинг тузилишида мантикий изчиллик ва тартиб кузатилса, асимметрияда ташкиллаштириш яққол кўзга ташланмайди. Уйғунликда тузилган асимметрия композицияни ташкли этиш қонуниятларининг ўта мураккаб муносабатлари ёрдамида ташкил этилади.

Бир буюмнинг симметрик шакли қанчалик функционал вазифаларнинг талабидан келиб чиққан бўлса, асимметрик ечимдаги шакл ҳам бошқа буюмнинг худди шундай талабларидан келиб чиққан бўлади. Бироқ ҳар иккала шаклнинг хусусиятлари орасида жиддий фарқлар мавжуд бўлади. Симметриянинг шунчаки ўзи уйғунлик, мувофиқликни кафолатламайди. Асимметрия ҳам гармония, мутаносибликнинг бузилиши дегани эмас.

Санъат, меъморчилик, техниканинг ривожланиш тарихи шуни кўрсатадики, ҳам содда, ҳам мураккаб асимметрик композициялар эстетик қадри ва аҳамияти жиҳатидан симметрик композициялардан қолишмайди.

Шу билан бирга асимметрик шакллар устида ишлаш мураккаброқ, бу жараён ривожланган ички сезгирлик – интуицияни ва композицион мувозанатни сезишнинг нафис ҳис-туйғусини талаб қилади.

Асимметрия пропорцияларнинг (нисбатларнинг) ўзгаришига жуда талабчан. Шунинг учун асимметрик шаклдаги буюм устида ишлаётганда унинг пропорционал тузилишига алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Асимметрик композицияларда шакл қисмлари орасидаги муносабатларнинг узвийлиги ва мутаносиблиги катта аҳамият эга. Асимметрияни ҳосил қилувчи элемент ўлчамларига кўра қанчалик катта (йирик) бўлса, унинг композициядаги визуал роли шунчалик фаол бўлади. У диққатни биринчи навбатда ўзига тортади. Баъзида ҳатто композиция “оғиб” кетаётгандек, таянчини “йўқотгандек” туюлади, чунки асимметрик шакллар учун композицион мувозанат деярли жисмоний мувозанат билан баробар бўлади.

Симметриянинг эса ўзи эса тобелик ва мувозанатга хизмат қилади. Асимметрик шаклда эса мана шу ташкиллаштирувчи негиз йўқ бўлиб, ундаги элементларни ўзаро тобелиги зийраклик ва нафислик талаб этувчи қатор қонуниятларга асослангандир. Асимметрик шаклни мувозанатлаш учун дастлабки таҳлил синчиклаб пухта бажариш керак. Баъзан композицион элементларнинг шакли, ранги, ўлчами, жойлашувини бироз ўзгартириш, “сал-пал” сайқаллаш керак бўлади. Асосийси, шакл яхлитлигига эришишдир. Бунда турли вариантларни кўриб чиқиш, қатор эскизларни яратиш, макетларни бажариш, уларни синаш керак бўлади.


Симметрия ва асимметрия статик ҳамда динамик композицияларда бадиий ифодалиликка эришишда ёрдам беради. Бадиий конструкциялашда, лойиҳалашда симметрия ва асимметриянинг турлича намоён бўлишини тинимсиз кузатиш мумкин. Чунки улар орқали буюм бажариши керак бўлган вазифа ва унинг чиройлилиги (яъни утилитар ва эстетик талабларга жавоб бериши) билан боғлиқ бўлган ташқи кўриниш – шаклнинг ташкил этилишининг маълум тартиби белгиланади. Пластик санъатлар амалиётида симметрия ва асимметриянинг қўлланилишига кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин.

Баъзи ҳолларда композиция абсолют симметрияга яқинлашади, баъзан эса умумий симметрик негизда элементларнинг яққол асимметрияси кузатилади. Яна бир вазиятда аксинча, умумий ҳолда асимметрик бўлган композиция симметрик қисмлардан иборат бўлади. Баъзида композиция умуман олганда ҳам, қисмларда ҳам тўлиқ асимметрик бўлиши мумкин.

**Асимметриянинг симметрик шаклларда намоён бўлиши.** Симметрияни қўллаш ғоясини кўрсатган табиат, мазкур қонуниятдан чекиниш мумкинлигини ҳам намоёйиш этади. Чунки табиат шаклларида бундай нарсалар жуда кўп учрайди. Масалан, қисқичбақанинг битта панжаси иккинчисига қараганда анча катта, зебра терисдаги йўллар чап ва ўнг томонларида бир хил эмас, баъзи ўсимликларнинг барглари новдада симметрик жойлашагни билан шакллари носимметрик, чиғаноқнинг тузилиши ўрамасига симметрик бўлгани билан ташқи кўринишида симметрия сезилмайди ва ҳ.зо. Табиатда абсолют симметриянинг ўзи мавжуд эмас.



*31-расм. Симметрия ва асимметрияда элементларнинг динамик жойлашуви*



*32-расм. Шакл элементларининг ўлчамларини ўзгартириш ҳисобида симметрияда мувовазанатга эришиш*

### **Назорат учун саволлар**

1. Симметрия атамасига таъриф беринг. Сўзнинг лугавий маъноси қандай?
2. Симметриянинг табиатда, санъатда, архитектурада, техникада намоён бўлишига қандай мисолларни биласиз. Жавобингизни тушунтиринг.
3. Симметриянинг қандай турлари мавжуд?
4. Текисликка нисбатан симметрия деганда нималар тушунилади?
5. Ўққа нисбатан симметрия деганда нималар тушунилади?
6. Ўрама симметрия деганда нималар тушунилади?
7. Асимметрия нима дегани? Мисоллар келтиринг ва уларни таҳлил қилинг.
8. Композициянинг тузилишида симметрия ва асимметриянинг роли қандай?
9. Композицияда симметрия ёки асимметрияга қай тарзда эришиш мумкин? Жавобингизни мисоллар билан тўлдиринг.
10. Симметрик шаклларда қандай кўринишда асимметрия намоён бўлиши мумкин?


## 1.4. Симметрик ва асимметрик абстракт композициялар тузиш

**Амалий топшириқ.** Берилган катталиқдаги шаклда (9х9см ёки 10х10см катталиқдаги квадрат ҳамда 9х18 ёки 10х20 см ўлчамли тўғри тўртбурчак) симметрик ва асимметрик **абстракт** композициялар тузинг.

**Абстракция** (лот. “abstractio” – узоқлик, олислик, чалғитиш) – мавҳум тушунча, абстрактлаш йўли билан ҳосил қилинган назарий хулоса, умумлашма. **Абстрактлаш** – нарса, воқеа, ҳодисаларнинг муҳим томонларини аниқлаш учун уларнинг жузъий томонларини ҳаёлан бир чеккага қўйиб туриб қараш, шу тарзда фикр юритиш. **Абстракт** – абстракцияга оид.

**Амалий топшириқнинг мақсади** мавзуни мустақкамлаш ҳамда симметрия ва асимметрия категориялардан келиб чиқиб тузилган композициялар тузишда график тасвир воситаларини қўллашни ўрганиш.

Бунда текисликдаги абстракт композициянинг элементлари бўлиб нукта, чизик, штрих, доғ-тон ҳамда уларнинг аралашмалари каби график усуллар хизмат қилади. Композициялар фақат оқ-қора графикада бажарилади.






Оқ ва қора доғларлар воситасида тузилган текисликка нисбатан симметрияли абстракт композиция. Симметрия текислигини белгиловчи чизиқ квадрат диагонали орқали ўтган. Бунда доғларнинг шакли устма-уст тушади, ранги эса турлича




Оқ ва қора доғларлар воситасида тузилган текисликка нисбатан симметрияли абстракт композиция









Оқ ва қора доғларлар воситасида тузилган текисликка нисбатан симметрияли абстракт композиция



Оқ ва қора доғларлар воситасида тузилган ўқка нисбатан симметрияли абстракт композиция. Симметрия ўқи квадратнинг диагоналлари кесишган нуқтадан ўтган. Бунда доғларнинг шакли устма-уст тушади, ранги эса турлича



<p>Чизиклар ва оқ-қора доғлар воситасида тузилган ўққа нисбатан симметрияли абстракт композиция</p>	<p>Чизиклар, нуқталар ва доғлар воситасида тузилган ўққа нисбатан симметрияли абстракт орнаментал композиция</p>
	
<p>Оқ ва қора тонлар воситасида тузилган текисликка нисбатан тузилган симметрияли абстракт композиция</p>	<p>Оқ ва қора тонлар воситасида тузилган текисликка нисбатан тузилган симметрияли абстракт композиция</p>
	
<p>Оқ ва қора тонлар воситасида тузилган ўққа нисбатан симметрияли абстракт композиция</p>	<p>Оқ ва қора тонлар воситасида тузилган ўққа нисбатан симметрияли абстракт композиция</p>
	
<p>Оқ ва қора тонлар ҳамда чизиклар воситасида текисликка нисбатан тузилган симметрияли абстракт композиция</p>	<p>Оқ ва қора тонлар воситасида текисликка нисбатан тузилган симметрияли абстракт композиция</p>



Оқ ва қора тонлар, чизиклар ва нуқталар воситасида тузилган асимметрияли абстракт композиция



Оқ ва қора тонлар воситасида тузилган асимметрияли абстракт композиция ичида симметрик элементларнинг намоён бўлиши




Чизиклар, нуқталар ва доғлар воситасида тузилган асимметрик абстракт композиция



Чизиклар, нуқталар ва доғлар воситасида тузилган асимметрик абстракт композиция





Чизиклар ва доғлар воситасида тузилган симметрик абстракт композиция



Доғлар воситасида тузилган асимметрик абстракт композиция

### 1.5. Пропорциялар ва пропорционаллик

**Пропорциялар** – бу композициянинг классик воситаларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида шаклнинг ташкиллаштирилганлигига эришилади. Масштаб (миқёс) ва пропорциялар (мутаносиблик) ўзаро узвий боғлиқ.

**Пропорция** – мутаносиблик, элементлар орасидаги муносабатлар нисбатларининг ўзаро тенглиги. Шакл элементлари ўлчамлари орасидаги муносабатлар композиция қуриладиган асосдир. Агар буюмнинг ҳажмий-фазовий структурасини (тузилишини) аниқ пропорционал тизим бирлаштирмаса, унинг қисмлари ўзи алоҳида-алоҳида қанчалик яхши бўлмасин, шакл яхлитилигига эришиш мушкул бўлади.

Муносабатлар орасидаги нисбатлар – пропорциялар ижодкорларда (рассом, хунарманд, меъмор, ҳайкалтарош ва бошқаларда) доим қизиқиш уйғотган. Бу ҳақида охириги йилларда тадқиқотчилар томонидан аниқланган ўтган давр меъморий иншоотлардаги ҳар хил пропорционал системалари (аникроги, турли нисбатлар ҳақида маълумотлар берувчи ва уни амалиётда қўловчи тизимлар, мактаблар, таълимотлар) гувоҳлик беради. Пропорциялар платик санъат турларида бошқа категориялардан фарқлироқ алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шаклни уйғунлаштириш воситаси сифатидаги пропорциялар тўғрисида эҳтимол, бошқаларга қараганда энг кўп илмий асарлар ёзилгандир. Антик дунё ва Уйғониш даврининг Витрувий, Палладио, Виньола, Серлио ва яна бошқа кўпчилик каби олим, меъмор ва рассомлари пропорцияларни тадқиқ этишга ўз ишларини бағишлашган. Мукамал буюмлар: соат, мебель, дастгоҳ, машиналарни яратган жуда кўп уста-хунармандлар ўз даврининг муҳандис ва дизайнерлари бу воситанинг кучли имкониятини тан олишган ва зўр маҳорат билан қўллашган. XIV-XV асрлар ва ундан кейинги даврлардаги буюмларнинг шакли ҳам ўзининг мукамал пропорциялари билан бизларни ҳайратга солиб келмоқда.

Композиция яратаётганда рассом композиция элементларининг ўзаро ва бир бутун яхлитлик орасидаги у ёки бу муносабатларни интуитив равишда ёки математик ҳисоблаш ва геометрик қурилишлар натижасида ихтиёрий ёки беихтиёр қўллайди. Ҳар бир бино, иншоот, буюм ўзининг пропорцияларига эга.

Мутаносиб-пропорционал дегани қандайдир катталиқдаги ўлчамга маълум муносабатда бўлиш демакдир.

Пропорционал ўлчамлар бир-бирига шундай боглиқ бўлган ўлчамларки, булардан бир ўлчам бир неча бор ортиши билан мувофиқ равишда бошқа ўлчам ҳам шунча марта оширилади. Акс ҳолда мутаносиблик-пропорция бузилади. Шакл қисмлари ўлчамлари орасидаги муносабатлар бу бутун композиция қуриладиган асосдир.

Ҳар бир қурилма, буюм, композиция унинг вазифасидан келиб чиқиб аниқланувчи ўлчамлар орасидаги муносабатлар тизимидир. Шунга кўра пропорционаллаш жараёнига ижодий жараёндек ёндашиш керак. Мутаносиблик – пропорциялар буюмнинг

ишлатилиш шароити (қай тарзда қўлланилиши), вазифаси ва жойини ҳисобга олиши лозим.

Пропорциялар, яъни композиция элементларининг ўлчамлари орасидаги нисбатлар шакл ва қисмларининг ўзаро ҳамда бир бутун билан муносиблиги ва уйғунлигини белгилайди.

Амалда пропорционал нисбатларнинг (муносабатларнинг) икки хил тури мавжуддир:

1. Арифметик пропорциялар (бутун сонли).

2. Геометрик пропорциялар (иррационал).

**Арифметик пропорциялар (нисбатлар)** – муносабликнинг энг содда кўриниши. Улар шаклнинг асосий иккита ўлчами орасидаги ўзаро алоқасини белгилайди. Бундай муносабатлар бутун сонлар орқали ифодаланиб каррали деб ҳам аталади, чунки кичик ўлчам катта ўлчамда бир неча марта (карра) такрорланади (фақат бутун сонли марта). Бунда катта ўлчамни ўлчаш учун хизмат қиладиган кичик ўлчам **модуль** (лот. “*modulus*” – ўлчов) деб аталади. Бундан келиб чиқиб **модуляция** (лот. “*modulatio*” – муносаблик, изчиллик, келишганлик, мослик) – модуль бирлиги асосида шаклни тузиш, қуриш дегани.

Оддий арифметик пропорцияларни (муносабликларни, нисбатларни) бутун сонларда ифодалаш мумкинлиги юқорида айтилган эди. Геометрик шакллар мисолида келтирадиган бўлсак, оддий арифметик нисбатларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

-квадрат (маълумки, унинг эни ва бўйи бир хил) – томонлари орасидаги нисбатлар 1:1 кўринишда;


-бўйи энидан икки барабар катта бўлган тўғри тўртбурчак пропорцияси 1:2 нисбатда, яъни иккита квадрат баландлиги;

- томонлари 3:4:5 нисбатда бўлган тўғри бурчакли учбурчак.



Қадимги Мисрда томонлари ана шундай пропорцияларда бўлган учбурчак муқаддас, илоҳий ҳисобланган.

Мисрликлар томонидан бу учбурчак бир тарафдан пирамида ва ибодатхоналарни пропорционал қурилишида асос сифатида қўлланган бўлса, иккинчи тарафдан қурилиш жараёнининг ўзида амалий ёрдам кўрсатган. Қадимги замондаги қурувчи учун етарлича аҳамиятли бўлган тўғри бурчакни ( $90^{\circ}$ ) аниқлаш ва белгилаш айнан шу учбурчак ёрдамида осон кечган. Бунинг учун ихтиёрий узунликдаги арқон ёки чилвирда бир хил ораликда жойлашган 12 та тугунча боғланган. Арқон 3та, 4та, 5та

( $12=3+4+5$ ) тугун интервалида тортилиб тўғри бурчак ҳосил қилинган.




Бутун сонли пропорциялар нюансли ( $4:5$ ;  $7:8$ ;  $9:10$  ва шунга ўхшаш) ёки контрастли ( $1:5$ ;  $2:7$  ва шунга ўхшаш) бўлиши мумкин.




Томонлари бир-бирга турлича нисбатда бўлган тўғри тўрт-  
бурчаклар

**Геометрик (иррационал) пропорциялар** геометрик қури-  
лишлар орқали ҳосил қилинади. Буларга:


- квадрат диагонали ва томони орасидаги нисбатлар;



- тенг ёнли учбурчак асосининг ярми ва унинг баландлиги  
орасидаги нисбатлар;




в) бўйи ва энининг нисбатлари 1: 2 бўлган (яъни  $1 \times 1$  катталиқ-  
даги иккита квадратдан ёки модулдан иборат) тўғри тўртбур-  
чакнинг диагоналига нисбатан бўлган пропорцияси;



г) “олтин кесим” қонунига мос геометрик пропорция бутун  
бўлакни тенг бўлмаган икки бўлакка бўлиб, унинг катта бўлагининг  
кичик бўлакка нисбати, бутуннинг катта бўлакка нисбатига  
тенглиги бўйича аниқланади.

АС чизиғи 2 бўлакка шундай бўлинганки, АВ чизиғи катта ва ВС чизиғи кичик ўлчамларга эга ( $AB:BC=AC:AB$ ). Бу кўринишдаги ўзаро муносабатни бутун сонларнинг математик қатори билан белгилаш мумкин. Бу қатор 1, 2, 3, 5, 8, 13, 21, 34, 56 ва ҳ.зо.



**33-расм.** Кесмани тенг иккига (1) ва “олтин кесим” нисбатида бўлиниши (4). 1 – АВ кесмасида  $AC=AB:BC$  – пропорция ҳосил бўлган; 2, 3 – кесманинг бўлинишида пропорция ҳосил бўлмаган; 4 – АВ кесмаси олтин пропорцияда бўлинган, яъни  $AB:AC = AC:BC$  ёки  $BC:AC = AC:AB$ .

Сонларнинг бундай кетма-кетлигидан тузилган қатор Фибоначчи қатори ( кетма-кетлиги) ёки Фибоначчи сонлари деб аталади. Бу кетма-кетликдаги ҳар бир сон ўзидан аввалги иккита соннинг йиғиндисиди иборат. Ёнма-ён турган сонларнинг ўзаро нисбати эса доим 1,618..га яқинлашади. Атроф-муҳит ва табиатга таъсир этиш нуктаи назарида келиб қаралса, инсон доимо “олтин кесим” нисбатларини (билиб ё билмай) афзалроқ деб билган<sup>11</sup>.

Томонларининг нисбати 1:1,618 га тенг бўлган тўғри тўртбурчакни қўллашнинг илк намуналаридан бири э.авв. XX-XVI асрларда Англияда қурилган Стоунхендждир<sup>12</sup>. Бундай онгли ра-

<sup>11</sup> Кимберли Элам. Геометрия дизайна. Пропорции и композиция. Санкт Петербург.: Питер, 2011, С.8.


<sup>12</sup>Кимберли Элам. Геометрия дизайна. Пропорции и композиция. Санкт Петербург.: Питер, 2011, С.8.

вишдаги афзалликларни кейинчалик ҳам қадимги юнонларнинг эрамиздан аввалги V асрига мансуб, тасвирий санъати, меъморчилиги ва ҳатто ёзма меросларида кузатиш мумкин. Бундан кечроқ бўлган Уйғониш даврида рассом ва иморатсозлар олтин кесим нисбатларини машхур рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва архитектуравий асарларни яратишда қўллашдан ташқари, бу пропорцияни ўрганишган ҳамда ўз тадқиқотларини ҳужжатлаштиришган.

Бундай нисбатларни нафақат одамзод қўли билан яратилган асарларда балки табиатда ҳам одам танасининг ўлчамларида, ўсимлик, жониворлар, ҳашаротлар шаклларининг пропорцияларида ҳам кўриш мумкин. Моллюскалар ўсишини чиганогининг спиралсимон шакли характерлайди. Бу шаклнинг мукамаллиги илмий ва бадий тадқиқотлар предмети бўлиб келган. Чиганоқлар улғайишини акс эттирувчи шакл “олтин кесим”нинг логарифмик спиралини беради.



34-расм. Тибия моллюскаси чиганогининг ўсиш спиралини олтин кесим пропорциялари билан таққослаш<sup>13</sup>



35-расм. А – Наутилус моллюскаси чиганогининг кундаланг кесими  
Б – “олтин” спирал схемаси: “олтин” тўғри тўртбурчак ва ундан ҳосил бўлувчи спираль<sup>14</sup>

<sup>13</sup>Кимберли Элам. Геометрия дизайна. Пропорции и композиция. СПб.: Питер, 2011, С.11.




*36-расм. Форель (гулмоҳи) балиги шаклининг нисбатлари. Балиқ танасини учта “олтин” тўртбурчакка бўлса бўлади. Қўзининг жойлашган чизиги биринчи тўртбурчакнинг ичидаги яна битта “олтин” тўртбурчак ўтган чизиқда, думининг узунлиги эса учинчи тўртбурчанинг “олтин” кесимли бўлиниши текислигида жойлашган*

**Одам танаси ўлчамлари** орасидаги нисбатларда ҳам “олтин кесим” пропорцияси мавжудлигини кузатиш мумкин. Одамнинг юз тузилиши ва гавдаси барча тирик жонзодлар каби математик муносабатлардан тузилган. Шунинг учун бўлса керак одам мутаносиб ўлчамларга эга нарсаларни когнитив тарзда хуш кўради.

Одам танаси нисбатлари ва архитектурадаги пропорцияларни тадқиқ қилишга бағишланган илк ёзма манбаалардан қадимги юнон олими ва меъмори Марк Витрувий Поллионнинг (Витрувий) илмий ишларини келтирса бўлади.

<sup>1</sup>Кимберли Элам. Геометрия дизайна. Пропорции и композиция. СПб.: Питер, 2011, С.10.





*37-расм. Леонардо да Винчининг “Айлана ичидаги одам гавдаси” номли расмида Витрувийнинг қонунларига мос пропорцияларнинг намоён бўлиши*

Унинг таъкидлашича, ибодатхоналарнинг архитектураси барча қисмларининг ўлчамлари ўзаро уйғун бўлган мукаммал одам танасининг мутаносиблигига (пропорционалликка) асосланиши керак<sup>15</sup>. Витрувий бу пропорцияларни тавсифлаб, қомати яхши тузилган одамнинг бўйи унинг икки ёнга қулоч очилган қўлларининг узунлигига тенг бўлишини тушунтирган. Одамнинг бўйи ва икки ёнга тўғри узатилган қўлларнинг узунлиги ўз ичига одам танасини сиғдирган квадрат томонларини ташкил этган. Бунда маркази киндик нуқтасидан ўтувчи айланага қўл ва оёқлар тегиб туради. Мазкур тизимга асосан одам танасининг узунлиги чов қисмида иккига, киндик нуқтасида эса “олтин кесим” га биноан бўлинади.

<sup>15</sup>Кимберли Элам. Геометрия дизайни. Пропорции и композиция. СПб.: Питер, 2011, С.14.

## 1.6. Ритм, модуль, метрик такрорланиш. Мувозанат, динамиклик ва статиклик

Шаклнинг ҳар хил элементларини ҳамжиҳатликка, бирликка келтириш, уларни жойлашувини тартибга солишнинг энг муҳим усулларида бири – **ритм** ҳисобланади. Ритм табиатдаги турли шакл ҳамда ҳодисаларга ва бошқаларга хосдир.

**Ритм** – катта-кичик элементларнинг бир маромда (меъёрда) алмашиши, чизиқлар, ҳажм ва текисликларнинг (бўриб турувчи ёки ясси тушувчи) бирикиш кетма-кетлиги, уйғунлик тартибидир. Ритмлар якка (камерний) ёки монументал (маҳобатли) бўлиши, шодлик, ёки бўлмаса тантанаворлик, осойишталик (ҳаловат, хотиржамлик) ёки ғамгинлик кайфиятини уйғотувчи (ҳосил қилувчи) бўлиши мумкин.

**Ритм – композицион тузилмаларнинг асосидир.**

Ритм бизнинг ҳиссиётимизга таъсир ўтказиши. Биз уни нафақат кўриш орқали, балки эшитиб ҳам қабул (идрок) қиламиз. Чопаётган от бир маромда эшитилувчи қадам ташлайди. Поезд ғилдирақларининг тарақ-туруқи ёки рақс мусиқасининг ҳам ўзига хос ритми бордир. Шеър вази қанчалик ритмли (оҳангли) бўлса, шунчалик осон ўқилиб ёд олинади. Баравар интервалли товуш ва зарблар билан (сақланган) ушлангани боис овоз манбаи ритмик дея қабул қилинади.

Бироқ ритм нафақат ҳаракатга, балки, статик ҳолатдаги предметга ҳам хос. Мисол учун, архитектура иншоотларида деразалар вертикал ва горизонтал бўйича ритмик равишда тақсимланади. Ритм ясси тасвирларда ҳам кузатилади: девор гулкоғозларида, гилам ва матоларда. Ритмнинг ғоят ёрқин мисолларини ҳайвонот ва ўсимлик дунёсида кузатишимиз мумкин.

У ёки бу иншоотда (орнаментал фриз) ёки буюмда (гулдон ваза нақши) акс эттирилган турғун тасвирга боққанимизда, ундаги бирон-бир ясси, бўриб турувчи (ҳажмдор), чизиқли (линияли) элементларнинг такрорланиб келиши боис, кўзимиз айрим меъёрдаги такрорланиш ортидан кузатиши натижасида шартли ҳаракатланувчи ритм туйғуси ҳосил бўлади.

Ҳажм, сиртларнинг бўлиниши, кирраларнинг **тартибли равишда** алмашилиб такрорланиши, ҳамда шакл элементлари характеристикасининг бир йўсинда ўзгартирилиши барчаси

алоҳида предмет ва иншоотлар, шунингдек, уларнинг мажмуи (комплекси, йиғиндиси) учун ҳам қўлланадиган махсус ўзига хос композиция усули ўрнида фойдаланилади.

Ритм сокин ва кўзни ўйнатадиган нотинч, бир томонга қаратилган (нақшли ҳошия) ёки марказга йигилган (патнис, дастурхон ёки қутича/ғаладон ўртасидаги нақш, қандил остидаги ганчкор безак), горизонтал (кўндаланг) ва вертикал бўйича (бўйлама) йўналтирилган бўлиши мумкин.

Ритмга вертикал бўйича ривож берилиши кўп ҳолда композицион мураккабликларни енгиллаштиради. Одатда вертикал бўйича ўзгартиришлар ўз-ўзидан кўзга кўринадиган тугаллик, тўла-тўқислик ҳосил бўлишини таъминлайди. Агар ритм горизонталлик бўйича ривожлантирилса, композицияни бошлаш ва тугатиш муаммоси юзага чиқиши мумкин. Горизонтал йўналишда ҳам, вертикал бўйича ҳам тез-тез бўлаклаш безовталиқ туйғусини келтириши мумкин. Горизонтал бўлинишлар буюмнинг баландлигини пастроқ кўрсатиб, вертикал тушганлари эса, аксинча, уни баландроқ қилиб кўрсатади.

Буюмдан олинадиган таассуротни исталганча бўлиши учун ритмнинг барча имконларини усулларини қўллаш, хусусан, элементлар, ҳажм, рангли доғларнинг ва яна бошқа бирон-бир кўз ҳаракатини танланган ритмга мувофиқ йўналтирувчи деталларнинг яхшилаб, пухта ўйланиб ва ҳис қилинган кетма-кетлигидан тўғри фойдаланиб ҳосил қилса бўлади.

Мазкур қонуният иш бериши ҳамда намоён бўлиши қанчалик кучли бўлса, ритмнинг композицияда жипслаштирувчи бирлаштирувчи ташкиллаштирувчи роли шунчалик актив бўлади. Элементлар ёки уларнинг кетма-кетлиги ўзгаришлари билинар-билинемас бўлса, ритм сустроқ кўриниши мумкин. Бироқ, у композициянинг етакчиси бўлиб хизмат қиларлик даражада кучли ва шиддатли бўлиши ҳам мумкин. Рангли ритм ҳам кенг қўлланади. У ўзига хос рангли иқлим ҳосил қилади.



38-расм. Чинни лаган композициясида элементларнинг метрик такрорланиши

**Метрик такрорланиш (метрик такрор, тартиб)** элементларнинг ва улар оралигининг тенглиги билан характерланади. Масалан, турар жой биноларидаги бир-биридан бир хил масофада турувчи деразалар қатори, кўприк устунлари оралиги ва бошқалар каби. Метрик ва ритмик тартиблар мувофиқлашиб қўлланиши имконияти мавжудлигини ҳисобга олиб, учта асосий ритм категорияларини белгилаб олиш мумкин: *метрик тартиб*, *ритмик тартиб*, *метр-ритмик тартиб*.

Ритм кучайиб-ўсиб борувчи ва камаювчи бўлади.

Бирон-бир метрик қаторнинг узлуксиз давом этиши (ёки қайтарилиши) охир-оқибатда монотон ва зерикарли ҳамда чарчатадиган ва зериктирадиган кўриниши мумкин. Шунга кўра, керакли хилма-хиллик ҳамда яхлитликка эришиш учун кўп ҳолда, композицияларда содда ритмлардан фойдалана туриб, турли метрик тартибларни бир-бирига мувофиқлаштиришга таянилади.

Метрик такрор ўзича актив қонуният бўлса-да, уйғунлик ҳосил бўлишини кафолатмаслиги ва умуман эстетик параметрларнинг ошишини таъминламаслиги мумкин. Мабодо мусиқа асарида битта нота узлуксиз равишда қайтариларверса ёки архитектура композицияси фақат биргина элементнинг такрорланиши устида қурилса – гармония ҳосил бўлмасдан, аксинча зерикарли монотонлик вужудга келиши муқаррар. Лекин

шунга қарамай, меъморчилик ёдгорликлари ва амалий санъат асарларининг ажойиб ва нафис намуналарида метрик такрор мавзуси (колонна, контрфорс, скульптура, нақш элементлари ва шу кабиларнинг оралиғи) доимо кенг қўлланган. Бироқ улардаги такрорланиш примитив ҳолда қолмай, баъзи пайтда таркибий унсурларнинг айримлари бошқа бирларига таянч бўлиб, қайтарилишини бойитиб турган элементларнинг уйғун ва мувофиқлаштирилган жуда мураккаб системаларни ҳосил қилган. Метрик такрорнинг бирлаштирувчи роли кўп сабабларга боғлиқ бўлиб, энг аввал такрорланувчи элементнинг активлиги ва унинг композицияда тутган ўрнига боғлиқ.

Метрик такрорланишни элементлар ва фоннинг *контрасти*, ҳамда уларнинг *нюансли* муносабатларига асосланган икки турга ажратиш тўғри бўлади. Ҳар бир конкрет мисолда метрик қайтарилаётган элементларнинг фонга ва бошқа элементларнинг метрик қаторларига нисбатан контрастлик даражасини мутаносиблаштириш лозимдир.

Метрик қатор – яқка элементнинг такрорига асосланган *содда*, бошқа бири билан мослашган *бироз мураккаб*, ва композицияда бир вақтнинг ўзида бир неча метрик такрорланиш қаторлари ривожлантирилган (ёки акс эттирилган) *гоят мураккаб* бўлиши мумкин.

Метрик қатордаги ҳар қандай ўзгариш фақат аниқ-равшан ва албатта композицион асосланган, маромига етказилган, акцентлаштирилган бўлиши керак. Композиция тузишда метрик такрорга ўхшаш восита ва яқин усул – *ритм* эса умуман ҳеч қандай чекинишга йўл бермайди. Чунки *ритмнинг бузилиши* композициядаги бутунликнинг жиддий бузилишига олиб келади. Метрик қаторнинг пухта ўйланган композицион ўзгаришларига нафақат йўл қўйилиши мумкин, балки кўп ҳолда матлуб ва маъқул келади.

Баъзан шундай ҳол юзага келадикки, унда метрик қатор бир-бирига жуда яқин ва зич жойлашган элементлар ёки элементлар гуруҳи билан тўлдирилган бўлади. Бунда композициядаги фон композицияни тузувчи унсур бўлиб хизмат қилишдан тўхтайдди, метрик такрорланишнинг ўзи эса таъсирчанлигини йўқотади. Баъзан эса аксинча, ҳаддан ташқари сийрак жойлашган элементлар ўта бўш фонда йўқолиб композицияни бузади.



*39-расм. Тож Маҳал қасрининг архитектурасида ритмнинг намоён бўлиши*

Юқорида айтилганидек, ритмик такрорланишлар бир маромда, камаювчи (пасаювчи) ёки ортиб борувчи (ўсувчи) бўлади. Шунга боғлиқ равишда такрорланишлар икки хил: статик ва динамик бўлиши мумкин.

**Статик ритм**да элементлар бир хил ораликда (интервалда) такрорланади. Бундаги қаторлар содда ва мураккаб бўлиши мумкин:

1) битта элементнинг бир хил ораликда такрорланишидан тузилган оддий қатор




мураккаб қатор оддий қаторларнинг алмашланиб келиши ва ўзаро уйғунлигидан тузилган бўлади.

2) Алмашиниш усулига кўра:

турли элементларнинг бир хил интервалда алмашиб келишдан тузилган;



тенг элементларнинг турлича интервалда алмашиниб келишидан тузилган;



бир хил бўлмаган элементларнинг алмашиб келишдан тузилган қаторлар бўлиши мумкин.



*40-расм. Ритмик ва метрик такрорланишлар эвазига тузилган либос композицияси. Бунда геометрик нақилларнинг элементлари метрик, ранг блоклари ритмик тузилган*

**Динамик ритм.** Бу ташкил этувчи элементлар ўлчами ва улар орасининг перспектив камайиб ёки ўсиб бориши натижасидаги қатордир. Динамик қаторларнинг ташкил этилиши арифметик ёки геометрик прогрессияга асосланган бўлади. Арифметик прогрессияда икки қўшни элемент орасидаги масофа фарқи доим бир хил бўлади:

1 1+1 2+1 3+1 4+1

Геометрик прогрессия бўйича ривожланган динамик ритмда ҳар бир кейинги интервалнинг катталиги ундан олдингисидан битта домий сонга кўпайтирилган бўлади.

1 1\*2 2\*2 4\*2 8\*2

Юқорида элементлар орасидаги интервалларнинг ўзгариш принципи кўрсатилган. Элемент ўлчамларининг ўзгариши ҳам худди шу тамойилга асосланган ҳолда рўй беради.

Яққол кўзга ташлангани сабабли шакл хоссаларидан куйидагилари ритмлашда муҳим ҳисобланади:

- 1) элемент ўлчами;
- 2) интервал;
- 3) элемент ранги (оч-тўқлиги).

Ритмик қаторлар ўлчами катта элементдан кичикка, ранг тўқроғидан очроғига, кичик интервалдан катта ораликқача йўналишда идрок қилинади.

Ритмик ва метрик такрорланишлар бир ўлчамли (чизик бўйлаб), икки ўлчамли (текислик бўйлаб), уч ўлчамли (ҳажм бўйлаб) бўлиши мумкин.


**Модуль, модуланганлик** – дизайндаги универсал воситалардан бири. Модуль – буюм (композиция) тузилишида ҳисобга олинадиган бирор қиймат. Модулнинг асосий хосси – яхлит композицияга қарралигидир (бир бутун ўлчами ўлчамига модуль қолдиқсиз бўлиниши керак). Яъни, битта элементнинг ўзини кўпайтириб ва турлича комбинациялаб ҳар хил шаклларни ҳосил қилиш имконини модуль беради. Масалан: паркет, рельефли керамик плиткалар, LeGo ўйинчоқлари. Модулга куйидаги асосий талаблар қўйилади:

1) оддийлик. (Модуль содда ва оддий бўлиши керак, чунки у яхлит композициянинг элементидир)

- 2) яхлитлик
- 3) ифодалилик




4) модуль турлича комбинацияларни тузиш имконини бериши керак.




41-расм. Метрик қаторларнинг асосий тузилишлари




42-расм. Ритмик қаторларнинг асосий тузилишлари




43-расм. Шаклларнинг ритмик такрорланиши



44-расм. Шаклларнинг метрик такрорланиши



45-расм. Чизиқлардаги ритм



46-рasm. Рангли доғлардан тузилган ритмик композициялар<sup>16</sup>

**Мувозанат** – бу шаклнинг шундай ҳолати-ки, ундаги барча элементлар мувозанатлашган бўлади. Композицион мувозанат шунчаки шакл, элемент ўлчамларининг тенглиги эмас. Композицион мувозанат композициядаги асосий миқдорларнинг марказга нисбатан жойлашуви, бўшлиқнинг ташкил этилиши, пропорциялар, асосий (агар мавжуд бўлса) ва иккинчи даражали ўқларнинг ўрни, шаклнинг пластикаси, алоҳида бўлақларнинг ўзаро ва бир бутунга нисбатан рангли ва тонал муносабатларига боғлиқдир. Оғирлик марказига нисбатан таянч нуқатларнинг жойлашуви, элементларнинг тақсимооти композицияни томоша қилаётганимизда унинг мувозанати ҳақида ахборот беради.

Ритм каби мувозанат ҳам ўсимлик, ҳам ҳайвонот дунёсига хосдир. Шакли пирамидани эслатувчи терак, қорақайин дарахтининг япроғи, акациянинг новдаси, кенгуру ёки жирафанинг тузилишига эътибор берилса, яхлитлик, тугалланганлик, мувозанат таасуроти ҳосил бўлади.

Ихтиёрий буюм, ихтиёрий қурилмани ташкил этувчи ҳажм ёки қисмларнинг мувозанати хотиржамлик, турғунлик, барқарорлик ҳиссини бахш этади. Бундай нарсани идрок этаётган инсон ҳаловат топади. Аксинча, бунга тескари ҳиссиётни қисмлари мувозанатлашмаган буюмлар характерлайди.

Симметрик ва асимметрик шаклларда композицион мувозанат турлича намоён бўлади. Симметрик шаклни композицион жиҳатдан мувозанатлашган деб ҳисоблангани учун симметрияни

<sup>16</sup><http://kfk.comdiz.ru>сайтдан.

кўпинча мувозанатнинг синоними деб талқин этишади. Бу ҳар доим ҳам тўғри эмас – симметрия композициянинг мувозантини таъминламаслиги мумкин. Агар бутун ва унинг қисмлари орасидаги пропорциялар бузилган, уларнинг номасштаблиги яққол бўлса, ҳатто симметрик шакл ҳам мувозанатлашмагандек туюлади. Шунга қарамай, симметрия ўқининг мавжудлиги эвазига симметрик шаклда асимметрик шаклдагига нисбатан композицион мувозанатга эришиш осон. Бунга нисбатан содда воситалар билан эришиш имкони бор.

**Шаклнинг динамиклиги.** Динамика (композицион динамика) – томоша қилинаётган шаклнинг “шиддатлилиги”ни, ҳаракатини идрок этилиши. Бир томонга фаол йўналтирилган динамик шакл худди маконга тезлик билан кириб келаятгандек туюлади. Агар динамиклик яққол кўзга ташланса, у композицияни аниқловчи асосий хоссаларидан бўлади.

Шаклнинг динамиклиги унинг пропорциялари – ўлчамларининг ўзаро нисбати билан боғлиқ. Масалан, куб, узунчок параллелепипед ва учқиррали баланд пирамидани олайлик.

Кубнинг шаклини белгиловчи барча ўлчамларнинг тенглиги ҳисобига унинг массаси бир жойда тўпланиб тургандек “барқарор доимийлик” таассуротини бағишлайди. Пирамиданинг тузилиши эса кўзни худди ўзининг қирраси бўйлаб пастдан юқорига ҳаракат қилишга “ундаётгандек” туюлади. Узунасига чўзилган параллелепипедда шаклдан қоладиган таассурот унинг узун томони бўйлаб кўзнинг ҳаракат қилиши натижасида пайдо бўлади. Агар параллелепипед тик турса, кўзнинг пастдан юқорига бўлган ҳаракати кучайиши ҳисобига шакл динамикликка эга бўлади. Масалан, осмонўпар баланд бино юқорига интилгандек туюлади, чунки кўзимиз шаклнинг асосидан бошлаб унинг чўққисига – пастдан тепага қараб ҳаракат қилади. Худди шу параллелепипед ётса, вертикал чизик йўқолиши эвазига унинг динамиклиги ҳам йўқолади.

**Шаклнинг статиклиги** – шакл тузилиши, геометрик асосидаги хотиржамлик, турғунлик, мувозанат ифодасидир.

Композициянинг барча элементлари бош элементга – **композицион марказ (доминанта)**га бўйсунуши жуда муҳим.

Композицион марказнинг бошқа қисмлардан устунлигини таъкидлаб берадиган хусусиятларини бўрттириб кўрсатиш


қонуниятлари асосида композицион марказни кўрсатишга эришилади. Қуйида шу қонуниятларни кўриб чиқамиз.

**Микдор қонуни.** Бир турдаги безакнинг катта-кичиклиги, ҳажми, массаси ёки микдори каттароқ бўлгани костюмнинг (аниқроқ қилиб айтганда костюм композициясининг) бошқа қисмларидан устунроқ бўлиб туради.


**Марказда бўлиш қонуни.** Бўрттириб кўрсатиладиган қисмнинг нисбатан марказий жойда бўлиши бошқа ҳамма жиҳатлари тенг бўлган ҳолда, шу қисмни асосий композицион марказ қилиб кўрсатади.

**Сифат қонуни.** Ҳусусияти ёки бир гуруҳ хусусиятлари жиҳатидан кўпроқ бўлган қисм устун бўлиб туради. Расмий характерда бўлган ҳар қандай турли безакларнинг ҳар хил активлигидан ва сифатидан фойдаланиш асосий қисмини бир бутундан ажратиб кўрсатиш усулларидан бири бўлади.


**Маъно омили қонуни.** Бир бутуннинг маъноси бор безакли қисми (эмблема, гуллар, ҳарфлар ва бошқалар) расмий характердаги безакли қисмлардан устун туради.




47-расм. Композициянинг статиклиги




48-расм. Композициянинг динамиклиги




49-расм. Статик ва динамик композицияларга мисоллар. Жуптиклардаги ҳар иккала композицияни тuzишида бир хил элементлардан фойдаланилганлигига эътибор қаратинг





50-расм. Статик ва динамик композицияларга мисоллар. Жуфтликлардаги ҳар иккала композицияни тузишда бир хил элементлардан фойдаланилганлигига эътибор қаратинг



А

Б


В

51-расм. Композиция элементларининг доминантлик муносабатлари бўйича ташиқил этилиши.

А) композицион марказ – улчами катта элемент

Б) композицион марказ – улчами кичик элемент

В) композицион марказ – текисликдаги бўи жой



A

B

B

52-расм. Композиция элементларининг доминантлик муносабатлари буйича ташкил этилиши.<sup>17</sup>

A) композицион марказ – ўлчами катта элемент

B) композицион марказ – ўлчами кичик элемент

B) композицион марказ – текисликдаги бўш жой

## 1.7. Масштаб ва масштабlilik.

### Контраст, нюанс, тенглик

Одам атрофидаги барча нарсани ўзи билан солиштиради, барча ўлчамларни ўзига тушунарли бўлган ўлчамлар ҳамда ўзи учун аниқ бўлган тушунча ва мезонлар билан аниқлайди. Қадимги юнон файласуфи Пифагор айтганидек: “Инсон барча нарсанинг ўлчовидир”.

Предмет ўлчамлари, унинг яхлитлиги ва қисмлари орасидаги мутаносиблигини ҳамда одам ва буюм орасидаги орасидаги мутаносибликни тавсифлаш учун масштаб ва масштабlilik тушунчалари қўлланилади. Предметларнинг реал катталиги ҳақида таассурот фақатгина уларни бошқалари билан солиштирганда ҳосил бўлади.

**Масштабlilik** (ёки кўламдорлик) ҳиссиёти – дунёни, яхшида ҳодисаларнинг конкрет катталигини, объектлар (бинолар, иншоотлар, ҳайкаллар, жиҳозлар, кўчадаги стендлар, кўрғазма

<sup>17</sup>Милова Н.П., Мельник Н.Б., редактор: Александрова Л.И. Основы композиции, 1-кисм, электрон қўлланма.



экспонатлари ва ҳ.зо.) мутаносиблигини одам, архитектуравий ва табиий муҳит билан таққослагандаги реал идрок этишдир. Масштаблилик – композициянинг (композиция куришининг) энг мураккаб воситасидир.

Саноат буюмларидаги уйгун масштаблилика эришишда ўлчамлари техник ва эргономик талаблардан келиб чиққан деталларнинг аҳамияти катта.

Масштаблилик предметнинг муҳим хоссалари ва тавсифларидан биридир. Масалан, бирор-бир функционал ёки бадий-эстетик маънога эга бўлган буюмни (ёхуд унинг бир қисмини) асоссиз равишда катталаштириш ёки кичиклаштириш мумкин эмас.

Одамга ўзи томондан яратилган барча нарсаларни маълум бир катталиқ билан таққослашга интилиш хосдир. Бундан четга чиқишлар ички эътирозларга ва бу эътирозлар натижасида эстетик қониқмасликка олиб келади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, бунинг сабаби катталиқларни ўлчашнинг одам онгига хос бўлган ички “мезон”идир.

Одам онгида масштаб беихтиёрый равишда атроф-муҳит билан боғланади. Ўша-ўша предмет унинг атрофидаги муҳитга нисбатан ҳаддан ташқари баҳайбат, улкан, бесунақай ва кўпол ёки жуда кичикна, аҳамиятсиздек туюлиши мумкин.

Керакли ва оптимал масштаблилика эришишининг қатор усул ва воситалари мавжуддир. Биринчи навбатда, бизнинг тассав-вуримизга мос келувчи ва буюм ҳамда одам ёки атрофдаги моддий нарсалар(буюмлар, архитектуравий бинолар ва б.) ўлчами ва макон билан мутаносибликни бузмайдиган ўлчамдаги катталиқни танлаш жоиздир.

Бунда масштаб ўлчагичлари ролини бажарувчи ва ўлчами биз учун аниқ, тушунарли бўлган деталлар муҳимдир. Масалан, архитектура ва интерьер дизайнида зинапоя поғоналари ва туткичларининг баландлиги, ўриндиқларнинг баландлиги бўлса, автомашиналарни яратувчи саноат дизайнида кабинанинг одам бўйига мослаштирилган катталиги бўлса баландлигидир. Қўллар-нинг узунлиги билан белгиланган автомашинани бошқариш органларининг ўлчамлари яхлит буюмнинг ўлчамлари ва унинг масштабининг қандай бўлишида акс этиши мумкин.

Либосда энг, ёқа, чўнтак ва бошқа шу каби деталларнинг катталиги ҳам одам гавдаси ўлчамларига нисбатан масштабли бўлади. Ўта йирик ёки жуда майда безак деталларининг ҳам масштаблилиги бўлмаса композиция бузилади. Ёки бўлмаса, масштаби ўта йирик гулли чиройли матодан деворга осиладиган панно ўринли чиқади-ю, айнан шу мато либосда қўлланилса, унинг композициясини бузиши мумкин.

Аммо шунга қарамай, масштабни катталаштириш ёки кич-райтириш эвазига лойихловчи ижодкор буюмнинг ёки муҳитнинг бадиий кўриниши, қиёфасини, образини ўзгартириши мумкин.

Масалан, дам олиш паркларидаги аттракционларнинг ташқи кўриниши болалар ўйинчоғига ўхшайди, лекин масштаби катта. Бунинг натижасида ўзига хос муҳит яратилади. Либослар модасидаги авангард йўналишда ҳам деталларнинг масштаби ўзгартирилишига йўл қўйилади.

Бундай ўзаро бир-бирини инкор этувчи омилларнинг бирикуви гайриоддий, ноанъанавий, эртакнамо бадиий образларни яратишда композицион восита бўлиб хизмат қилади.

Композиция қуришнинг асосий принципи унинг барча элементлари муносабатларининг ўзаро келишувидир. Бу муносабатлар уч хил принцип асосида бўлиши мумкин: контраст, ўхшашлик (нюанс) ва тенглик (айният).

**Контраст** – бу кескин қарама-қаршилик; бунда композициядаги шакллар, шакл чизиқларининг пластикаси, ранглар, материал фактуралари, нақш чизиқларининг йўналишлари, ҳажмлар ўзаро қарама-қаршиликка қўйилади. Бундай қарама-қаршилик яққол гавдаланиши керак: узун – қалта, йўғон – ингичка, йирик – майда, оқ – қора, сидирға – гулли, ялтироқ – ялтироқмас, оғир, зич – шаффоф, нозик, силлиқ – дагал ва ҳ.зо.

Контрастнинг қўлланилиши композицияга ҳам, образга ҳам динамиклик, ҳаракат хусусиятини бахш этади. Контраст ёрдамида композициянинг ифодалилигини кучайтириш мумкин. Аммо қарама-қарши элементларнинг ишлатилиши ҳамма вақт оқланган бўлиши, яхлит образни, композицияни бузмаслиги керак.


Композициядаги **тенглик** (бу албатта нисбий тенглик, **ўхшашлик**) – бу костюмда бир элементнинг турли кўринишларда такрорланишидир.

**Нюанс** – шакл элементларининг бир-бирига яқинлашуви, ёки ўзига хос контраст муносабатларидан тенглик (айният) муносабатлари оралигидаги муносабатдир. Яъни, нюанс - нозик, сезилар-сезилмас фарқлар.

Агар контраст яққол қарама-қаршиликни бўрттирса, нюанс сезилар-сезилмас ўтишларни, рангдаги нозик фарқларни етказди. Шунга қарамай контраст ва нюанснинг мақсади бир хил – композиция деталларини таъкидлаш, шаклнинг зерикарли ва монотон бўлмаслиги учун уни яхшироқ ташкиллаштирилишига хизмат қилиш.


Юқорида айтилганидек, контрастни ҳам, нюансни ҳам қўллаш ўйланган ва оқланган бўлиши керак. Уларга шакл ва ранг орқали эришиш мумкин.

Нюанс, контраст каби лойиҳалашда ифодалиликка эришиш воситасидир. У худди предметнинг ўлчам, пропорция, ранг, фактура каби бир турдаги хоссаларининг градациясига ўхшайди.





53-расм. Оддий геометрик шаклларни таққослашдаги ўхшашлик ва қарама-қаршиликлар:

- А) тенглик – геометрик шаклларнинг буткул ўхшашлиги
- Б) геометрик шакл катталикларидаги нюанс фарқлар
- В) геометрик шакл катталикларидаги контраст фарқлар
- Г) геометрик шаклларнинг шаклидаги нюанс фарқлар
- Д) геометрик шаклларнинг шаклидаги контрастлар



54-рasm. Контрастли ва нюансли композициялар



55-рasm. Контрастли ва нюансли композициялар

Композиция жозибакор кўриниши, мукамал бўлиши учун шакл майда деталларигача сайқалланиши керак.

Контрасти бўлмаган шакл қанчалик беифода бўлса, нафис нюанслар билан тўлдирлмаган шакл ҳам шунчалик қўпол бўлади.

### **Назорат учун саволлар ва топшириқлар**

1. Ритм нима дегани?
2. Метрик такрорланиш деб нимага айтилади?
3. Ритмик ва метрик қаторлар қандай тузилган бўлиши мумкин?
4. Композицион мувозанат деганда нима тушунилади?
5. Композициядаги статика нима?
6. Композицион марказ нима дегани?
7. Композицион марказни аниқлаш принциплари қандай?
8. Масштаб ва масштаблилиқ деганда нималар тушунилади?
9. Контраст нима? Жавобингизни мисоллар билан тушунтиринг.
10. Тенглик нима? Жавобингизни мисоллар билан тушунтиринг.
11. Нюанс нима? Жавобингизни мисоллар билан тушунтиринг.

### **1.8. Ритмик ва метрик қаторлар иштирокида динамик ва статик абстракт композициялар тузиш**

Мавзуни мустақамлаш учун ҳамда график тасвир воситаларини қўллаш, ритмик ва метрик такрорланишлар воситасида статика ва динамика категорияларидан келиб чиқиб тузилган композициялар тузишни ўрганиш.

Бунда текисликдаги абстракт композициянинг элементлари бўлиб нуқта, чизик, штрих, доғ-тон ҳамда уларнинг аралашмалари каби график усуллар хизмат қилади. Композициялар фақат оқ-қора графикада бажарилади. Композицияларни тузишда:

1. Ритмик ёки метрик қаторларни
2. Статика ва динамика яққол кўришини
3. Композицион марказ жойлашувининг барча турларини акс эттиринг.



*Чизиқлар воситасида тузилган метрик такрорланишили абстракт композиция*



*Доғлар воситасида тузилган ритмик абстракт композиция*




*Доғлар воситасида тузилган ритмик абстракт композиция*



*Доғлар воситасида тузилган ритмик абстракт композиция*



*Доғлар воситасида тузилган ритмик абстракт композиция*




*Доғлар воситасида тузилган ритмик абстракт композиция*



*Доглар воситасида тузилган  
ритмик абстракт композиция*



*Доглар воситасида тузилган  
ритмик абстракт композиция*




*Оқ ва қора тонлар воситасида  
тузилган метрик такрорланишли  
орнаментал композиция*



*Чизимқли ритмик ва симметрик  
абстракт композиция*



*Оқ ва қора тонлар воситасида  
тузилган статик абстракт  
композиция*




*Тонлар воситасида тузилган  
динамик абстракт композиция*




*Тонлар воситасида тузилган  
динамик абстракт композиция*




*Тонлар воситасида тузилган  
ритмик динамик абстракт  
композиция*




*Оқ ва қора тонлар, чизиқлар ва  
нуқталар воситасида тузилган  
мураккаб метрик қаторли  
композиция*



*Оқ ва қора тонлар, чизиқлар ва  
нуқталар воситасида тузилган  
мураккаб метрик қаторли  
композиция*




*Чизиқлар, нуқталар ва доғларнинг  
ритмик такрорланиши ёрдамида  
тузилган абстракт композиция*




*Чизиқлар, нуқталар ва доғларнинг  
ритмик такрорланиши ёрдамида  
тузилган абстракт композиция*





*Катта элементга тобеллик орқали  
тузилган абстракт композиция*




*Марказда жойлашганликка биноан  
тузилган абстракт композиция*




*Ей буйича жойлашган метрик  
қатор*



*Метрик қатордаги доминанта*




*Текислик буйича тузилган метрик  
такрорланишлар*



*Ритмик қатор*



*Диагонал бўйича жойлашган  
ритмик такрорланиши*



*Ўлчами кичик элементнинг  
композицион марказ бўлиши*




*Оч қа туқ доғлардан тузилган  
мураккаб метрик қаторли  
композиция*




*Оч қа туқ доғлардан тузилган  
соғда метрик қаторли композиция*




*Метрик (шаклларнинг  
такрорланиши) ва ритмик (ранг  
очариши) такрорланиши  
композиция*




*Чизиқлар воситасида тузилган  
модулли композиция*



*Чизиқлар воситасида тузилган метрик орнаментал композиция*



*Чизиқлар воситасида тузилган модулли орнаментал композиция*



*Элементларнинг ритми орқали тузилган статик композиция*



*Элементларнинг ритми орқали тузилган динамик композиция*

## 1.9. Ассоциатив композициялар

Композиция тузишнинг коидаларини қўллаш жараёнида, ҳақиқий ижодни ҳиссий идрок этиш ажратиб туришини унутмаслик керак. Амалда композиция ёрдамида қандайдир эмоцияларни акс эттириш керак ёки композициядаги эмоционал таъсирчанликни кучайтириш керак бўлади.

Бунинг учун эмоционал ҳисларни бошдан кечиришнинг композицион сезгирлигини машқ қилиб шакллантириш лозим. Эмоцияларимиз доимо борлиқни ассоциатив идрок этиш билан боғлиқдир, ўз навбатида бу бизнинг ост онгимиз, тассавурларимиз билан боғлиқ.

Одамнинг эмоционал реакцияларини турлича контурлар, шарпа ва қиёфалар уйғотади. Агар бундай контурларнинг шаклини ўзгартириб борилса (яъни образни борган сари трансформациялаб), эмоционал ва маъновий (семантик) моҳиятга мос келувчи ассоциатив шаклни ҳосил қилиш мумкин.

Ижодий жараён – кўрган-кечирганларни ва тўпланган визуал материалларни тасвирий ўхшашликлар ва пластик метафоралар (истиора, киноя, мажоз) орқали қайта ўзгартиришдир. Буларнинг маъноси рассом-ижодкорнинг эмоционал-руҳий аҳволи, маънавий дунёқараши, кечинмаларини акс эттиришдан иборат. Айнан шу тарзда руҳий ҳолат билан боғлиқ бадиий образ вужудга келади.


Ассоциатив идрок этиш – санъат ва психология соҳаларининг туташувидаги бўлган қизиқарли ва кенг мавзу. Ҳар хил шакллар турлича идрок этилади. Масалан, қиррали ва парчаланганлари – нисбатан тажовузкорона, юмалоқлашган ва тўлқинсимонлари – мамнунлик ва хотиржамликни акс этгандек қабул қилинади.

**Ассоциатив композиция** бу биринчи навбатда маълум эмоция ёки ассоциацияни тақдим этувчи абстракт визуал қатордир.

Қуйида маълум характер, эмоция ва ассоциацияга эга бўлган композициядаги доғлар, чизиқлар, тузилишларга қисқача тавсифлар келтирилган.

**Оғир** – зил, салмоқли, салмоқдор; вазмин; қўпол, бесўнақай катта баҳайбат; йирик; залворли, салмоқдор; юкнинг оғирлиги; оғирлик кучи билан тазйиқ кўрсатмоқ; қийинчиликнинг оғирлиги, машаққат. Шу заҳотиёқ вазмин нимадир ҳаёлга келади. Мантиқан


фикрланса, оғир – демак, ўз вазни билан босим берувчи (пастга йўналтирилган), гравитация – Ерни тортиш қонунига итоат қилувчи. Агар композиция варақнинг пастки қисмида жойлашган бўлса, унинг кўп қисмини эгалласа ёки доғ яхлитилигча тўқ ранг билан тўлдирилган бўлса, у визуал оғир кўринади (статикага мисол). Аксинча, композицияни “кўтариб” туриш қийинлигини тасвирланса вазминликни динамик равишда акс эттириш мумкин<sup>18</sup>.




Енгил – вазнсиз, ҳаводек; кушдай енгил; нозик, пуф деса осмонга учадиган.




<sup>18</sup><http://nova-deep.blogspot.com/2015/04/motion-campus.сайтдан>




**Тез** – ҳаракат, тезлик, динамика, илдам, жадал чакқон; шиддатли. Йўналтирилган чизиклар, учбурчакалар – динамик шакллар, кулаётгандек иллюзиялар – буларнинг барчаси ҳаракатни акс эттиришга ёрдам беради.







**Секин** – секинлик билан содир бўладиган, суръати паст, секин, суст; сокин; бир маромдаги, бир текис; секинлаб тўхтамоқчи бўлгандек; майин, оҳиста, шошмасдан, бир текис ижро этиладиган. Думалоқлашган, силлиқ, “оқувчан” чизиқлар.



**Аниқ** – равшан; бурро, дона-дона, шахдам; кескин, қиррали, ҳар бир қисми аниқ билиниб турадиган; яхши кўриниб турадиган; ташкил қилинган, тушунарли; контрастли.




**Аморф** – шаклсиз, уюлмаган. Сиёҳни томизиб доғ туширилса, ихтиёрий ажи-бужи чизиклар бешакл экспрессив натижаларни бериши мумкин.









**Тетик** – бардам, багайрат, тийрак; дадил; руҳи енгиллик. Аниқ, равшан ва тушунарли композициялар. Кескин чегарали динамик ёки статик шакллар.




**Чарчаган** – ҳорган, толиққан, ҳоргин; чарчаганликни, сулайган ифодаловчи майин чизиклар. Ўзаро кесишганлик, бетартиблик.






Аниқ бир мақсадга қаратилган, йўналтирилган композициядаги йўналишининг қатъий равишда битта томонга йўналтирилганлиги, ягона яққол кўзга ташланувчи композицион марказнинг мавжудлиги.






**Ўйилган** – бўлиб-бўлиб ажратилган, тарқок, ёйиб юборилган композицион марказ умуман йўқ.




**Қаттиқ, баланд (товуш ҳақида)** – дабдабали, тамтароқли, баландпарвоз оғир ва динамик, қиррали ва контраст шакллар.





**Тинч, сокин** – секин, аста, зўрға эшитиладиган, жимжит, осойишта, мулойим, ювош, оғир, босиқ; оҳиста, секин-аста; шошмасдан ҳаракат қиладиган – зўрға кўзга ташланадиган, кичикнагина шакллар, нюанс муносабатлар.



## II БОБ. РАНГШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

### 2.1. Ранг ва унинг композициядаги роли.

#### Ранг физикаси

Атрофимиздаги барча нарсаларнинг ранги бор. Ранг – предметли макон муҳитининг муқарра бўлган хоссаси, атрибутидир. Табиатда яратилган табиий ранглар ва уларнинг бирикуви, рангларнинг маълум шаклларга тегишлилиги, уларнинг доимийлиги ва даврий ўзгариши – буларнинг барчасининг уйғун ва комиллигига шубҳа йўқ. Лекин, афсуски, одам томонида яратилган сунъий муҳитда ҳар доим ҳам ранглар уйғунлигини – гармонияни кузатиб бўлмайди.

**Рангшунослик** – ранг ҳақидаги фан бўлиб, рангни анъанавий ўрганишдан ташқари ранг маданияти, ранг гармонияси ҳақидаги билимларни ҳам беради. Рангшунослик рангнинг физикавий асосларига ҳамда уни идрок этишнинг психофизиологик негизига таянади.

Баъзан буюмни, шакли ва ҳажмидан олдинроқ, рангли доғ сифатида идрок этамиз. Ранг ва унинг бирикмалари ўта фаол бўлиши ёки аксинча, нейтрал бўлиши, улар безовта қилиши ёки тинчлантириши ҳам мумкин.

Рангни идрок этиш маълум даражада субъективдир. Немис педагоги Иттеннинг тадқиқотлари натижасида ҳар бир одамнинг маълум бир рангга мойиллиги ҳамда хуш кўрадиган ранг гаммаси борлиги аниқланган. Иттен одамнинг рангларга бўлган муносабатини унинг руҳий ҳолати билан боғлиқлигини асослашга уринган.

Умуман олганда, турли одамларда рангнинг идрок этишда ўхшашликлар бор. Рангнинг маълум объектив хоссаларини билиш ўзининг сезгиларини таҳлил қилиш ҳамда ранг воситасидан буюмни муҳит яратишда фойдаланишга имкон беради.

Ранг билан содир бўладиган ихтиёрий ижодий иш эстетик талабларни қондирувчи ранг палитрасини танлашни ўз ичига олади. Буюмлар композицияси ва дизайнини лойиҳалаётганда ранг-баранглик полихромияни қўллашда уларнинг функцияси,

конструкцияси ва ўзига хослигини ҳисобга олиш кераклигини унутмаслик лозимдир.


Ранг бизнинг ҳаётмииз ва фаолиятимизда муҳим аҳамиятга эга, у теварак-атрофимизни қуршаб олган ва доим бизга ҳамроҳдир. Шаҳарлар, саноат ва уй-жой интерьерлари, кўргазмалар, либос ва газламалар, босмаҳона маҳсулотлари, рекламнинг композицион ечимлари бўйича ишловчи рассом, архитектор, дизайнерлар учун ранг – бу тус бериш учун восита бўлса, физика нуқтаи назаридан ранг – оқ ёғдунинг парчаланиши натижасидир. Яъни, биринчи ҳолда ранг - бўёвчи модда, иккинчи ҳолда у - ёруғлик нури.

Ёруғлик тарамини призма ёрдамида турли хил рангга ажратиш мумкин. Шартли равишда бу ранглар асосий ранглар ҳисобланади ва уларнинг ҳар бири маълум узунликдаги тўлқинга эгадир. Буни тажриба йўли билан 1866 йилда Исаак Ньютон аниқлаган. Ньютон қуёш нурини уч қиррали призма орқали ўтказиб, унинг турли ранглар гаммасидан ташкил топган спектрал чизиқни ташкил этаётганини кузатишга муваффақ бўлган.


Аксарият маълумотларга биноан, спектрнинг кўзга кўринадиган қисмини ташкил этувчи нурларни узунлиги 380 нанометрдан 170 нанометргача бўлган тўлқинлар ташкил этаркан. Бугунги кунда бу кўрсаткич ҳатто 302-950 нм оралиғида деб таъкидланмоқда.

Бироқ кўз турли узунликдаги ёруғлик нурларини турлича ҳис этади. Масалан, сариқ-яшил ранглар оралигини кўз энг кўп ҳис этади. Кўз илгашнинг максимуми тўлқинининг узунлиги 555 нанометрга баробар бўлган яшил нурга тегишлидир. Ғира-ширада бу максимум нисбатан қисқароқ тўлқинлар томонга силжийди (тўлқин узунлиги 510 нм.гача).

Кундузги ёруғда ва қош қорайган (ёки тонг отаётган) ғира-ширада ранг ва тусларни кўриб идрок этишнинг турличалиги маълум. Кечкурун кўк ранглар ёрқинроқдек, қизиллари аксинча тўқроқдек туюлади. Бу ҳодисага илк марта 1823 йилда чех олими Пуркине эътибор қаратгани туфайли мазкур феномен унинг номи билан атала бошлаган.



56-расм. Ёруғлик нури тарамининг призма орқали ўтганда етти хил спектрал рангларга парчаланиши



57-расм. Ёруғлик нури тарамининг призма орқали ўтганда етти хил спектрал рангларга парчаланиши

Демак, **ранг** – бу туйғу, яъни кўз пардасига тушувчи нурлашнинг физик таъсирининг натижасидир. Сиртлардан акс этувчи нурлар эса ўз навбатида кўз тушган буюмнинг қандай бўялганлиги ҳамда шу буюмга тушаётган ёруғликнинг спектрал таркибига боғлиқ.

Ранг композициянинг пропорция, масштаб, нюанс, контраст каби воситалари билан чамбарчас боғлиқдир. Айниқса, буюм шаклнинг образлилиги ва бадийлигини таъкидлаш учун рангнинг аҳамияти жуда катта. Ранг буюмнинг, композициянинг, дизайннинг моҳиятини очиб бериши, шакл характерини кучайтириши ёки заифлаштириши мумкин.


## 2.2. Рангнинг асосий характеристикалари

Рангни психофизиологик идрок этилиши ўта мураккаб тизимдир. Ранг бўйича мутахассис Франциялик Ж.Вьенонинг айтишига кўра, ранг безовталиқ, асабийлашиш ёки изтироб ҳиссини тугдириши, уйғунликни яратиши, мўжизани пайдо қилиши, ҳатто ҳалокатга олиб келиши мумкин.

Рангшунослик илми физика, психология, эстетика, ёруғлик техникаси, санъатшунослик каби фанлар билан боғлиқдир.

Ранг – жисмлар томонидан акс эттирилувчи ёки таратилувчи нурнинг спектрал таркибига мос кўришнинг у ёки бу ҳиссиётларини барпо қилувчи хоссаси.

Табиатдаги барча ранглар иккита асосий ва муҳим: хроматик ва ахроматик ранглар гуруҳларига ажратилади.



58-расм. Ахроматик қаторнинг тузилиши



**Ахроматик** (“a”–инкор, “хромос”–ранг; ранги йўқ, рангсиз маъносида) гуруҳга – оқ, кул ранг ва қора ранглар киради. Улар қайтараётган ёруғликнинг миқдорига қараб характерланади, шунинг учун ахроматик (рангсиз) ранглар фақат оч-тўқлиги – ёрқинлиги билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, оқ рангдаги сиртлар уларга тушаётган ёруғлик нурунинг 70–90 % ини акс этишади, қора рангдагилари эса 3 - 4% ини қайтаришади.

Энг оч – оқ ва энг тўқ – қора ранглар орасида ҳар хил турдаги кул ранглари мавжуд. Оч кул рангнинг нур қайтариш коэффициентлари 50-60%га, тўқ кул рангиники 15-20% га тенг. Одамнинг кўзи ахроматик ранглар гаммасида 300 хил турдаги рангни илғайди. Демак, ахроматик рангларда фақат оқишлик хусусиятигина бўлади.

**Хроматик** ранглар – бу спектрда кўринадиган ранглар (қизил, тўқ сарик, сариқ, яшил, кўк, тўқ кўк, бинафша ранг) ва уларнинг турларидир. Хроматик ранглар учта физик хосса билан характерланади: **ранг туси, рангнинг тўйинганлик даражаси ва оч-тўқлиги (оқишлиги ёки ёрқинлиги).**

**Ранг туси** – рангнинг шартли белгиси (қизил, кўк, тўқ сариқ, ҳаво ранг ва ҳоказо). Ранг жиҳатдан тусланиш – хроматик рангнинг фарқ қиладиган асосий хусусияти булиб, шунга қараб ранглар қизил, сариқ ва ҳоказо деб ёки шартли равишда бирорта предмет, ўсимлик номига ўхшатиб аталади (қаҳва ранг, сут чой ранг, захил ранг, шафтоли ранг, лайм ранги ва ҳ.зо.).

Ранг туси устунлик қиладиган тўлқин узунлиги билан характерланади. Мисол учун, бинафша рангдаги устун келадиган тўлқин узунлиги — 390-450, кўкда — 450-480, оч кўкда — 480-510, яшилда — 510-550, сариқда — 550-585, тўқ сариқда — 585-620, қизилда — 620-800 нанометрга тенг.


**Рангнинг тўйинганлиги** деганда, унинг оқ ранг билан арлаштирилганлик (суюлтирилганлик) даражаси тушунилади. Рангнинг тўйинганлиги ранг туси қанчалик софлигини кўрсатади. Рангга қанчалик кўп оқ қўшилган бўлса, у шунчалик камроқ тўйинган бўлади (яъни ранги шунчалик камаяди). Масалан, кўк рангнинг тўйинганлиги 20% дейилса, у 20% кўк, 80% оқ рангдан ташкил топганлигини белгилайди. Оқ аралаш рангларни (пушти, ҳаворанг, баргикарам ранглари) **пастель (майин)** ранглар дейилади.



Бир хил тўқлик ва тўйинганликдаги ранг тусларининг ўзгариши



Бир тусдаги ва бир хил очликдаги рангнинг тўйинганлик – интенсивлик даражасининг ўзгариши



Бир тусдаги ва бир хил тўйинганликдаги ранг очлигини ўзгариши  
(очариб-тўқариши)

Рангнинг **ёрқинлиги** деб, шу ранг қайтараётган ёруғликнинг миқдорига айтилади. Бундан, рангнинг ранг туси ва тўйинганлиги характеристикалари – бу рангнинг сифатига оид хоссалари (сифат белгилари), ёрқинлиги (оч-тўқлиги) эса – миқдорий белги.

**Спектрдаги ранглар энг соф ранглар бўлади.** Лекин спектрдаги рангларнинг ёрқинлик даражаси турличадир.




Спектрал рангларнинг оч-тўқлиги (ахроматик ранглар билан солиштириш)

**Асосий (бирламчи) ранглар:** қизил, сариқ ва кўк (мовий) ранглардир. Бу ранглар бошқа рангларнинг аралашмасидан ҳосил бўлмагани учун шундай аталади. Аммо уларни аралаштириб, уларга оқ ва қорани қўшиб рангларнинг тўлиқ спектрини ҳосил қилса бўлади.



**Иккиламчи (ҳосила) ранглар:** яшил, бинафша ва тўқ сариқ (қизғиш сариқ) ранглар. Бу рангларни тенг миқдорда олинган иккита асосий рангни аралаштириб ҳосил қилиш мумкин:



сарик+кўк=яшил,  
сарик+қизил=тўқ сариқ (қизғиш),  
кўк+қизил=бинафша ранг.

Қуёш спектрини ҳосил этувчи ранг гаммасида асосий ва ҳосила рангларнинг навбатма-навбат келиши ҳақидаги қизиқарли маълумотни таъкидлаб ўтиш зарур.




Қўшимча ранглар (бир-бирини тўлдирувчи ранглар) бу шундай ранглар жуфтлигики, уларнинг бири ҳосила, иккинчиси эса ҳосила ранг таркибида иштирок этмаган асосий рангдир. Бундай жуфтликлар учтадир: сариқ ва бинафша ранг, яшил ва қизил, тўқ сариқ (қизғиш сариқ) ва кўк (мовий).

Бу жуфтликлардаги ранглар ўзаро контраст ҳисобланади, уларнинг бир-бирига қарама-қаршилиги эътиборни жалб этгани учун рекламада кенг қўлланилади.

Шуниси қизиқ-ки, агар асосий рангга узоқ вақт тикилиб қаралса, мувозанат бўлиши учун кўзларимиз бу рангга қўшимча бўлган ҳосила рангга қарашга эҳтиёж сеза бошлайди.

Қўшимча ранглар жуфтлигидаги рангларни тенг миқдорда ўзаро аралаштирилса, улар йўқолиб кетиб, кул ранг ҳосил бўлади.<sup>19</sup>

Учламчи ранглар (тупроқ рангидаги): захил, жигарранг, қорамтир қўнғир ранглардир. Бу ранглар икки қўшимча рангларни аралаштирилганда ёки барча асосий рангларнинг (баробар) аралашмасидан ҳосил бўлади.




Иссиқ ва совуқ ранглар: улар одамларда қолдирадиган таассуротига (одамнинг кўриш ҳиссига асосланиб идрок этишдан келиб чиқиб) асосланиб синфланади. Иссиқ ранглар қизил, сариқ ва қизғиш ранглар ва уларнинг барча тусларидан ташкил топади (ҳатто захил ранглардан ҳам). Совуқ ранглар таркибига кўк, яшил, бинафша ранг ҳамда уларнинг турли тусларининг бирикмаси киради.

<sup>19</sup> "Il Figurino Di Moda", Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 71 p.

Битта совуқ ва битта иссиқ ранг тусидан (туридан) ташкил топган иккиламчи ранг, уни ташкил этган ранглардан қай бирининг фоизи (миқдори) кўп бўлса, совуқ ёки иссиқ ҳисобланади. Уни ташкил этган рангларнинг иссиқ/совуқлигининг кўплигига қараб белгиланади.


Ойдин ёруғликда (ёрқинликда, табиий ёруғликда) иссиқ ранглар кўпроқлигига эътибор қаратинг, чунки ёруғда яшил ранг сарикроқдек, бинафша ранг қизилроқдек туюлади. Ёруғлик камайганда совуқ ранглар кўпаяди: қизил бинафша рангга яқинлашади, сариқ эса яшилроқ рангдек туюлади.




Иссиқ ранглар кенгайиш, совуқ ранглар эса торайиш тенденциясига эга. Иссиқ ранглар кенгайгандек, совуқ ранглар торайгандек кўринади, туюлади (аниқроғи шу ранглардаги сиртлар). Иссиқ ранглар совуқ рангларга қараганда кўпроқ (тезроқ) кўзга ташланади. Ранг туси турлича бўлиши мумкин. Бу уни ҳосил этган рангнинг миқдорига қараб белгиланади. Агар оқ ранг кўшилса, ранг оқишроқ, қора ранг кўпроқ бўлса, ранг қорамтирроқ бўлади. Бунда битта хроматик рангдан иборат **монохром** ранг шкаласини (қаторини) ташкил этиш мумкин, яъни ранг туси бир хил, лекин оқишлиги аста-секин ўзгарадиган ранглар қаторини.<sup>20</sup>

**Монохром** (“*моно*” – бир, “*хромос*” – ранг; бир рангли маъносида) ранглар - бу ранг туси жиҳатидан бир хил, лекин оқишлилиги ҳар хил ранглар, яъни рангда оқ ёки қора рангларнинг мавжудлик даражаси тушунилади.

<sup>20</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 72 p.




59-расм. Битта рангдан (кўк) тузилган монохром қатор



60-расм. Монохром рангли қаторларнинг таркиби.  
Хроматик рангларнинг монохром қаторлари

### 2.3. Ранг доираси ҳақида тушунча

Ранглар асосий хоссаларининг ўзаро боғлиқлиги ранглардан ташкил топган сирти ёпиқ жисм кўринишида намоён бўлиши мумкин. Бундай жисми немис олими В.Оствальд ўзинининг рангшунослик назариясида таклиф этган.



61-расм. Оствальд таклиф қилган фазовий сферанинг тузлиши

Расмдан кўриниб турибдики ёпиқ сирт иккита аоси туташган конуслардан иборат. Конусларнинг умумий ўқи ахроматик ранглар қаторидир – юқори чўққиси оқдан бошланиб, қуйи чўққиси

қора ранггача чўзилган қатордир (“растяжка”). Асоснинг айланаси бўйлаб спектрнинг энг тўйинган ранглари жойлашган. Агар конусни кўндаланг кесгандаги ҳосил бўлган учбурчакка эътибор қаратилса, ҳар бир учбурчакнинг текислиги мос равишда битта рангнинг оч-тўқ тонлари, учларида мос равишда оқ – бирор ранг туси – қора ранглр жойлашган.



62-расм. Ранг сферасининг структураси ва макети






63-расм. *Эта асосий ранг асосида тузилган ранг доираси*

Юқорида қайд этилганидек, қуёш (ёруғлик) нурининг спектри ранг тусларининг табиий шкаласи бўлиб хизмат қилади. Бунда ранглар маълум тартибда жойлашган. Агар бу спектрал қаторга тўқ қизил рангни қўшиб уни ҳалқа кўринишида туташтирилса, ранг доираси ҳосил бўлади. Доирадаги рангларнинг кетма-кетлиги худди спектрдаги тартибдек бўлади.

Россиялик тадқиқотчи В. М. Шугаев 24 хил ранг тусидан иборат бўлган ранг доирасини ишлаб чиққан. Мазкур ранг доирасининг тузилишга 4 та – сарик, қизил, кўк ва яшил ранглар асос қилиб олинган. Бу рангларга ранг доирасида ўзига қўшни бўлган (ёнма-ён жойлашган) ҳеч қайси ранг ва тус аралашмаганлиги сабабли асосий қилиб олинган. Асосий ранглар жуфтлиги (сарик – кўк, қизил – яшил) ўзаро перпендикуляр бўлган иккита диаметрнинг учларига жойлаштирилган. Бу улар бир-бирига контраст бўлишини билдиради. Ундан ташқари, бундай ранглар бир-бирини тўлдирувчи ранглар дейилади, чунки, уларни ўзаро аралаштирилса ахроматик ранг ҳосил бўлади. Асосий – бирламчи ранглар орасига ҳосила иккиламчи ранглар жойлаштирилган. Доиранинг ҳар бир чорагида жойлашган бу

ранглар мос равишда тўртта ранг гуруҳини ташкил этади. Булар: сариқ – қизил; қизил – кўк, кўк –яшил, яшил –сариқ ранглар гуруҳларидир

В. М. Шугаев томонидан ишлаб чиқилган ранг доираси моҳиятига кўра В. Оствальднинг ҳажмий ранг конуси асосини ташкил этади. Бу ранг доираси бўйича барча тусдаги рангларнинг ўзаро муносабатларини кузатиш мумкин. Ранг доираси уйғунликдаги ранг монандликларини тузиш қонуниятларини аниқлаш имконини беради.



64-расм. Тўртта асосий ранг асосида тузилган ранг доираси.  
В.Шугаевнинг ишланмаси асосида

#### 2.4. Ранг ва унинг психологик таъсири. Ранг ассоциациялари ва рамзлари

“Ранг” тушунчаси инсон кўзининг рангларни фарқлай олиш хусусияти билан боғлиқ. Психология нуқтаи назаридан рангни тадқиқ қилишда уни қай даражада идрок этилиши ҳамда шу идрок этилишга қандай омиллар таъсир этишини билиш ва ўрганиш муҳимдир. Масалан, кўп асрлик кузатувлар ва саноксиз тажрибалар ёрдамида оқ рангларнинг – хурсанд қилиш, ҳаяжон-

лантириш, стимуллаш, тўқ рангларнинг эса – қайғуга солиш, секинлаштириш, эзиш каби хоссалари аниқланган.

Рангнинг психологик таъсир қилиши турличадир. У бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин. Рангнинг бирламчи таъсири одамга тўғридан тўғри таъсир этиб, унда иссиқликни ёки совуқни, қайғу ёки хурсандчиликни ҳис этишда намоён бўлади. Иккиламчи таъсир ранг натижасида пайдо бўладиган объектив ёки субъектив ассоциациялар (яъни, тасаввур, ҳис-туйғу, фикр ва шу каби-ларнинг бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланишлари) орқали намоён бўлади. Рангнинг иккиламчи таъсири ноаниқ ва мунозарали бўлиб, одамнинг индивидуал ўзига хослигидан келиб чиқиб ўзгариши мумкин. Шунга қарамай, эффе́ктив ва субъектив ассоциациялар натижасида барпо бўлувчи нисбатан умумий таассуротлар гуруҳи ҳам мавжуддир.

Муҳит иссиқ ранглар гаммасида бўлса, ишлаш қобилияти ошади, аммо эшитиш сезгирлиги камаяди ҳамда иссиққа чидаш мушуқлашади.

Рангнинг очлик даражаси композиция тузишда муҳим аҳамиятга эга. Белгили бир рангнинг очлик даражалари одамда турли ҳил эмоционал таассуротлар қолдириши мумкин. Масалан, ранг тўқариб боргани сари одамда оғирлик, кўрқинч ҳолатларининг кечиши, ранг очарган сари эса, энгиллик, осойишталик каби ёқимли ва нозик таассуротлар қолиши кузатилади.



*65-расм. Хурсандлик ва хотиржамлик ҳиссини бахш қилувчи рангли композициялар. Шакл ва чизиқлар пластикаси бир хил, фақат рангларнинг ўзгариши ҳисобига турли ассоциацияларнинг тугилиши*

Ранг қанчалик катта сиртни қопласа, шунчалик унинг таъсири қучлироқ бўлади. Ранг атрофдаги фазони кенгайтириши ёки тарайтириши, буюмларнинг шакли ва пропорцияларини катталаштириши ёки кичиклаштириши, фазо ва перспективани чуқурлаштириш мумкин.

Рангни эмоционал ҳис этиш ёритилганлик даражаси, ранг адаптацияси (мослашуви), ранг контрастлари ва монандликларига боғлиқдир. Кўзнинг ранг ҳис қилувчи элементларининг ўзига хослиги туфайли қоронғуда, яъни кам ёритилганликда рангни ҳис қилиш туйғуси пасаяди.

Кўриш орқали одам ўзининг атрофидаги предметларнинг ҳолати, шакли, ўлчамлари, ҳаракати, тузилиши ва рангини ҳис қилиш мумкин. Кўраётган объектимизнинг ёрқинлиги мутлоқ бўлмай, унинг атрофидаги бошқа объектлар ва фонга нисбатан аниқланади. Масалан, иккита квадратдан қора фонда жойлашгани худди шундай ўлчамли ва бир хил кул рангдаги оқ фонда жойлашганидан ёруғроқ (очроқ)дек кўринади. Шу каби ҳодисани рангли объектларда ҳам кузатиш мумкин. Бу бир вақтда юз берадиган контраст ҳодисаси деб аталади.

Психологик ва эстетик жиҳатдан одамга алоҳида ранглар эмас, балки уларнинг бирикуви таъсир қилади. Мазкур таъсирнинг даражаси рангларнинг нюанс ёки контрастли нисбатларига, уларнинг активлиги ёки пассивлигига боғлиқдир. Мутахассислар учун турли миқдор ва тўйинганликдаги рангларнинг бир-бирига таъсири ва ўзаро муносабатларини ўрганиш ҳам муҳим, ҳам қизиқарлидир.

Ранг уйғунлиги қондалари нисбийдир. Ҳар бир тарихий даврда у ёки бу ҳалқларда рангларнинг турлича монандликлари ўта гўзал ҳисобланган. Масалан, қадимги Юнонистон кулолчилигида қизғиш жигарранг (терракота ранги) билан қора ранг билан безатиш, Ўрта Осиё кулолчилигида эса – тўқ кўк билан тилларанг охрани қўллаш анъанавий тарзда чиройли ҳисобланган.

Ранг буюмни фақатгина чиройли қилмай, шу буюмни ишлатаётга одамга турли кайфиятларни бахш қилиши, унинг ҳола-аҳволига таъсир қилиши мумкин.

**Ранг ассоциациялари ва рамзлари.** Ранг танлаш – ижод жараёнининг мажбурий қисмидир. Уларни қабул қилиш хотирага чуқур таъсир кўрсатади ва бизнинг: “Мен дунёни пушти рангда

кўряпман”, “У хасаддан кўкариб кетди” каби хисларимизни уйғотиб, ғайриоддий ассоциацияларни келтириб чиқаради.

Ҳар миллатнинг маданиятига кўра ранг турлича аҳамият касб этади. Масалан, Ғарб маданиятида қора ранг ўлим ва тушкунликка тушиш билан ассоциацияланади. Ҳиндистон ва Африкада эса мотам ранги – оқ ранг. Қизғиш ва сарғиш ранглар иссиқ ранглар сифатида қабул қилинади ва улар қувонч ҳиссини уйғотади, кайфиятга яхши таъсир кўрсатиб, агрессияни уйғотади. Кўк ва яшилга яқин ранглар эса совуқ ранглар сифатида қабул қилинади ва улар тинчлантиради.<sup>21</sup>

Рангни идрок этиш жабҳаси ижтимоий-маданий ва эстетик жабҳалар билан чамбарчас боғлиқдир. Ранг ва уларнинг бирикуви ранг догининг макондаги жойлашуви, унинг шакли ва фактураси, одамнинг кайфияти ва маданий даражасига қараб қабул қилинади.

Барча ранглар у ёки бу тарзда одамнинг организми ва руҳиятига таъсир қилади. Турли маданиятлар кесимида буюмлар, ҳодиса ва тушунчалар билан боғлиқ ранг ассоциациялари ривожланиб борган. Булар авлоддан авлодга қараб ранг рамзларини шакллантирган. Одамзод ҳам ўзининг ҳаётий тажрибасидан: табиат, моддий муҳит, кундалик турмуш билан алоқалардан, ҳам аждодлар тажрибасидан келиб чиққан рамзларга таяниб рангни англаган.

Психологик нуқтаи назардан рангнинг таъсири масаласи доирасида қўйилган мақсадидан келиб чиқиб рангли айнан битта объект турлича идрок этилиши мумкин. Ранг билан боғлиқ туйғуларни турли хотиралар, эмоциялар, образларни уйғотиши мумкиндир.

Рангга муносабат маданий нормалар ва уларнинг ўзгариши билан ҳам боғлиқ. Албатта, турли мамлакатларда рангларнинг рамзлари ҳам турличадир: европаликларда қора ранг - мотам ранги бўлса, японияликларда мотам ранги – оқдир. Ёки масалан қизил ранг севги-муҳаббат, хурсандчилик ёки яқинлашаётган ҳавф-хатарни билдирган бўлса, кўк – узоқлик, олисликни ҳамда билим ва донишмандликни билдирган.

---

<sup>21</sup>Macarena San Martin. Field guide: how to be a Fashion Designer. First published in 2009 in the United States of America by Rockport Publishers, a member of Quayside Publishing Group 100 Cummings Center Suite 406-L. 60 p.



“Оқ гвардия”, “хаворанг беретлар”, “қора кўйлаklar”, “қизгиш инқилоб”, “яшиллар” ҳаракати” иборалари ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Ранг маълум код сифатида ҳам қўлланилади: ўт ўчирувчиларнинг машинаси қизил билан, ҳаво юрадиган трубалар – мовий, газники – сариқ билан белгиланади.

Рангларнинг рамзийлиги турлича пайдо бўлган ва шаклланган. Биринчидан, тўғридан-тўғри муносабат билдирилган. Масалан, ибтидоий одам оловни қизил ранг қилиб белгиллаган ва бу барча томонидан тан олинган. Иккинчи муносабат – маълум воқеа ёки ҳодиса билан боғланган: вабо тарқалиши ёки қирғинбарот урушдан кейин қора рангнинг ўлим ва тушкунлик рамзини билдириши. Рамзийликни белгилашнинг учинчи хили тасодифий анъаналар туфайли шаклланган. Масалан, Хитойда мотамни оқ ранг билан белгиланиши.

Қадимдан одамлар ер билан осмон ёритгичлари, кеча билан кундуз, орасидаги боғлиқликни кузатиб борган ва уларни ёруғлик ва ранг билан боғлаган. Осмон жисмларининг рамзий ранглари астрологияга ҳам хос. Ҳар бир буржнинг ҳам ўз ранги бор.

Ранг рамзларини миллий байроқ, геральдика, миллий либосда ҳам кўриш мумкин.

Ранг рамзларининг мавжудлигига ва пайдо бўлишига баъзан қадимги анъаналар, баъзан замонавий урфлар сабаб бўлиши мумкин.

## **2.5. Ранг гармониясининг асосий назарий қарашлари**

Ранг билан боғлиқ маданиятнинг ривожланиши рангни уйғунлаштириш - гармонизациялаш жараёнини мукаммаллаштиришни ҳам ўз ичига олади. Натижада ранг гармонияси ҳақида назариялар шаклланади, гармонизацияни таъминловчи асбоблар ва усуллар мажмуи пайдо бўлади.

XIX асрнинг ўрталарида бу йўналишдаги изланишлар бўйича илк амалий қадамлар қўйилган бўлиб, улар саноат ишлаб чиқаришдаги буюмларнинг ранг уйғунлигини яхшилаш учун қилинган уринишлар натижаси эди. Органик бўёвчи моддаларни ҳосил қилишга муваффақ бўлган француз кимёгари М.Э. Шевроль тўқимачилик саноатидаги йигирилган ипларнинг ранги учун ранг монандлигини аниқлаш усулини ишлаб чиқди. Ҳатто ўша даврда бунинг натижаларини илмий ишланмаларга мустаҳкам ишонсизлик (айниқса, рангни гармонизация қилиш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотларга) билдирадиган рассомлар ҳам ўз ижодларида қўллай бошлашди. Ранг гармониясини илмий билимлар орқали интуитив излаш мумкинлигини биринчилардан бўлиб колорист-рассом Э. Делакруа тасдиқлаган. XX асрнинг 20-йиллари бошида швейцариялик педагог Й. Иттен Баухауздаги пропедевтика фани доирасида машхур рассомларни рангтаъсир асарларининг колористик таҳлилини қўллай бошлаган.

Ранг уйғунлигини ҳис этиш ранг монандлиги қолдирадиган эмоционал таассуротга боғлиқ. Бу таассурот нафақат ҳар хил одамларда турлича бўлади, балки бир одамнинг ўзида ҳам ўзгариб туриши мумкин. Баъзан инсон одатий ранг бирикмаларидан

чарчайди ва ўзгаришларни мамнунлик билан қабул қилади. Бу ўз навбатида атрофимиздаги ранг майдони динамикаси зарурлигини таъкидлайди (ёки бошқача қилиб айтганда, атрофимиздаги рангларни ўзгариб туриши кераклигини). Аммо бу ерда ҳам меъёйёр бўлиши керак – тинмисиз ўзгарувчанлик, беқарорлик ранг бирикмаларини ҳис қилишдаги уйғунликнинг бузилиши – ранг дисгармониясига олиб келади. Р. Ивенснинг фикрича, одам ранглар уйғунлигини баҳолашни қайта-қайта содир бўладиган кузатувлар натижасида ўрганади. Ранг гармонияси тасвирнинг маъноси ва моҳияти ҳамда қай тарзда шарҳланиши ва изоҳланишига боглиқдир.

Бошида ранглар гармонизацияси учун учта асосий ранг негиздаги ранг доирасидан (ёки сферасидан) фойдаланилган. Аввал XVIII асрда Й.Ламберт ранг пирамидасини, сўнг XVIII-XIX асрларда Ф. Рунге ранг шарини ихтиро қилишади. Бу ихтиролар тамойили асосида XX асрда А.Г. Манселл ҳамда В. Оствальд ранглар тизимини ишлаб чиқишади. Мазкур тизим ранглар монандлигин аниқлаш учун восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Рангларнинг эстетик монандлигини фақат визуал усулдагина аниқлаш мумкин. Ранг монандлиги назариясига биноан ранг бирикмаларининг 4 та асосий гуруҳи мавжуд. Булар:

- 1) бир рангли монандлик – монохром рангларнинг уйғунлиги;
- 2) ўхшаш рангларнинг монандлиги (баъзан уларни қариндош ёки аналог ранглар ҳам дейилади);
- 3) ўхшаш-контраст (қариндош-контраст) рангларнинг монандлиги;
- 4) контраст ва бир-бирини тўлдирувчи рангларнинг монандлиги.

Бир тусдаги рангларнинг монандлиги монохром уйғунлик деб ҳам аталади. Рангларнинг бундай монандлигида бир тусдаги турлича оқишлик ва тўқликдаги ранглар уйғунлашади. Умумийликни битта рангнинг сақлаши эса уйғунликка сокинлик, осойишталик характерини бағишлайди. Бундай монандликда ранглар эгаллаб турган юзаларнинг нисбати муҳимдир. Агар уларнинг юзаси бир хил бўлса, композиция статикликка эга бўлади.


Ўхшаш рангларга ранг доирасидаги асосий ранглар оралигида жойлашган ҳосила ранглар киради, яъни битта чоракда




жойлашган ранглар. Бу монандликка рангларни ҳосил қилувчи асосий ранглардан биттаси киртилиши мумкин. Ранг доирасида ўхшаш (қариндош) ранглар гуруҳи 4 та бўлиб, улар: сариқ-қизил (1дан 6 рақамигача ёки 2дан 7 гача), сариқ -яшил (20—24 ва 1 ёки 19—24) , кўк-яшил (13—18 ёки 14—19), кўк-қизил (8—13 ёки 7—12). Ўхшаш хроматик рангларнинг монандлиги гуруҳига кирган ранглар таркибида ўша-ўша иккита асосий рангларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Бу монандлик ҳам босиқ осойишта ранг гаммасини беради (агар улар кескин оч-тўқликларга асосланмаган бўлса). Қора ёки оқ рангларнинг қўшилиши эса уларнинг ифодавийлигини кучайтиради.

Ўхшаш-контраст рангларнинг монандлиги бу энг кўп учрайдиган ва имконияти жиҳатидан энг бой бўлган ранглар уйғунлигидир. Ранг доирасида қариндош-контраст ранглар қўшни чоракларда жойлашади. Тоза кўринишдаги ўхшаш-контраст ранглар, агар таркибида уларни бирлаштириб турувчи асосий рангнинг миқдори баробар бўлса, ўзаро уйғун бўлади. Бу уйғунлик горизонтал ёки вертикал хордалар (доиранинг икки нуқтасини туташтирувчи тўғри чизик)нинг учларида жойлашган иккита рангнинг бирикувида айниқса, кўпроқ намоён бўлади. Ўхшаш-контраст ранглар монандлигини ахроматик ранглар ёки ўзларининг монохром қаторларидаги рангларнинг қўшилиши бойитади.


Ранглар доираси диаметрларининг учларида жойлашган ранглар – контраст ранглар ёки бир-бирини тўлдирувчи ранглар дейилади. Бу рангларнинг ҳеч қандай ўхшашликлари (ёки қариндошликлари, умумийлиги) йўқ, улар қарама-қарши кутбий хоссларга эга. Шунинг учун контраст ранглар монандлиги ўта фаол, динамик, кескинликка эгадир. Контраст ранглар монандлигини ҳам ўзларининг монохром қаторларидаги рангларнинг қўшилиши бойитади.




66-расм. Монохром рангларнинг монандлиги схемаси



67-расм. Ўчиаш рангларнинг монандлиги схемаси




68-расм. Ухшаш-контраст рангларнинг монандлиги схемаси




69-расм. Контраст рангларнинг монандлиги схемаси

Бироқ ҳар доим ҳам фақат икки хил ранг туси иштирокидаги композициялар учрамайди. Аксарият ҳолларда учта ёки тўртта ранг туслари ёрдамида композициялар тузилади. Қуйида уларни тузиш тамойиллари схематик тарзда келтирилган.


Ранг доираси ичига чизилган тенг томонли учбурчак учларида жойлашган ранглар монандлиги





Ранг доираси ичига чизилган тўғри бурчакли учбурчак учларида жойлашган ранглар монандлиги. Бунда учбурчак гипотенузаси – марказдан ўтувчи диаметр, томонлари эса хордаладир




Ранг доираси ичига чизилган ўтмас бурчакли учбурчак учларида жойлашган ранглар монандлиги. Ўтмас бурчакка асосий ранг жойлаштирилади.



Ранг доираси ичига чизилган тўғри тўртбурчак ёки квадрат учларида жойлашган ранглар монандлиги (ранглар тўртлиги)





70-расм. Ранглар уйғунлигига намуналар


## 2.6. Ранг системалари

Турли тадқиқотлар натижасида ранглар тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, улар асосида ранг тизимлари яратилган. Ҳар бир ранг тизимининг ўзига хос ранг шкаласи, ранглар тўплами яратилган. Дизайн йўналишида энг кўп қўлланиладиган ранг тизимлари қуйидагилардир: **Пантон (Pantone)** ранг системаси, **NCS** (ингл.Natural Color System), **RAL**(нем.Reichsausschuß für Lieferbedingungen und Gütesicherung), **СМҲК** ранг тизимлари.

**Pantone** ранглар тизими Вильгельм Оствальднинг (1853-1932) ранг доираси асосида илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган.

Марказда учта асосий ранг: сариқ (240P), зангори (090) ва қирмизи (120P) ранглар жойлаштирилган. Фақат шу учта рангни аралаштириб деярли барча ранг тусларини ҳосил қилиш мумкин.

Ундан кейинги иккита айланада (ҳалқада) тоза призматик рангларнинг градацияси берилган ва уларнинг рақами 0 (ноль) билан тугаган. Навбатдаги айланада тоза хроматик рангларнинг қора ранг билан қўшилгани (қорайтирилган туси) берилган ва улар 9 рақами билан тугаган сон орқали белгиланган. Кейинларида кулранг билан аралашган (уларнинг белгиси 2,3,4,5,6,7 ёки 8 рақами билан тугайди) ҳамда оқ билан оқартирилган (белгиси '1 билан тугаган сондан иборат)) ранглар келтирилади.



# “TRIA SYSTEM. PANTONE 'BY LETRASET TRIA” МАРКЕРЛАРИ ВА РАНГЛИ ТУШ





# АКВАРЕЛЬ

013	**	□	gr. 1	Бianco di China Оксид цинка РН4	114	**	□	gr. 1	Гiallo permanente SCUR Индиготин PR139	251	**	□	gr. 2	Rosso permanente chiaro Антрахинон PR158
053	**	□	gr. 2	Arancio di Avignone Кумарин PR206	116	**	□	gr. 2	Гiallo primario Галло арден PR57	253	**	□	gr. 2	Rosso permanente scuro Антрахинон PR177
054	**	■	gr. 2	Arancio di Casimo Сорбитол и кадмий Р028	125	**	□	gr. 2	Лacca arancio Антрахинон Р043	256	**	□	gr. 1	Rosso primario - Magenta Кумарин PR19
081	**	■	gr. 1	Гiallo di cadmio chiaro Сульфид кадмия PR35	128	**	□	gr. 3	Лacca d'oro Кумарин PR48	261	**	□	gr. 2	Rosso Titiano Кумарин PR200
082	**	■	gr. 3	Гiallo di cadmio limone Сульфид кадмия PR35	131	**	■	gr. 1	Оcra gialla Оксид ферро синтетический PR42	262	**	■	gr. 1	Rosso di Venezia Оксид ферро синтетический PR101
084	**	■	gr. 3	Гiallo di cadmio scuro Сульфид кадмия PR35	161	**	□	gr. 1	Terra di Siena naturale Терра натуральная из Сиены PR7	263	**	□	gr. 2	Rosso scarlato Пирропирин PR204
098	**	□	gr. 1	Гiallo indiano Индиготин PR139 Кумарин PR41	174	**	□	gr. 2	Лacca cinerea Кумарин PR206 Пирропирин PR204	270	**	■	gr. 1	Sanguis di drago Терра натуральная из Сиены PR7
105	**	■	gr. 1	Гiallo di Napoli chiaro Оксид цинка РН4 Галло арден PR57 Галло цинка арден PR42	181	**	□	gr. 2	Лacca granata Кумарин PR19 Кумарин PR23	278	**	□	gr. 1	Terra di Siena bruciata Терра натуральная из Сиены окрашенная PR7
106	**	■	gr. 1	Гiallo di Napoli rossastro Оксид марганца РН9 Оксид ферро синтетический PR42PR101	182	**	□	gr. 3	Лacca rosa Кумарин PR19	296	**	□	gr. 1	Terra verde Терра натуральная PR7 Оксид хрома PR17
109	**	■	gr. 2	Гiallo di nichel titanio Оксид никеля и титана PR53	226	**	■	gr. 2	Rosso di cadmio chiaro Сорбитол и кадмий PR106	316	**	■	gr. 3	Verde di cobalto chiaro Оксид кобальта и титана PR50
110	**	□	gr. 2	Гiallo permanente arancio Барий индиго PR267	232	**	■	gr. 3	Rosso di cadmio scuro Три-оксид кадмия PR106	317	**	■	gr. 1	Verde di cobalto scuro Оксид кобальта и титана PR50
112	**	□	gr. 1	Гiallo permanente limone Бензидазол PR135	250	**	□	gr. 1	Rosso di Marte trasparente Оксид ферро синтетический PR101	322	**	□	gr. 1	Verde cupro chiaro Флюоринат бария PR208

































































## Шартли белгилар






















































































- \*\* – Ёруғлик нурига чидамлилиги жуда баланд (максимал даражада)
- \* – Ёруғлик нурига чидамлилиги ўртача
- – Тиникмас ранг
- – Нимтиник ранг
- – Тиник ранг

- 324 ★★ □ gr. 1  
Verde cupro scuro  
Faticocanna colorata PG7
- 325 ★★ □ gr. 1  
Verde di Hooker  
Quercidione P163  
Faticocanna colorata PG7
- 331 ★★ □ gr. 1  
Verde oliva  
Un sale di cromo P317
- 338 ★★ □ gr. 2  
Verde perm. giallastro  
Gallo verde P182  
Faticocanna bruciata PG36
- 339 ★★ □ gr. 1  
Verde permanente chiaro  
Ronzinchedonata P175  
Faticocanna bruciata PG36
- 340 ★★ □ gr. 1  
Verde permanente scuro  
Ronzinchedonata P175  
Faticocanna colorata PG7
- 348 ★★ □ gr. 2  
Verde smeraldo  
Ossido di cromo idrato PG18
- 350 ★★ □ gr. 1  
Verde turchese  
Faticocanna PB16
- 358 ★★ □ gr. 1  
Verde vesicola  
Quercidione P163  
Faticocanna bruciata PG36
- 359 ★★ □ gr. 1  
Blu di Berlino  
Faticocanna beta PB15.3
- 368 ★★ □ gr. 4  
Blu ceruleo  
Ossido di cobalto alluminio  
e cromo PB36
- 373 ★★ □ gr. 4  
Blu di cobalto chiaro  
Alluminato di cobalto PB21
- 374 ★★ □ gr. 4  
Blu di cobalto scuro  
Alluminato di cobalto PB21
- 377 ★★ □ gr. 2  
Blu di Faenza  
Anticobalto PB10
- 391 ★★ □ gr. 1  
Blu ottomano chiaro  
Sodio poliossifluoroborato  
alluminio PB29
- 392 ★★ □ gr. 1  
Blu ottomano scuro  
Sodio poliossifluoroborato  
alluminio PB29
- 400 ★★ □ gr. 1  
Blu primario - Cyan  
Faticocanna beta PB15.3
- 402 ★★ □ gr. 1  
Blu di Prussia  
Ferroazzurro fimo PB27
- 409 ★★ □ gr. 1  
Blu verde  
Faticocanna idrata PG1  
Faticocanna beta PB15.3
- 422 ★★ □ gr. 1  
Indaco  
Ferroazzurro fimo PB27  
Nero di carbonio P16.7
- 440 ★★ □ gr. 1  
Ottomano violetto  
Sodio poliossifluoroborato  
alluminio PV15
- 449 ★★ □ gr. 4  
Violetto di cobalto  
Alluminato di cobalto PB28  
Quercidione P163
- 460 ★★ □ gr. 4  
Violetto minerale  
Piroclato di ammonio  
e manganese PV16
- 463 ★★ □ gr. 1  
Violetto perm. bluastro  
Diossina PV23
- 465 ★★ □ gr. 1  
Violetto perm. rossastro  
Quercidione PR122  
Diossina PV23
- 473 ★★ □ gr. 1  
Violetto veneziano  
Quercidione PR122
- 477 ★★ □ gr. 1  
Bruno di Marte trasparente  
Ossido di ferro anidride PR101
- 484 ★★ □ gr. 1  
Bruno Van Dyck  
Terra naturale di origine  
calcinata PB7  
Nero d'ossa PB9
- 486 ★★ □ gr. 1  
Sopos  
Nero d'ossa PB6  
Terra naturale PB7
- 488 ★★ □ gr. 1  
Siti de grain bruno  
Ossido di ferro anidride  
PR101  
Faticocanna bruciata PG36
- 492 ★★ □ gr. 1  
Terra d'ombra bruciata  
Terra naturale colorata PB7
- 493 ★★ □ gr. 1  
Terra d'ombra naturale  
Terra naturale PB7
- 514 ★★ □ gr. 1  
Ghigio di Payne  
Sodio poliossifluoroborato  
alluminio PB29  
Nero d'ossa PB9
- 535 ★★ □ gr. 1  
Nero d'avorio  
Nero d'ossa PB9
- 537 ★★ □ gr. 1  
Nero di carbonio  
Nero di carbonio PB17
- 560 ★★ □ gr. 1  
Tinta neutra  
Sodio poliossifluoroborato  
alluminio PB29  
Nero di carbonio P16.7

## МЕЛЬ. РАНГЛИ БҮР

100 Bianco					
	+++ 100,5			+++ 101,5	
205 Giallo limone					
	+++ 205,3	+++ 205,5	+++ 205,8	+++ 205,9	+++ 205,12
201 Giallo chiaro					
	+++ 201,3	+++ 201,5	+++ 201,7	++ 201,8	
202 Giallo scuro					
	+++ 202,3	+++ 202,5	+++ 202,7	+++ 202,9	+++ 202,12
236 Arancio chiaro					
	+++ 236,3	+++ 236,5	+++ 236,7	++ 236,8	+++ 236,9
235 Arancio					
	+++ 235,3	+++ 235,5	++ 235,8	++ 235,9	
370 Rosso permanente chiaro					
	++ 370,3	++ 370,5	++ 370,7	++ 370,9	
372 Rosso permanente					
	+++ 372,3	+++ 372,5	++ 372,8	++ 372,9	++ 372,10
371 Rosso permanente scuro					
	+++ 371,3	+++ 371,5	+++ 371,7	++ 371,8	++ 371,9
318 Carmino					
	++ 318,3	++ 318,5	+ 318,7	+ 318,8	+ 318,9
331 Lacca di garanza scura					
	++ 331,3	++ 331,5	++ 331,7	++ 331,8	++ 331,9

397 Rosa permanente	 ++ 397.3	 ++ 397.5	 ++ 397.7	 + 397.9	 + 397.10
545 Violetto rossastro	 + 545.3 C	 + 545.5 C	 + 545.7 A	 + 545.8 A	
536 Violetto	 +++ 536.3	 +++ 536.5	 +++ 536.7	 +++ 536.9	
548 Violetto bluastro	 +++ 548.3	 +++ 548.5	 +++ 548.7	 +++ 548.8	
506 Blu oltremare scuro	 +++ 506.3	 +++ 506.5	 +++ 506.7	 +++ 506.9	
505 Blu oltremare chiaro	 +++ 505.3	 +++ 505.5	 +++ 505.7	 +++ 505.8	+++ 505.9    ++ 505.10
508 Blu di Prussia	 +++ 508.3	 +++ 508.5	 ++ 508.7	 ++ 508.8	
570 Blu italo	 +++ 570.3	 +++ 570.5	 +++ 570.7	 ++ 570.9	
522 Blu turchese	 +++ 522.3	 +++ 522.5	 ++ 522.8	 ++ 522.10	
640 Verde bluastro	 +++ 640.3	 +++ 640.5	 ++ 640.7	 ++ 640.9	
627 Verde cinabrio scuro	 +++ 627.3	 +++ 627.5	 +++ 627.7	 +++ 627.8	+++ 627.9    +++ 627.10
619 Verde permanente scuro	 +++ 619.3	 +++ 619.5	 +++ 619.7	 +++ 619.9	
675 Verde italo	 +++ 675.3	 +++ 675.5	 ++ 675.8		
618 Verde permanente chiaro	 +++ 618.3	 +++ 618.5	 ++ 618.8	 ++ 618.9	
626 Verde cinabrio chiaro	 +++ 626.3	 +++ 626.5	 +++ 626.7	 ++ 626.9	++ 626.10
633 Verde cinabrio chiaro	 ++ 633.3	 ++ 633.5	 ++ 633.7	 ++ 633.9	

620 Verde oliva						
	+++ 620.3	+++ 620.5	+++ 620.7	+++ 620.8	+++ 620.10	
227 Ocra giallo						
	+++ 227.3	+++ 227.5	+++ 227.7	+++ 227.9	+++ 227.10	
234 Terra di Siena naturale						
	+++ 234.3	+++ 234.5	+++ 234.7	+++ 234.8	+++ 234.9	+++ 234.10
231 Ocra d'oro						
	+++ 231.3	+++ 231.5	+++ 231.7	+++ 231.8	+++ 231.9	+++ 231.10
339 Rosso inglese						
	+++ 339.3	+++ 339.5	+++ 339.7	+++ 339.8	+++ 339.9	+++ 339.10
408 Terra d'ombra naturale						
	+++ 408.3	+++ 408.5	+++ 408.7	+++ 408.8	+++ 408.10	
411 Terra di Siena bruciata						
	+++ 411.3	+++ 411.5	+++ 411.7	+++ 411.8	+++ 411.9	+++ 411.10
343 Caput mortuum rossastro						
	+++ 343.3	+++ 343.5	+++ 343.7	+++ 343.8	+++ 343.9	
347 Rosso indiano						
	+++ 347.3	+++ 347.5	+++ 347.7	+++ 347.9		
538 Violetto di Mars						
	+++ 538.3	+++ 538.5	+++ 538.7	+++ 538.8	+++ 538.9	+++ 538.10
409 Terra d'ombra bruciata						
	+++ 409.3	+++ 409.5	+++ 409.7	+++ 409.8	+++ 409.9	+++ 409.10
704 Grigio						
	+++ 704.3	+++ 704.5	+++ 704.7	+++ 704.8	+++ 704.9	+++ 704.10
727 Grigio blastro						
	+++ 727.3	+++ 727.5	+++ 727.7	+++ 727.8	+++ 727.9	+++ 727.10
707 Grigio topo						
	+++ 707.3	+++ 707.5	+++ 707.7	+++ 707.8	+++ 707.9	+++ 707.10
709 Grigio vardastro						
	+++ 709.3	+++ 709.5	+++ 709.7	+++ 709.8	+++ 709.9	+++ 709.10
						
	+++ 700.5A					

# ГУАШЬ



## Шартли белгилар

- +++ - Ёруғликка чидамлилиги юқори
- ++ - Ёруғликка чидамлилиги яхши
- + - Ёруғликка чидамлилиги ўртача

Навбатдаги жадвалда рангни ҳосил қилиш СМУК нинг (4 та ранг асосидаги босма қилиш жараёнига) ёруғликни филтрация қилиш асосида тузилган ранг тузиш моделига асосланган.

СМҮК модели китоб, журналларни нашр қилишда ва ҳатто матоларга гул босишда қўлланиладиган 4 та рангга асосланган босма қилиш усулидир. Босма қилаётганда (аникроги рангли принтерда) 3 хил ранг ва қора ранг алоҳида босма қилинади:

С–CYAN (инглизча сўзнинг биринчи ҳарфи; “суан” – зангори, кўкимтир-яшил ранг);

М–MAGENTA (инглизча сўзнинг биринчи ҳарфи; “magenta” – қирмизи ранг);

Ҳ–YELLOW (инглизча сўзнинг биринчи ҳарфи; “yellow” – сариқ ранг);

К–BLACK (инглизча сўзнинг охириги ҳарфи; “black” – қора ранг, инглизчадаги “blue” (кўк ранг) билан адаштирмаслик учун биринчи эмас, охириги ҳарфи олинган).

Ушбу учта асосий рангни ўзаро турли миқдорларда аралаштириб ихтиёрий рангни ҳосил қилиш мумкин. Назария бўйича, ҳамма рангдан 100% миқдорда қўшиб аралаштирилса қора ранг ҳосил бўлиши керак, лекин рангли сиёҳларни (бу ерда принтердаги сиёҳлар назарда тутилган) бир-бирига қўшса жуда тўқ бўлса ҳам кир жигарранг пайдо бўлади. Шунинг учун тўртинчи бўлиб қора ранг қўшилган.

*Қора ранг билан солиштирмаси (қанчалик яқинлашуви даражаси, аникроги қорадан фарқи)*

*Рақами, номери Кулрангнинг то қорадан оққача бўлган туслари билан солиштирмаси*

*Оқ ранг билан солиштирмаси*



*Тулиқ ранг(тоза ранг)*


*Рангнинг то оқаргунча*

*бўлган оқ ранг билан аралашмаси*

*Тўртликдаги рангларнинг фоизлик (%) миқдори*

## ОҚАРТИРИЛГАН (ХИРА) РАНГЛАР<sup>22</sup>

Баъзи комбинациялар




<sup>22</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 319 p.



# ПАСТЕЛЬ РАНГЛАРИ<sup>23</sup>

## Баъзи комбинациялар



<sup>23</sup> “Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 320 p.

## АКТИВ, ЖҰШҚИН РАНГЛАР<sup>24</sup>


Баъзи комбинациялар



<sup>24</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 321 p.

## ЁРҚИН (ПОРЛОҚ) РАНГЛАР<sup>25</sup>

Баъзи комбинациялар



<sup>25</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 322 p.

# НУРЛИ, НУРАФШОН, ЧАҚНОҚ РАНГЛАР<sup>26</sup>


Баъзи комбинациялар



<sup>26</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 323 p.

## ИНТЕНСИВ (КУЧЛИ) РАНГЛАР<sup>27</sup>


Баъзи комбинациялар



<sup>27</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 324 p.




<sup>28</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 325 p.



<sup>29</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 326 p.

# ДОМИНАНТ РАНГЛАР (КУЧЛИ, УСТУН ТУРАДИГАН)<sup>30</sup>

Баъзи комбинациялар




<sup>30</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 327 p.



# НЕЙТРАЛ РАНГЛАР (БЎЗАРГАН)<sup>31</sup>

Баъзи комбинациялар



6

<sup>31</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008.328 p.

## 2.7. II БОБ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН ТАВСИЯЛАР

### 1. Ахроматик ва монохром рангли қаторларни тузиш

*Амалий машгулот мақсади.* Ахроматик ва монохром ранглардан ташкил топган қаторни тўғри тузишни ўрганиш.

#### *Амалий топшириқ.*

1. Оқ-қулранг-қора ранглардан тузилган ахроматик қаторни тузинг. Ҳар бир қатордаги ранг туси камида 10-12 тадан иборат бўлсин.

2. Асосий ва ҳосила рангларни оқартириб ва қорайтириб (оқлаштириш - оқ ранг; қоралаштириш - қора ранг қўшиш натижасида) монохром ранглардан қаторларни ҳосил қилинг. Ҳар бир қатордаги ранг туси камида 10-12 тадан иборат бўлсин.



*Услубий кўрсатмалар.* Ишни гуашда бажариш керак. Бунинг учун синтетик толали ясси мўйқалам ҳам қулайдир.

1. Бирор рангни танлаб палитрага қўйинг. Оқ рангни ҳам олинг. Танланган рангли бўёқни қаймоқсимон даражагача сув билан суюлтиринг.

2. Мўйқаламга рангни олиб қоғознинг битта бурчагига тўртбурчак шаклда ётқизинг.

3. Палитрадаги рангга озгина оқ ранг қўшинг ва яхшилаб аралаштиринг. Яна битта тўртбурчакни биринчисига ёнма-ён тарзда бўянг. Шу тарзда то ранглар ўта оқармагунча давом эттиринг.

4. Навбатдаги ишни худди шундай тарзда танланган рангга қора ранг қўшиб бажаринг.

5. Ахроматик қаторни яратиш учун ҳам ишлар кетма-кетлиги ўхшашдир.

## **2. Ранг доирасини тузиш.**

**Топшириқ мақсади.** Ранг доирасидаги рангларни ҳосил қилиш ва уларни маълум тартибда тўлиқ жойлаштиришни ўрганиш. Рангларни тенг поғонали ёпиқ хроматик доирада жойлаштириш.

**Жиҳозлар ва ашёлар** сирти силлиқ бўлмаган ва зичлиги нисбатан қаттиқ бўлган оқ коғоз, мўйқалам, циркуль, қора қалам, чизғич, рангли гуашь.

### **Услубий қўрсатмалар**

1. Икки хил радиусли маркази битта нуқтада бўлган иккита айлана чизинг. Айланаларни 24 та тенг бўлакка бўлинг.

2. Спектрдаги асосий рангларни олинг. Қарама-қарши секторларни асосий ранглар билан тўлдириг.

3. Асосий ранглари бир-бири билан (50/50 фоизда) аралаштириб иккиламчи асосий ҳосила рангни тайёрланг. Ҳар бир чоракнинг ўртасидаги секторларни ҳосила ранглар билан бўянг.

4. Улар орасидаги қолган ҳосила ранглардан иборат 24 хил рангдаги ранг доирасини тузинг.

## **3. Монохром, ахроматик, ўхшаш, ўхшаш-контраст, контраст ранглардан абстракт композициялар тузишни ўрганиш**

### **Амалий машғулот мақсади.**

1. Монохром ва ахроматик ранглардан композициялар тузаётганда ранглараро муносабатларни ўрганиш.

2. Ўхшаш ранглардан композициялар тузаётганда ранглараро муносабатларни ўрганиш.

3. Ўхшаш-контраст ранглардан композициялар тузаётганда ранглараро муносабатларни ўрганиш

4. Контраст ранглардан композициялар тузаётганда ранглараро муносабатларни ўрганиш.

### **Услубий қўрсатмалар**

1. Ахроматик рангларнинг ўзаро нюанс (оч-тўқлигидаги нюанс) муносабатларини акс этирувчи абстракт композиция тузинг.

2. Ахроматик рангларнинг ўзаро контраст (оч-тўқлигидаги контраст) муносабатларини акс эттирувчи абстракт композиция тузинг.

3. Монохром рангларнинг ўзаро нюанс (оч-тўқлигидаги нюанс) муносабатларини акс эттирувчи абстракт композиция тузинг.

4. Монохром рангларнинг ўзаро контраст (оч-тўқлигидаги контраст) муносабатларини акс эттирувчи абстракт композиция тузинг.

5. Ўхшаш рангларнинг ўзаро нюанс (оч-тўқлигидаги, тўйинганлик даражасидаги ва ранг тусидаги нюанс) муносабатларини акс эттирувчи абстракт композиция тузинг.

6. Ўхшаш рангларнинг ўзаро контраст (оч-тўқлигидаги, тўйинганлик даражасидаги ва ранг тусидаги контраст) муносабатларини акс эттирувчи абстракт композиция тузинг.

7. Ўхшаш-контраст рангларнинг ўзаро нюанс (оч-тўқлигидаги, тўйинганлик даражасидаги ва ранг тусидаги нюанс) муносабатларини акс эттирувчи абстракт композиция тузинг (иккита ранг иштирокида).

8. Ўхшаш-контраст рангларнинг ўзаро контраст (оч-тўқлигидаги, тўйинганлик даражасидаги ва ранг тусидаги контраст) муносабатларини акс эттирувчи абстракт композиция тузинг (иккита ранг иштирокида).



9. Ўхшаш-контраст рангларнинг ўзаро муносабатларини акс эттирувчи абстракт композиция тузинг (учта ва тўртта ранг иштирокида).

10. Контраст рангларнинг ўзаро муносабатларини акс эттирувчи абстракт композиция тузинг (иккита ранг иштирокида).

11. Контраст рангларнинг ўзаро муносабатларини акс эттирувчи абстракт композиция тузинг (учта ранг иштирокида).




12. Контраст рангларнинг ўзаро муносабатларини акс эттирувчи абстракт композиция тузинг (тўртта ранг иштирокида).


13. Контраст рангларнинг ўзларининг монохром ранг-ларини қўшиб ўзаро муносабатларини акс эттирувчи абстракт композиция тузинг.





А) Гравированный металл      Б) Полированный металл






















































### Назорат учун саволлар

1. Рангнинг асосий хоссалари қандай?
2. Ахроматик қатор нима?
3. Спектрадги рангларни айтинг.
4. Ранг физикасини тушунтириб беринг.
5. Рангни идрок қилишдаги адаптация нима?
6. Ранг рамзлари ва ранг ассоциациялари деганда нима тушунилади?
7. Ранг доираси қандай тузилган? Мисоллар келтиринг.
8. Рангли композиция нима?
9. Рангнинг рухий таъсири нимада?
10. Ахроматик ва хроматик рангларни таърифлаб беринг.
11. Монохром ранглар деб қандай рангларга айтилади?
12. Композицияда рангнинг вазифаси қандай?

13. Колорит деганда нима тушунилади? “Совук”, “иссиқ” ранглар деганда нима тушунилади?

14. Ҳашаш ранглар; контраст ранглар; Ҳашаш-контраст ранглар монандлиги қандай тузилади?

15. Замонавий ранг тизимларининг номлари қандай?


16. Ранг системаларининг тузилиши ҳақида нималарни биласиз?

## III БОБ. ҲАЖМИЙ ФАЗОВИЙ КОМПОЗИЦИЯ

### 3.1. Ҳажмий-фазовий структура

Композициянинг муҳим категорияларидан бири – буюмнинг ҳажмий-фазовий структурасидир.<sup>32</sup>

Ҳар бир буюм шаклига унинг ҳамма элементларининг бир-бири билан ва фазо билан ўзаро муайян таъсир этиши нуқтаи назаридан қараш, яъни уни ҳажмий-фазовий структура, деб ҳисоблаш мумкин.



Бу структура баъзан оддий ва ихчам, баъзан эса жуда мураккаб бўлади. Ҳажмий-фазовий структуранинг мураккаблик даражаси қандайлигидан қатъи назар ундаги барча элементларнинг ўзаро алоқадорлик системаси тектоника билан бир қаторда чинакам уйғунликка эришишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Композициянинг иккита асосий категорияси ўзаро мустақкам боғлиқдир. Тектониканинг бузилиши (конструктив асос ишининг сохта акс этиши) саноат буюм ҳажмий-фазовий структураси элементларининг узвий алоқадорлигига албатта таъсир этади, шунингдек ҳажмий-фазовий ечимнинг принцип жиҳатидан нотўғри ҳал этилиши тектоник характердаги хатоликларга олиб келади.

<sup>32</sup> Cristine Letourneau, Sonya J. Yencer. Pattern play. A zentangle creativity booster. 2014. 99 p.

Костюм яратаётганда унинг нимага мўлжалланганлигини ва қандай шароитда ишлатилишини билиш керак. Костюм қулай, ишбоп ва чиройли бўлиши керак. Шунинг учун костюмнинг шакли конструктив ҳал этилиши, материалларнинг танланиши, безаклари ва ранги унинг асосий вазифаларига, яъни эстетик ва амалий вазифаларига итоат этган бўлади.

Қисмларнинг муайян тартибда ташкил топганлиги, яъни структураси костюмни характерлаб беради. Структура деганда образли, функционал ва техник ечимга боғлиқ бўлган геометрик шакл элементларининг муайян фазовий системасини тушуниш керак. Геометрик шакл (тўғри: тўртбурчак, трапеция, овал, учбурчак ва ҳоказо) костюм шакли структурасининг элементлари ҳисобланади.



Material and Color

In order to see department exhibits of clothing design, designers use models from a systematic system of design light and fabric, usually and light's fabric structure and clothing.

The first exhibit was "Fabric" by the artist, designed by Japanese designer Eiko Miyake. It consists of many different fabrics, arranged in a grid, with a white background.

The second exhibit was "Material and Color" by the artist, designed by Japanese designer Eiko Miyake. It consists of many different fabrics, arranged in a grid, with a white background.

The third exhibit was "Material and Color" by the artist, designed by Japanese designer Eiko Miyake. It consists of many different fabrics, arranged in a grid, with a white background.

The fourth exhibit was "Material and Color" by the artist, designed by Japanese designer Eiko Miyake. It consists of many different fabrics, arranged in a grid, with a white background.

The fifth exhibit was "Material and Color" by the artist, designed by Japanese designer Eiko Miyake. It consists of many different fabrics, arranged in a grid, with a white background.





Figure 12. Photo and sketches.



Figure 13. Dress by Alexander McQueen (2002).

33



### 3.2. Текисликнинг декоратив трансформацияси

**Трансформациялаш** – бу ташқи кўриниш ёки ҳажми тезкор равишда шаклини ўзгартириш дегани.

Ясси материални трансформация қилиш натижасида нафақат унинг декоратив (безакли) ва эстетик сифатларининг яхши натижалари ҳосил қилинади, балки конструкторлик-механик хоссаларини ҳам яхшилашга ҳам эришилади.

<sup>33</sup>Cristine Letourneau, Sonya J. Yencer. Pattern play. A zentangle creativity booster. 2014.109 p.


Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида трансформацияланган тексликларни жуда кўп учратиш мумкин. Бу уларга пишиқлик ва турғунлик бахш этади. Атрофимиздаги табиат бизга энг рационал шаклларни тавсия этади.

Дарахтларнинг барги, ёнғоқнинг пўсти, гулларнинг гулбарглари, денгиз типратиканининг зирхи, қисқичбақанинг совути, чиғаноқлар – буларнинг барчаси мураккаб фазовий шаклга эга ва материали унчалик пишиқ бўлмаса ҳам, аҳамиятли зўриқишларга чидамлидир.

Оддий қоғоз варағи ўзининг оғирлиги остида букилиб кетади. Лекин уни гумбазсимон, тахламали ёки қувурсимон тарзда букланса, у хатто кичик вазндаги юкни ҳам кўтара олади.



Гарчи қоғознинг таркиби ва хоссалари ўзгармаган бўлса ҳам, шакли ўзгаргани ҳисобига унинг механик сифатлари яхшиланди.

Япон санъатидаги оригами ва куригами яшаш бунга яққол мисол бўла олади.



34

<sup>34</sup> Cristine Letourneau, Sonya J. Yencer. Pattern play. A zentangle creativity booster. 2014. 89 p.





### 3.3. Тектоника ва пластиклик

Композиция назарияси ўрганилаётган нарсалар ўртасидаги энг умумий, энг муҳим боғланиш ва муносабатларни акс эттирувчи категорияларга асосланади. Тектоника эса композициядаги (қурилишидаги) энг муҳим категориялардандир.

**Тектоника** шаклга олган конструкция ва материалнинг кўзга ташланувчи аксланишидир. Тектоника – грекча «қурилиш санъати». Бу ерда тикиш, тиклаш санъати. Иккинчи мазмуни – ўзгарувчан ҳолатларни ўрганиш.

Тектоник шакл – бу материалнинг ҳусусиятини конструкция бажарилишининг ҳамда маҳсулот тайёрланиши услубидаги ҳусусиятларининг бадий мушоҳада қилишдаги жонли, ифодали аниқловчисидир. Бу аниқланишга асос бўлиб материал ёки материаллар йигиндиси ҳам, маҳсулот конструкцияси ҳам, тайёрлаш технологияси ҳам хизмат қилади.

Шакл кўринишининг тектоник мантиғига табиат яратган шакллар жуда яхши мисол бўла олади. (япроқ, гул, ари уяси, новдалар ва ҳ.зо.)

Асрлар давомида сайқалланган табиатнинг кўринишлари материалларни ўз жойида рационал ва тежамкор фойдаланишнинг ва у асосда гўзал шакл турларини яратишнинг сон-саноксиз мисолларини беради. Бу мисолларни синчиклаб кузатиш, уларнинг тектоник жозибасини ўрганиш, кийим конструкцияларини яратишда, уларни ижодий ўзлаштиришда туганмас манбаъдир.

Ижодкор материал танлашда, хусусиятларини аниқлашда ва бу хусусиятларга урғу беришда, уларнинг композицияда иш беришида, маҳсулот тайёрлаш технологиясини, хусусиятларини аниқлашда жуда кўп ўйлайди. Ва буларнинг барини ўзининг асосий мақсадига, яъни ижодий ва композицион ғоясига бўйсиндиради.

Эстетик ифодалилиги (кўриниши) нуктаи назаридан шаклнинг қимматлилигини оширадиган муҳим омиллардан бири, шубҳасиз маҳсулотдаги тектоник жиҳатдан тўғрилигидир, яъни, материалга ва модел конструкциясига оид энг муҳим хусусиятларини маҳсулот шаклига сингдира ва кўрсата билишдир. Материалнинг турли технологик хусусиятларга боғланадиган ташқи белгиларини мукамал билиш унинг масса, фактура, пластиклиги (букилувчанлиги), ранги кабиларни композицион тузилишда эркинлик ва бемалоллик билан ишлатишга имкон беради.

Матолар, трикотаж полотнолар, тўқимасиз, плёнкали ва ҳоказо кийим тайёрланадиган материалларнинг ҳар бири ўзига хос эгилувчанликка (пластикага), драпланиш даражасига эга бўладики, кийимни шаклантиришда (мулойимлик, тўкилиб турувчи тўкислик), гавдага муқобилликда, қатъий қиёфадалик ва бошқа композицияларда материалнинг юқоридаги ўзига хосликлари ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мисол учун, маълум даражада пишиқликка эга ҳарир ва ингичка капрон матоларидан ишиб турувчи (“пишная форма”) маҳсулотлар тайёрланади. Бу маҳсулотларнинг шакли мато енгиллигига мос келиши керак. Шунингдек, капрон кийимлар ҳарир бўлганлигидан, яъни кўришиб турувчи хусусияти учун чоклар сони имкони борича камайгани яхши. Крепсатин, атлас ва бошқа “ёғланган”, “тўкилувчи” матолар драпланиш хусусиятлари яхши эканлигидан ҳажми кенг, гавдада сирғанувчанлиги, нур мавжларини акслантириши кийимини янада тўкис қилади. Лавсанли жун, зиғир толали ва бошқа шу сингари «куруқшоқ» (“сухие”) матолар тикишлиш жараёни кийинроқ бўлсада, ўзига яраша эгилувчанликка (пластикликка) эгалар. Бу матолардан сипо, саловатли қиёфадаги кийимлар тикилгани мақсадга мувофиқ. Трикотаж полотноларининг (матоларнинг) ўта эгилувчанлиги улардан гавда чизикларига айнан мос келувчи кийимлар тикилишини, бироқ унинг технологик ўзига хослиги (изманинг

бўшашиб кетиши) мумкин қадар яхлитлик, кам бўлинишлар, чокларнинг оз бўлишини тақазо этади.

Костюм шаклининг пластиклиги тўғрисида сўз юритганда (унинг геометрик аниқлиги, овалга мойиллиги, қаттиқлиги ва ҳоказо), биз ҳамisha материалларнинг ўзига хос пластиклиги хусусиятларини назарда тутамиз. Шунинг учун турли хил геометрик шакллардан бирортасида тўхтар эканмиз биз факат муайян шаклнинг турғунлигини сақлаб қола оладиган материалнигина танлаб оламиз.

Маълум бир композицион режа ва керакли технологияга асосланиб маҳсус танлаб олинган материалнинг хусусиятлари баъзан бир-биридан кескин фарқ қилувчи режаларни амалга ошириш имконини беради. Мисол учун жун матодан тикилган кўйлакнинг ёқаси ва ёқа қайтармаси қотирмали, юбкаси эса карнай бичиқ бўлса, мато биринчи ҳолда (ёқа ва лацкан) қаттиқ, ҳайкалсимон ҳарактер, иккинчи ҳолда (юбка) мулойим, эгилувчан ҳарактер касб этади. Яъни технологик услубнинг турлилиги битта матога турлича кўриниш беради. Шакл сиртининг бу ерда айтилаётган батафсил шарҳи унинг шу маҳсулотдаги бажарган вазифасини ва маҳсулотнинг тайёрланиш жараёнини изоҳлаб беради. Шунинг учун бу шарҳ маҳсулотнинг тиктоник моҳиятини ифодаловчи маҳсулотнинг образли ижод этилишини бадийий тасвирловчи воситада намоён бўлувчи ўзига хос технологик тилни шаклантиради.

Бадиياتни ифодаловчи бошқа воситаларига қараганда тектониканинг ўзига хос хусусияти шундаки унга илмий техника инқилоби (ИТИ) катта таъсир ўтказиб боради. Илм-фан билан техник, иқтисодиёт, янги материалларни ишлатиш турли технологияларнинг мукаммалашуви, янгиларнинг туғилиши, инсониятнинг яратувчилик ва амлалий фаолияти, лойиҳалашда илмий усулларнинг қўлланиши каби соҳалар билан узвий боғлиқлиги буларнинг бари тектоник системалари ҳақида илгариги тасаввурларни ўзгартириб, янгилиб келади. Кейинги йилларда кимё саноати тўқимачилик саноати синтетик тола ишлаб чиқариш соҳасининг ҳом-ашё базасини анча бойитди ва бойитиб бораверади. Сунъий, синтетик толаларнинг табиий толалар билан турли хил қўшилмалари эса пластик хусусиятлар палитрасини янада кенгайтиради. Бугунги кунларда олимлар бу янги мате-

риалларнинг гигиеник ва технологик хусусиятларини такомиллаштириш устида ҳам катта ишлар қилмоқдалар. Шунингдек, костюмга қўллаш борасида ўзининг бадиий мушоҳадаси ҳали етарлича топилмаган тўқимасиз материаллар ҳам қўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

Янги матога (материалга) янги шакл, янги конструкция талаб этилади. Бироқ шу кунгача сунъий ва синтетик материаллардан кийим тикишда пластик ва технологик хусусиятлар бутунлай бошқа бўлган табиий материалларни тикиш асосида тугилган услублар ишлатилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, замонавий кимё ва тўқимачилик саноати кўп миқдорда ўхшатма, ясама («симон») материалларни ҳам (сунъий чарм – чармсимон, кўнсимон, пластмасса ва ҳ.к.) ишлаб чиқармоқда-ки, буларни қўллаганда жуда жиддий танлов ва ўрганиш талаб этилади. Чунки ҳар қандай ясама-ю, ўхшатмалар материалнинг тектоник моҳиятини бузади. Ижодкор учун материалга ёндошишдаги эстетик мезон бўлиб ростгўй мутаносиблик хизмат қилиши керак. Агар материалга унга хос бўлмаган хусусият юкланса, бу унинг устидан ғалаба қозониш эмас – эстетик зўрлаш бўлади. Зероки, япон ибораси шундай дейди: «Ижодкорнинг вазифаси, роли материалга ўз хоҳишини куч билан ўтказиш эмас, жонга кирган қўлидаги материалнинг ўз имконият ва туйғуларини тилга киритишдир».

Костюм шаклининг яхлитлиги унинг бўлақларини бир – бирига уйғунлаштирилиши, мослаштирилиши билан эришилади. Бу ишдаги бош мақсад кийимнинг (кўйлак, пальто, костюм ва ҳ.зо.) бошдан оёқ яхлитлигидир. Яхлитлик унинг конструкция мантиғининг ва сарпо<sup>1</sup> бўлақлари оёқ кийим, бош кийим ва ҳ.зо. Ва материалнинг бир-бирига мослашувчи мутаносиблиги орқали эришилади. Костюмнинг ёрқин ва шу билан бир пайтда (система сифатида) мантиқий қурилмаси тектоника ҳам бўлади. Яъни, тектоника бу фақатгина бадиий сифат эмас, балки костюм (сарпо) дейилувчи ягона бадиий тизимга оёқ кийим, бош кийим, қўшимчалар, безакларнинг бир-бирига мослашуви ва ҳамиша ҳаракатдаги боғлиқлигидир.

<sup>1</sup>Сарпо – форсча: Сар – бош, пой – оёқ. Бу ерда – «бошдан оёқкача бўлган кийим».

Костюм тектоникаси бу конструктив тизимлари, ритми, безаклари, контрастлари, нюанслари, пластикаси, мато ранглари уйғун пропорцияга етказилган шаклининг бадийи мантигидир (мантиғи асосидаги яхлитлигидир).

Кўпинча мато ранги костюм шаклининг қандайлигини белгилайди. Костюм ва унинг ҳажми пластик хусусиятлари бўлақларининг ҳажмлари қандайлиги таъсир кўрсатувчи конкрет материалларга боғлиқдир.

Тектоника боғлиқ масалаларни ҳал этаркан, ижодкор мақсадга мувофиқлик, тежамкорлик, пишиқлик, тайёрлашнинг осон йўллари, материалнинг унумли хусусиятларидан фойдаланиш ва бошқа масалаларни ҳисобга олишига тўғри келади. Тектоник ечимларни излаш ва янги – янгиларини топиш – бу тинимсиз диққат-эътибор билан ўйлаш, ўрганиш ва яна қайта-қайта изланишидир. Фақат шу йўлигина тектоникада дуркун, қизиқарли ва жасур ғоя ва ечимларга олиб боради.

Аниқликнинг фойдалилик ва гўзаллик билан узвий боғлиқ бўлиши керак, деган Витрувийнинг шиори буюмнинг моҳиятини, унинг тектоникаси моҳиятини белгилайди. Истеъмолчи бугунги кунда маҳсулотнинг жуда юқори сифатли бўлишини талаб қилади. Шунинг учун саноат миқёси ва шароитида ишлаб чиқаришга киришиллар экан фойдалилик ва гўзаллик билан узвий боғлиқлиги мўлжаллини лойиҳалаш жараёнидаёқ жорий қилиб бориш керак.

Лойиҳалаш бирон буюмнинг конструкциясини тузиш жараёнини бир томондан ғоянинг структура (тизим) даражасида таърифланиши, иккинчи томондан эса объект шаклининг моддийлаштирилишида бир восита ролини ўйнайди.

Машҳур кинорежиссёр С. М. Эйзенштейн, Н. П. Ламанова билан Я. И. Райзманларнинг ишини кузата туриб, уларни бадийи бичиқчиликнинг сеҳргарлари деб атагани: «Костюмларининг қўймалиги шундай салобатли ва мустаҳкамки, безакли гўзал парчалари лол қолдирадиган даражада мутаносиб уйғунки, у ердаги ҳар бир штрих кийимнинг эгаси ҳақида сўзлаш учун ундалганки, нигоҳларнинг ўткирлиги, чизиқларнинг, шаклларнинг, пропорцияларнинг (нисбатларнинг) ўта юқори даражада аниқлиги, шунингдек, қайчи пўлат тишларининг мерганликча кесишлари, дазмолнинг босилишидаги юксак маҳорат, тўғнагичлар армияси, ип ўрамининг югуришлари, буларга қўшилган пластик талант –



бари бир бўлиб, ҳаёлдаги хира, ноаниқ ниятни уч ўлчамли костюмга айлантиради».

Ижодкорнинг (рассомнинг) вазифаси кейинги иш ривожининг техник конструктив кўзни қаноатлантирадиган шаклини яратишдир. Рассомнинг гоёси устида ишлаётган конструктор – муҳандис ҳам ўз навбатида техник, соғлом мантиқ билимларига эга талантли ижодкор одам бўлиши керак. Бу хусусиятлари бадиий образни ўзгартирмай ҳаётий қолипларга солишига ёрдам беради. Янги моделни яратишда қатнашаётган конструктор – муҳандис фақат технолог ёки фақат ҳисоб – китобчи бўлиши мумкин эмас. Чунки конструкциянинг рассомдан кейинги ҳаётини ҳал этади. Янги модел маҳсулоти ўз «табиати», ўз «хулқ-атвори» мавжуд бўлган нарсадир. Бу «хулқ - атворнинг» бу «табиатнинг» негизини рассом конструктор яратиши керак. Конструктор – муҳандис эса рассом яратган образни бўлақларга ажратиб, рассом билан биргаликда материал танлаш, пардоз бериш, ташқи кўриниш чизиқларини мослаш, ҳаёлий образни материалда кўтариш каби масалаларни биринчи навбатда ишлаб чиқаришдаги қулайликни ўйлаб тузади. Бунда костюм бичими кўпинча содда бўлса-да, унинг айрим қисмларининг бичимига қўйиладиган талаблар, уларнинг мутаносиблиги жуда катта аниқликни тақазо этади. Эстетик функциялар етакчи мўлжал бўлган костюмларда эса материалнинг пластик имкониятларини таъкидлаш учун конструкция кўпинча мураккаб бўлади. Материалнинг хусусиятларига қараб конструкцияда кийимнинг мўлжалига қараб иш беришлари (кишиликка кийилганда кўзга яхши кўринишлари учун) айрим деталларнинг (орт, олд бўлақ, енг, чўнтак ва ҳ.зо.) қиёфалари жиддийроқ ишланишлари ҳисобга олиш лозимдир. Маҳсулот конструкцияси соддалашган сари мато хусусиятлари унинг шаклий тузулишига, тектоникасига тобора кўпроқ таъсир кўрсата бошлайди.

Маҳсулотнинг шакли ва конструкцияси унинг ишлатилиши нуқтаи назаридан ҳал этилиши керак. Конструкциянинг қандай ишлари, шу оғирлиги қаерларга тушиши ҳақида шакл ахборот бериши керак.

Шундай қилиб конструкция ва шаклнинг маълум материалда бирлаштирилган ўзаро боглиқлиги композицион услубдан компо-

зицион воситаларгача бўлган композиция устидаги ишнинг муҳим жабҳасидир.

### **Назорат учун саволлар**

1. Ҳажмий-фазовий структура нима?
2. Текисликнинг декоратив трансформацияси деганда нима тушунилади?
3. Шакл тектоникаси деганда нима тушунилади?
4. Турли материаллар тектоникасининг турлича бўлишини тушунтиринг.
5. Пластик хусусиятлари турлича бўлган материаллардан шаклни ишлашнинг қандай ўзига хосликлар мавжуд?

#### IV БОБ. ЛИБОСДА КОМПОЗИЦИЯ ВА РАНГ ВОСИТАЛАРИ, УСУЛЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Гўзаллик, чиройлиликнинг йўлдоши – гармониядир. Гармония эстетик мезон бўлиб, унга эришиш учун композиция қоидаларига риоя қилиш керак.

**Либос композицияси** – шу либосни ташкил этувчи элементларнинг маълум ғояни, бадий образни акс эттирувчи яхлитликка бириктириш. Либос нафақат ўзи гўзал бўлиши, балки у инсонни ҳам чиройли ва ёқимли қилиши керак.

**Бадий образ** одамнинг санъатдаги ижодий фаолиятининг ўта мураккаб ва серқирра маҳсули натижасидир. Бадий образнинг моҳиятини ва хоссаларини ҳам файласуфлар, ҳам эстетиклар, ҳам санъатшунослар, ҳам рассомлар тадқиқ қилишади. Бунда образни ҳам ғоявий, ҳам янги билимларни эгаллаш, ҳам руҳий ҳис қилиш, ҳам эстетика категориялари нуктаи назарларидан келиб чиқиб ўрганилади.

Композициянинг назарий асосларини тўғри тушуниш ва чуқурроқ ўзлаштириш учун бадий образ тушунчасининг моҳияти, асосий фазилатлари, хоссаларини билиш керакдир.

Бадий образ – объектив реалликни эмоционал ва рационал тарзда билиш ва акс эттиришнинг шундай бирикув-қотишмасики, у инсоннинг ҳам туйғуларига, ҳам ақлига таъсир этиши керак<sup>35</sup>.

Агар мазкур таърифни таҳлил қилсак, бадий образ бир неча муҳим хоссалар билан тавсифланишини кузатиш мумкин. Булар куйидагилардир:

- 1) ижодкорнинг индивидуал, ўзига хос характерли муносабати
- 2) ижодкорнинг умумий, типик муносабати
- 3) эстетик муносабатнинг мавжудлиги
- 4) ижодий тассавур қилиш ва фантазиянинг ҳамда бадий англашнинг мавжудлиги.

<sup>35</sup>Новиков А.М., Методология художественной деятельности. – М.: Эгвес, 2008.

Ўз навбатида бадий образнинг бу каби аҳамиятли ҳислатларига ҳар бир образда бўлиши муқаррар бўлган янгилик, объективлик ва субъективликни ҳам қўшиш керак.

Юқоридаги хоссаларнинг намоён бўлиши ҳар бир образда турлича бўлади.

Дизайнерлик эскизида либос эскизини чизиш одам гавдасини тасвирлашдан бошланади. Яъни, аввал одам фигурасини куриб олиб, ундан сўнг яқунланган гавданинг устида кийим тасвирланади. Чунки айнан одам гавдасига кийдирилган либоснинг тасвири бошқа текисликда шунчаки ёйилган, ёки кийимосгичга осилган кийимдан кўра чиройли кўринади.

1. *Қоралама чизиш.* Дизайнерлик эскизи учун одам қоматини қай тарзда тургазиш ҳолатини танланг. Шундай ҳолат танланиши керак-ки, эскизлар либос моделининг энг яхши жиҳатларини намоёйиш эта олиши керак. Масалан, юриб кетаётган гавда, ўтирган ёки турли ракурслардаги гавдаларни тасвирлаш мумкин. Илк марта учун битта оёғига таяниб турган ёки юриб кетаётган гавдани танлаш мумкин. Эскизлар профессионал даражада ва ижобий таассурот қолдириши учун фигура пропорционал бўлиши ва яхши чизилган бўлиши лозим. Кўп модельерлар эскиз чизиш амалий кўникмасини сайқаллаш учун кунига юзталаб эскиз чизишади.

2. *Ишчи эскизни чизиш.* Мувозанат чизигини ўтказиш. Бу расмнинг энг биринчи чизиғи бўлиб, у моделнинг оғирлик марказини ифодалайди. Бу чизиқ бутун гавда узунлиги бўйича давом этиши керак. Чизиқни пропорционал равишда тенг бўлақларга бўлинг.

Каллани ифодаловчи овални чизинг. Бу ишчи моделнинг негизи, унинг асосида пропорционал фигуранинг расмини бажариш мумкин. Бундай тайёрланмани моделнинг скелети деб ҳисоблаш мумкин.

Гарчи модел қомати қия ёки энгашга ҳолатда тасвирланиши керак бўлса-да, мувозанат чизиғи қатъиян вертикал жойлашиши лозим.

Тос суяги зонасини чизиш. Мувозанат чизиғи ўртасида тенг томонли тўртбурчакни чизинг. Тўртбурчакнинг чизиқ ўртасининг сал юқорироғи ёки пастроғида жойлашиши, катта-кичиклиги қандай тузилишдаги қомат тасвирланиши кераклигига боғлиқ.

Гавданинг қай ҳолатда туришини тассаввур этиб, тўртбурчакни чапга ёки ўнгга буриш. Масалан, гавданинг чап томонга таянган бўлса, ёнбош (тос)ни акс эттирувчи тўртбурчакни чап томонга силжитинг. Агар фигура тўғри турган ҳолатда тасвирланса, унда тўртбурчакни мувозанат чизиги устидан силжитманг.

Тана ва елкаларни тасвирлаш. Тосни акс эттирувчи тўртбурчакдан иккита чизиқ чиқариб, танани тасвирланг. Елкаларнинг кенглиги тос кенглигига тенг бўлиши керак. Белга келганда тос ва елкаларни уловчи чизиқларнинг эгрилиги ичкарига қараган бўлсин. Тананинг узунлиги иккита калла баландилиги узунлигида бўлиши керак.

Кўпинча елка ва бўкса чизиқларини қарама-қарши томонларга оғдириб тасвирлашади. Бундай ҳолат контрапосто ёки посанги (мувозанатлашув) деб аталади. Бу ҳаракат таассуротини беради. Елка ва бўкса чизиқларидан қисқароқ кўринишда бел чизигини тасвирланг.

Бўйин ва каллани тасвирлаш. Бўйиннинг қалинлиги елкалар кенглигининг  $1/3$  қисмини, узунлиги калланинг  $1/2$  қисмини ташкил этиши керак. Бўйиннинг устиша калланинг чизгиларини чизинг, унинг катталиги тан ва гавдага пропорционал бўлиши керак. Калланинг ўрнини белгиловчи аввал чизилган овални ўчириб ташлаш керак.

Каллани шундай тасвирлаш керакки, унинг ҳолати фигуранинг туришига мос ва хос бўлсин. Уни бироз патга ёки юқорига энгаштириш, чап ёки ўнг томонга қаратиш мумкин.

Оёқларни чизиш. Бу гавданинг энг узун қисмидир. Унинг узунлиги тахминан 4 та калла узунлигига баробар. Оёқлар икки қисмга бўлинади: сон (тосдан тиззагача) ва болдир (тиззадан тўпикқача).

Дизайнерлик эскизларида модел оёқлари узунлигини торс узунлигига нисбатан узайтириш одатий ҳоллигини инобатга олиш керак.

Соннинг юқори қисмининг қалинлиги тахминан калланинг энига тенг бўлиб, тиззага келиб торайиши керак. Тизза даражасида оёқнинг кенглиги сон энг қалин жойининг  $1/3$  қисмига тенг бўлиши керак. Тўпик даражасида оёқнинг кенглиг калла кенглигининг  $1/4$  кенглигига тенг бўлиши лозим.

Оёқ ва қўл панжаларини чизиб эскизни якунлаш.

3. *Либос ва аксессуарларни тасвирлаш.* Либосдаги дизайнни акс эттириш. Яратмоқчи бўлган либосни тассаввур этиб, аввал унинг силуэттини, кейин ундаги майда деталларни чизинг. Масалан, агар кўйлак яратилаётган бўлса, унинг гўзаллигин акс эттириш учун рюшлар, бантчалар, нақш ва матонинг гулини ёки принтини пухталиқ билан синчиклаб чизинг. Сиз томондан яратилаётган услуб тушунарли бўлиши учун дизайннинг ўзига хос, ноёб элементларига эътиборни жалб этинг, керакли аксессуарларни қўшинг.

Агар янги ғоялар керак бўлса, ёки нимадан бошлашни билмасангиз, интернет ва мода журналларидан замонавий мода йўналишини ўрганиб чиқинг.

Либосни дадил штрихлар билан чизинг. Модель устидаги либос худди реал ҳаётдагидек кўриниш лозим. Тирсак, бел, елка, билак, тизза соҳаларида либосдаги тах ва бурмалар, букиклик ва эгикликларни акс эттиринг. Турли материалларнинг одам танасига турлича даражада ёпишиб туриши ва уларнинг пластикаси ҳақида ҳам унутманг. Агар мато юпқа ва ипакли бўлса, у тананинг контурларини такрорлаб туради. Агар мато зич ва қаттиқ бўлса (джинси ёки жун толали драплар), либос бироз эркинроқ туради ва одам танасининг шаклини такрорлаб таъкидламайди.

Мато текстурасини унинг силлиқлиги ёки дағаллигини, қаттиқлиги ёки юмшоқлигини акс эттиришга ҳаракат қилинг. Бошқа майда деталлар: тумача, безакларни чизинг.

Тахлама, бурма, гижимланган жойларни акс эттиринг. Эскизда матодаги турли тахламачаларни акс эттириш ҳар хил турдаги чизиқлардан фойдаланиш керак. Турли тахламалар, қатлар, бурмалар, буришишлар, гижимликларни акс эттиришни би-лиш эскизга ҳаётийлик бахш этади.

Нақш ва принтларни акс эттириш. Агар либоснинг дизайнида нақшли, гулли, принтли матолар мавжуд бўлса, уларни аниқ ва равшан тасвирлаш муҳимдир. Ёруғ-соя жойларни, турли қалинликдаги чизиқлар ва рангни қўллаб эскизни яқунланг. Соч турмаги, макияж, керак бўлса, кўзойнак элементларини тасвирланг.

Техник эскизни (ясси тасвир) бажариш. Рангли эскизга қўшимча қилиб, текисликдаги техник эскизни бажариш ҳам ўринлидир. Бундай эскизлар албатта пропоциялар сақланган

ҳолда, масштабда бажарилиш керак. Бундай эскизда моделнинг орқадан кўриниши ҳам тасвирланади. Керак бўлса ҳатто ёндан кўриниши ҳам берилиши керак.

Мазкур бетда турли матоларни ўрганиш бошланади (акс эттиришини ўрганишни кўриб чиқамиз). Бўяш ва турли эффектларни (таассуротларни) ҳосил қилишнинг жуда кўп (беҳисоб) усулларини қўллаш мумкин. Юқоридаги расмда тасвирланган кўйлакнинг матоси жуда кўп тахламаларга (драпировкага) эга, уларни акс эттиришдага сиз кўриб турган эффектларда эса бор-йўғи қаламдан фойдаланилган. “Н” қалами қоралама ва чизгаларнинг асоси учун, “2В” ва “4В” қаламлари (гавда ва либос) шаклини чизиш учун, “6В” қалами ҳажмни ҳосил қилиш учун қўлланган. Пастел техникасини қўллаб фигурани бўяш (фигурага ранг бериш).

Биринчи босқичда ранглар энгил ва бир текисда ранг берилади. Бунда албатта ёруғлик йўналишини ҳисобга олинади. Иккинчи босқичда ранг кучайтирилади ва шаклнинг фазовий ҳажми белгиланади. Учинчи ва сўнгги босқичда қора қалам ёрдамида энг чуқур жойлар қоронғу қилиб тасвирланади (энг қоронғи жойлар).<sup>36</sup>



<sup>36</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 91 p.



#### 4.1. Одам гавдасининг пропорциялари

Антик даврдан бошлаб одамлар инсон гавдасини аниқ тасвирлаш учун математик ва геометрик қонуниятларни излашган. Бунинг мақсади одам гавдасини барқарор ва конструктив жиҳатдан мувозанатлашган пропорционал тўғри бўлинишини таъминлайдиган ўлчов бирлигини излаш эди. Бу “модуль” деб номланган бирликни қабул қилинишга олиб келди. Илк модулни мисрликлар таклиф этиб, уларда қабул қилингани бўйича одам гавдасининг баландлиги 19 қисмга бўлиниб, ҳар бир қисмнинг ўлчами оёқ панжаси узунлигининг  $\frac{1}{3}$  қисмига тенг бўлган. Альтернатива (сифатида қадимги юнонлар калланинг чўққисидан бошлаб даҳангача бўлган баландлигидан келиб чиққан (модулни қўллаш) усулдан фойдаланишган. Бунда гавданинг узунлиги 7 тадан 8 тагача модулли бўлинишдан иборат бўлган (7-тадан 8-тагача калланинг баландлигини сиғдирган).

Кўп асрлар давомида то Уйғониш давригача одам гавдасини акс эттиришнинг геометрик қоидаларини излаш муаммоси устида иш олиб борилган. Милоддан аввалги 27 йилда ёзилган “Меъморчилик (Архитектура)” асарида Витрувий (Vitruvio) қўллари ёнига кўтарилган эркак киши гавдаси квадрат ва доира шакллариغا сиғишини исботлаган. Бу ихтиродан сўнг, кўп



тадқиқотларнинг уринишлари доира ва квадрат ҳамда одам гавдаси ўлчамлари орасидаги ўзаро нисбатларининг тузилишини акс эттиришдан иборат бўлган. Шулардан энг яхши намунаси Леонардо да Винчи томонидан яратилган “Витрувий Одами”дир. Микеланджело Буанароттининг “Давид” номли машхур асари одам гавдасини мукамал акс эттирувчи энг яхши асарлардан биридир.

Либос дизайнида моделнинг баландлиги калла баландлигининг 8 марта кўпайтирилганига тенг бўлади. Ундан ташқари, фигурани услублаштириш учун (стилизициялаш мақсадида) уни 8-9 та калла узунлигини сиғдирадиган даражагача тизимли узайтришимиз мумкин. Энг муҳими калла баландлигига нисбатан гавда баландилигини сақлашдир.<sup>37</sup>

Калла чўққисининг  
нуктаси (Бошнинг энг юкори нуктаси)

Ияк (даханинг) қуйи нуктаси

Кўкрак учидан ўтувчи нукта.

Бел ва тирсак даражасини  
белгиловчи нукта


Ковга нуктаси ва билак  
даражасига мос келувчи нукта

Соннинг ярмидан ўтувчи нукта

Тизза нуктаси


Болдир ярмида ўтувчи нукта

Оёқ панжасининг  
тагидан ўтувчи нукта



<sup>37</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 9 p.

(Нукта дегандан кўра чизиқ сўзини ишлатса ёки шу нукталардан ўтувчи чизқлар натижасидаги бўлиниш деб қабул қилиш керак)<sup>38</sup>.



Тўр ёрдамида одам гавдасини манекенга ўзгартириш акс эттирилган.


Ёрдамчи тўр (катаклар) орқали одам гавдасининг манекени акс эттирилган.<sup>39</sup>

<sup>38</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 10 p.

<sup>39</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 11 p.

## ЮЗ (ЧЕХРА)НИНГ ТУЗИЛИШИ

### КАЛЛАНИНГ ТЕПА ҚИСМИ




Одам юзи икки томондан – олд ва ён тарафдан намоён бўлади. Илтимос, одам юзининг овал шакли геометрик шакл контурларига мослашишига (яқинлашувига) эътибор қаратинг. Тўғри тўртбурчак шакли фронтал проекция учун, квадрат шакл эса ён проекция кўриниши учун қўлланган. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу қораламаларнинг шакли шунчаки одам қиёфасига яқинлашиш учун (тахминий ўхшаш) қўлланган, аммо уларни каллани акс эттираётганда фойдали маълумот сифатида эътиборга олиш керак.

Одам юзининг олд кўриниши баландлиги 13 см ва кенглиги 10 смли тўғритўртбурчак шаклида ифодаланган. Унинг баландлиги тўрт қисмга: биринчи қисм юқоридан 1 см катталиқда, учтаси қолган қисмни тенг бўлиниши натижасида ҳосил бўлган. Ва ниҳоят, тўртбурчак ўртасидан 5 см узоқликда яна бир чизик ўтказилган.<sup>40</sup> А-В калланинг соч ўсадиган қисми чегарасини белгиловчи чизик, В-С пешонани белгиловчи чизик, С-Е қош, кўз,

<sup>40</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 24 p.

кулоқлар сатҳларини белгиловчи чизиқ, Е-Г оғиз ва ияк сатҳларини белгиловчи чизиқ



Диаграммадаги айлананинг маркази С ва Н чизиклари кесишган нуқтасидан ўтади. Унинг диаметри тўртбурчак кенг-лигидек 10 смга тенг. С ва D чизиклари тенг 5 та бўлакка бўлинади. Бу D чизиғида жойлашадиган кўзларнинг шаклини шакл-лантиришга хизмат қилади. (Юқори ковоқларнинг пасткисидан бироз баландроқ бўлишини унутманг).

Буруннинг асоси Е чизиғида, 3 қисмда тугайди. Кулоқларни катталиги С-Е чизигининг ўлсамларига аниқ мос келиши керак.


Оғиз (лаблар)нинг катталигини аниқлаш учун кўзнинг рангдор пардасини ички чегарасини белгиловчи нуқтадан пастга чизиқ тушурилади. Сўнг Е-Г нинг ярмини олиб лабларнинг баландлигини белгиланг. Лабларнинг шакли ва катталиги талаба-нинг (тасвирловчи) истагидан келиб чиқиб ўзгартирилиши мумкин. Ён кўринишни ҳосил қилиш учун квадрат шаклидан фойдаланилади ҳамда уни тенг 4 та бўлакка бўлинади.

Сатҳларнинг баландлиги аввалги схемага мос тушиши ло-зимдир.<sup>41</sup>

<sup>41</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 25 p.



## КЎЗЛАР

Кўзлар юзнинг энг муҳим элементиدير: улар чехрага ҳаётлийлик (жонлилик) ва ифодалилик бағишлайди. Кўзлар ёрдамида одамнинг қиё боқиши ҳамда унинг кайфиятини (ҳолатини) ифодалаш, тасвирлаш, акс эттириш мумкин. Шунинг учун кўзнинг тузилишини аниқ билиш муҳимдир. Қисмларининг тузилишини (шаклини) яхшироқ тушуниш учун кўз анатомиясининг шарҳи. Кўзнинг мугуз пардаси сферик шаклда (сферасимон, думалок, куббасимон) бўлиб, қовоқ ва қошлар эса нигоҳнинг йўналишининг даражасини белгилаш учун асосий аҳамиятга эга. (Тасвирланаётган одамнинг қаерга қараётганининг, уфқ чизигининг баландлигин белгилашда негиз бўлиб хизмат қилади).



Юзга (чехрага) ўхшаб кўзлар ҳам уларга қаралаётган бурчакка нисбатан ўз шаклини ўзгартиради (Қайси бурчак остида қаралаётганига нисбатан кўзларнинг шакли ҳам худди юзникига ўхшаб ўзгаради). Олдидан (тўғрида) қаралганда кўзлар бодомсимон шаклини олса, ён кўринишда уларнинг шакли учбурчаксимондир. Ушбу икки шакл орқали (ёрдамида) қолган кўринишларни (кўзнинг бошқа нуқтаи назарлардан ўзгарадиган шакллари) ҳосил қилиш мумкин, лекин уларни шакли ҳамон калланинг ҳолатига боғлиқдир.<sup>42</sup>


<sup>42</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 26 p.



Калланинг ҳолатига қараб кўзларнинг ҳолати ва катталиги (ўлчамлари) ўзгаради. Бу ерда турли нукталардан қарагандаги кўзларнинг тасвири келтирилган.



Кўзларнинг эскиз чизиқлари ёрдамида тасвирланишига бир неча мисол.



Контурларидан бошлаб чизилган, кейин нигоҳни кучайтириш (таъкидлаш) учун контурлар йўқотилиб қўшимча бўялган кўзларнинг тасвири.







## БУРУН



Бурун юзнинг энг кўп туртиб чиққан қисми ҳамда шу сабабли одам билан одамнинг орасида шакли ҳам фарқ қилади (Бурун турли одамларда ҳар хил шаклга эга бўлган ҳамда юзнинг энг туртиб чиққан қисмидир). Шунинг учун бурун қандай қиёфа тасвир-

ланмоқчи бўлганига қараб, турлича шаклларда чизилиши мумкин. Буруннинг асоси бироз чўзилган трапеция шаклига эга, одатда унинг асоси ёндан қараганда, лабларнинг бошланиш даражаси билан тўғри келади (бир хилдир).


Олдидан қараганда бурун трапециясимон кўринишига эга, ён тарафдан эса у учбурчак шаклни олади.<sup>43</sup>



*Буруннинг олд ва ён кўринишлари*

<sup>43</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 30 p.

Эскиз (узук-узук) чизиклар ёрдамида буруннинг ясалишига (тасвирланишига, курилишига) турлича мисоллар<sup>44</sup>.







<sup>44</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 31 p.

## ОҒИЗ



Оғиз ҳам бошқа қисмлар каби турлича одамларда турлича кўри-нишга эга бўлади. Бунда устки лабнинг калтароқ ва қалинроқ остки лабдан ингичкароқ ва узунроқ бў-лиши ўзига хосдир (характерилидир, эътиборга лойиқдир)<sup>45</sup>



*Турли нуқталардан лабларнинг кўриниши  
Олд кўриниш 3/4*



*Ён кўриниш*

<sup>45</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 32 p.

Эскиз (узук-узук) чизиқлар ёрдамида оғиз (лаблар)нинг ясалишига (тасвирланишига, курилишига) бир неча мисоллар



## ҚУЛОҚЛАР

Одатда, кўзлар ва бурунга nisbatan қулоқларнинг шакли одамдан одамга қараб унчалик фарқланмайди. Илтимос, қулоқ солинчаги ва қулоқ пардаси шакли ва ўлчамларидаги фарққа эътиборингизни қаратинг.

Қулоқнинг катталиги бурунникидек, лекин улар каллага кисбатан қия жойлашган. Уларнинг шакли чиганоқни эслатади (чиганоқ шаклига ўхшайди).<sup>46</sup>




Қулоқлар шаклини чегаралаб ва асосий чизикларини акс эттириш бўйича бир неча мисоллар




Одам калласининг ҳолати тинимсиз ўзгариши мумкин ҳамда шу ҳолатга қараб унинг қисмлари (бўлаклари, аъзолари)нинг ҳолати ҳам ўзгариши мумкин. Бу ҳолатларни тасвирлашни

<sup>46</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 34 p.

Ўрганиб олиш муҳимдир. Шунинг учун турли нуқталардан одам калласини акс эттира олиш учун реал одамларни кузатиш самарали амалий ёрдам беради.




Аввалги машққа ўхшаш, лекин юзнинг барча деталлари ва сочлар билан тўлиқ акс эттирилган  
Худди шундай фақат турлича соч турмаклари билан



с

Турлича бош кийимлар билан акс эттирилган мисоллар (намуналар, эскизлар, машқлар)





Юзни акс эттиришнинг (юзни куришнинг) уч(та) кадамли кетма-кетлиги юзнинг асосий контурлари (шаклнинг чегаралари)ни белгилаш, калам билан барча деталларини тушириш (чизиш, акс эттириш), билинар-билинмас тарзда (нафис чегаралар билан) яқуний ранг бериш (билинар-билинмас ранг турлари билан яқуний бўяш).





## ҚЎЛ ПАНЖАЛАРИ

Қўл панжаларининг тузилиши жиҳатидан мураккаб тузилишига эга ва уларнинг бўғин бирикмаларини тўғри тасвирлашга эришиш тананинг бошқа қисмларидан қийинроқдир.

Қўлларни тасвирлашни ўр-



ганиш муҳим, чунки бу чизилган фигуранинг (одам гавдасининг) назокатли ва уйғун бўлишига эришишни таъминлайди. Қуйида кўрсатилганидек, қўл панжаси (нинг узунлиги) одатда юзнинг баландлигига мос (тенг, тўғри келади).

Асосий таркибий қисмларига қўл қафти, қафт усти ва фалангалар (бармоқлар) киради. Қўл қафти билак ва қафт устида, бармоқлар эса фалангалардан ташкил топган. Иккита фалангадан иборат бош бармоқдан ташқари барча бармоқлар учта фалангалидир. Ундан ташқари бош бармоқ энг калта ва каттасидир, ўртанча бармоқ эса энг узунидир. Солиштириш учун бош бармоқ энг калта ва энг қалин, ўртанча бармоқ эса энг узунни эканлигини эслатиб ўтамыз.



Тасвирлашни осонлаштириш учун қўлни қуришнинг учта кадамли (уч босқичли) кетма-кетлиги  
Турлинуқтаи назардан қа ралгандаги ва турли ҳолатлардаги қўлларни услублаштириб тасвирлаш






## ҚЎЛЛАР

Қўлларнинг ҳолати моделда муҳимдир. Қўлларни акс эттириш эскиздаги модель учун муҳимдир. Бу эскизга ҳаракат ҳиссини бахшида этади.

Қўл тўртта қисмдан ташкил топган: елка камари, елка (елка нутасидан тирсаккача), билак (тирсакдан билаккача) ва қўл панжаси. Бу қисмлар ўзаро ҳаракатчандир, бунини манекенни ўрганаётганимизда кўрган эдик (12-бетга қаранг, ундаги расмда турли бўғинлар доиралар билан акс эттирилган).

Қоидага кўра (одатда) елка бел чизиғи даражасигача, билак қовға даражасигача, қўл панжаси соннинг ярмигача бўлган даражадаги узунликда бўлади.

Кўйида қўлнинг олдидан ва орқадан кўриниши акс эттирилган.






*Турли ҳолатларни кўрсатиш  
учун қўлларнинг ҳаракати тасвирланган*

## ТАНА


Тана аёллар гавдасининг энг муҳим ва ҳиссий қисми ҳисобланади. Бюстни чизаётганда, уни кийим билан табиий ҳамда бесунақай бўлмаган ҳолда тасвирлаш энг асосий мақсаддир.

Биз танани икки бўлимда (икки тарзда, икки хил йўл билан) ўрганамиз: унинг бўлаклари ва бўгинлари ҳамда ҳаракатдаги вазиятлари (бажарадиган ҳаракатлари). Тананинг асосий қисмлари калланинг асоси остидан (бўйиндан) бошланади: ўмовлар, елкалар, бел қисми, киндик қисми, кўкрак қафаси ва кўкраклар, бўксалар ва қовға.

Аёллар танасининг (бюстининг) ёнидан, олдидан, орқадан кўриниши








## ОЁҚЛАР




Тасвирланаётган оёқларнинг (Оёқларни тасвирлашда (рўёбга чиқаришда)) ўлчами гавданинг юқори қисми ўлчамаларига пропорционал (нисбатан мос) бўлиши керак. Кейинчалик, аввал ўрганилган усул бўйича гавданинг барча ўлчамлари ўзаро мослиги таъминлангандан сўнг, оёқларни узайтириш усулини қўллаш мумкин (оёқларни узайтириб тасвирлаш мумкин ёки “узайтириш” мумкин).

Бу стилизациялаш (услублаштириш босқичи) жараёни бўлиб, у гавданинг башқа қисмларини пропорционаллигини (мутаносиблигини) сақлаган ҳолда оёқларни нисбатан узайтиришга имкон беради.



*Аёллар оёгининг ён, олд, орт кўриниши*



*Турли ракурс ва ҳолатларда  
акс эттирилган оёқлар кўрсатилган*

## ОЁҚ ПАНЖАСИ

Оёқ панжаси гавданинг жуда мураккаб (тузилишга эга) қисмидир. Унинг узунлиги калланинг баландлигига тенг (калланинг баландлигига баробар деб қабул қилинган модулга тенг).

Оёқ панжасининг асосий қисмларини тўпиқ ва товон суяклари, қафт ости суяклари ва бармоқ суяклари ташкил этади. Оёқ панжасининг тузилишида тўпиқ

суяқларининг (товоннинг юқорисидида жойлашган туртиқлик) аҳамияти катта. Оёқ панжасини турли ҳолатларда схематик тасвирлаш (тасаввур қилиш) учун ҳам (соғда) геометрик шаклларни қўллаш жоиз, биз учбурчакни қўллаймиз. (Оёқ панжасини тасвирлаш учун қўлланиладиган геометрик шакллардан энг қулайи, тўғри келадиган учбурчакдир).



Бармоқ



Турли бурчак остида ва ҳолатлардаги (ёруғ-соя бериб) итрихланган оёқ панжаларининг тасвири  
Турли пойабзаллардаги оёқларни тасвирлашга мисоллар



## ЭРКАКЛАР ГАВДАСИ

Одатда, эркаklar гавдасининг тузилиши аёлларникига қараганда каттароқ (йирикроқ) ва эгриликлари камроқ бўлади.

1 - Калланинг баландлиги – биринчи модуль

2 - Даҳаннинг қуйи учидан кўкрак учлари/қўлтиққача

3 – Кўкрак учларида белгача ёки тирсакгача

4 – Бел чизиғидан чанок чизиғигача


5 – Чанокдан соннинг ярмигача

6 – Соннинг ўртасидан тиззага



7 – Тизза остидан болдир ярмигача


8 – Болдир ярмидан оёқ панжаси асосигача

Аёлларникига қараганда эркаklar гавдасида елкалар кенг-роқ ва бўкса кенлигига тенг эмас. Уларнинг бели қалинроқ, лекин кўкрак, бел ва бўкса кенлиги орасидаги фарқ сезиларли эмас. Оёқлари аёлларникига нисбатан унчалик узунмас (калттароқ) ва мушакларнинг ривожлангани сабабли қалинроқ (йўгонроқ, бакуватроқ).<sup>47</sup>




<sup>47</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 120 p.






Йўналишни белгилловчи чизиқ ва ўқлар орқали ҳаракатдаги яланғоч гавда ва унинг пропорциялари акс эттирилган






*Либоссиз (ялангоч) эркеклар гавдасини турли ҳолатларда тасвирлашга мисоллар*


Нисбатан услублаштирилган, лекин мушакларни мувофиқлаштириб акс эттирилган эскиз





*Мушакларни акс эттирувчи бошқа ҳолатлар*

Юзнинг турли бурчаклар остидаги кўриниши олдидан ва ёнидан кўриниш. Эркаклар юзида аёлларникига қараганда тўлароқ (дўмбоқроқ, йирикроқ) лаблар ҳамда қатъийроқ шаклдаги бурунли бўлади. Аслида аёллар ва эркаклар чехраларининг тузилишидаги фарқлар унчалик катта эмасдир.



Иккита кўзнинг орасидаги масофа битта кўзнинг кенглигига тенг бўлиши керак.



Кўзнинг акс эттирилиши олдидан ва ёнидан кўриниш,  $\frac{3}{4}$  бурилишдаги кўриниш

Эркаклар профилини тузиш



Кўз ва унинг анатомик тузилиш




Кўзнинг ёндаги ясси мушаги  
Киприкларни




Кўзнинг пастки мушаклари

Буруннинг тузилиши (шакли) олдидан ва ёнидан кўриниш,  $\frac{3}{4}$  бурилишдаги кўриниш. Эркакларнинг бурни аёлларникига қараганда нисбатан туртиброқ чиққан (йирикроқ) бўлади, лекин барчани бир хил (умумлаштириб) деб бўлмайди, чунки баъзан нафис бурунли чехралар, баъзан аёлларда ҳам йирик бурунлилар учрайди.




Эскиз чизиклар ёрдамида буруннинг ясалиши (тасвирланиши, қурилиши).



Аёллар ва эркаклар лаблари орасидаги асосий фарқи — бу уларнинг шаклидадир. Эркаклар лабиниңг шакли тўртбурчаксимон бўлиб, аёлларникига нисбатан қирралироқдир.

*Эркаклар қулогиниңг ён, олд ва орқа тарафдан кўриниши*




*Турли нуқталардан акс эттирилган эркеклар калласининг тасвирлари*

Юзни акс эттиришнинг учта босқичи: юзнинг асосий контурларини белгилаш, қалам билан барча деталарини тушуриш (чизиш, акс эттириш), билинар-билинимас тарзда (нафис чегаралар билан) яқуний ранг бериш.










Кўл кафтининг уст томондан қарагандаги чизилиши  
Бармоқлар очилган ҳолатдаги кафтининг ичкари томондан акс эттириллиши



Ёрузлик ва сояни қўллаб қўл кафтининг турли ҳолатларда акс эттирилши  
Ёрузлик ва соя ёрдамида эркаклар елкаси билан қўлини ён, олд ва орқа тарафдан кўринишини акс  
эттириши



Эркалар танасининг күйи қисмини турли ҳолатларда ёруғ ва соя ёрдамида тасвирлаш  
Оёқ қафтининг юқоридан (устидан) кўриниши Оёқ қафти скелети ва унинг олдидан кўриниши



Оёқ қафти скелети ва унинг ёнидан кўриниши

. Оёқ кафтнинг турли  
холатларини тасвирлаш



Оёқ панжаси ва пойабзал тасвирлари



Эркаклар пойабзалининг турли  
куринишлари





Мазкур саҳифаларда материалларни тасвирлашда қўлланиладиган турли асбоб, восита ва техникаларни ўрганишни бошлаймиз.

Уларни акс эттиришда фақат қаламдан фойдаланилган. “Н” қалами қоралама ва чизгиларнинг асоси учун “2В” ва “4В” қаламлари (гавда ва либос) шаклини чизиш учун, “6В” қалами ҳажми ҳосил қилиш учун қўлланган.













## БОЛАЛАР

Болалар гавдасининг пропорциялари катталарникидан фарқ қилади ҳамда боланининг ёшига қараб ҳам ўзгаради. Ҳатто болалар гавдаси тасвирини қуриш учун аввал 4 та модуль керак бўлса, борган сари (бола вояга етган сари) модуллер 8 тага етади.


Ҳаётининг биринчи йилларида ўғил болалар ва қиз болалар танаси унчалик катта фарқланмайди. Улар орасидаги фарқ вояга етиш даврида сезилади, қизларнинг гавдаси ўғилларникига нисбатан нозиклашади.<sup>48</sup>



0 - 2




3 - 4




5 - 6

<sup>48</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 172 p.


Ёшига қараб болаларнинг бўйи ҳам ўзгаради. Юқорида айтилганидек, гўдакларда тана узунлиги 4 тага бўлинса, кейинчалик ҳар сафар маълум бир даврда уларнинг бўйи узаяди ва гавда узунлигининг бўлинишлари сони қўпаяди. Шунга қарамасдан, катталарининг кичрайтирилган гавдасига ўхшайди<sup>49</sup>.



7 - 9





10 - 12





13 - 16

<sup>49</sup>«Il Figurino Di Moda», Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 174-p.

Бола калласинининг ўлчамлари турлича бўлиб, шакли квадрат шаклига тўлиқ мос келади. Калланинг олдидан кўриниши ён кўринишига нисбатан кичикроқ эканлигини кўришингиз мумкин. Бола юзидаги деталлар – кенг пешона, сийрак сочлар, думалоқ ва катта-катта кўзлар, кичкина бурунча ва катта кулоқлар кабилар яққол кўриниб туради.



7 яшар боланинг калла суягининг шакли 2 ёшликидан фарқ қилади: пешонанинг дўнглиги камроқ, сочлари қалинроқ (кўпроқ), кўзлар, бурун ва оғизнинг ўлчамлари катталарникига ўхшаган.







*Болалар бошини турли ҳолатларининг ҳар хил бурчак остида кўриниши*

Йўналишни белгиловчи ёрдамчи чизиклар ва ўқлар орқали ҳаракатдаги либоссиз 1-3 яшар боланинг гавдасини қуриш кетма-кетлиги ҳамда кейинги саҳифада шу гавдага кийинтирилган либос ранг бериб тасвирланган.





















## 4.2. Либосдағи силуэт

Инсоният тараққиёти билан, кийимнинг ташқи кўриниши турли ўзгаришларга дуч келиб ўзгариб борган. Кийим баъзан гавдани буткул беркитиб юмшоқ тахламалар билан қоплаб турган, баъзан гавданинг барча хусусиятларини кўрсатиб унга ёпишиб турган. Баъзан эса кийим одам танасининг баъзи қисмларини катталаштириб ёки кичрайтириб, узайтириб ёки қисқартириб кўрсатган.

Кийим ташқи кўриниши **шакл** ва **силуэт** билан характерланади. Кийим шакли юмшоқ (думалоқланган) ёки қаттиқ (қиррали) бўлиши мумкин. У катта ёки кичик ҳажмли бўлади. Шаклнинг ҳажми кийимнинг одам танасига қай даражада ёпишганлигига боғлиқ. Катта ҳажмли кийимлар тананинг жуда кам қисмлари билан уринади. Кичик ҳажмдаги кийимлар аксинча, танага ёпишиб туради.


Замонавий кийим шаклларининг аксарияти одам танасининг табиий пропорцияларига мос келади. Кийим шаклининг ўзи ҳам қисмларга бўлинади, бу кийимнинг гавда қисми енг ва ёқа қисмлари. Кийимнинг гавда қисми яна бўлақларга (лиф ва юбка; лиф ва шимга яъни кўкрак қисми ва этак қисмига) бўлиниши мумкин.

Кийим шаклини чегараловчи чизиқлар **силуэт чизиқлари** деб аталади. Бу буюмнинг елка, кўкрак, бел, этак, ён чизиқларидир. Силуэт чизиқлари кийимнинг силуэтини ҳосил қилади. Кийим ҳажмдор шаклининг текисликдаги тасвири ҳам силуэт деб аталади.


Кийим силуэтлари гавдага ёпишиб туриш даражасига кўра бемалол турадиган (ёки кенг турадиган), сал ёпишиб турадиган, жуда ёпишиб турадиган бўлиши мумкин. Бунда кийимнинг кўкрак, бел, бўкса қисмларида ёпишиб туриши ёки бемалол туриши даражасига айтилади.

Бел чизигининг ҳолатига кўра бел чизиги табиий жойида, бел чизиги табиий чизиқдан юқорида, бел чизиги табиий чизигидан пастга туширилган силуэтлар бўлиши мумкин.





*71-рasm. Этак чизигининг ҳолати буйича юбкалардаги силуетлар*



72-расм. Шим почаси узунлигига биноан шим силуетлари ва номланиши

Кийим силуети ёки узунлиги этак чизиғининг ҳолатига кўра тиззадан юқорида турадиган калта (“мини”); кийим узунлиги тиззагача; этак чизиғи болдирлар ярмигача турадиган (“миди”) ва этак чизиғи тўпикқача етадиган (“макси”) узунликда бўлиши мумкин.

**Шакл ва силует.** Кийимнинг шакли – бу мазкур кийимнинг одам гавдасидаги ҳажмий идрок этилиши. Кийимнинг шаклини шартли равишда геометрик жисмлар билан боғлаш мумкин.

Геометрик шаклнинг кўриниши эса ҳажмдорлик, шакл ва сиртнинг контурлари билан аниқланади. Шулардан келиб чиқиб гавдага ёпишиб туриш даражасига қараб кийимнинг уч хил шакли фарқланади ёпишиб турувчи, ним ёпишим турувчи ва бемалол турувчи (кенг).

**Силует – бу шаклнинг текисликдаги тасвири.**

Шакл ва силуэт ўзаро боғлиқ. Силуэт кийим шаклининг ҳажм-дорлиги ҳақида аниқ таассурот беради. Либосда куйидаги силуэтларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

**Тўғри силуэт** – геометрик шакли бўйича тўғри тўртбурчак ёки квадратга яқинлашган бўлиб, кундаланг ва бўйлама ўлчамларнинг ўзаро нисбатига боғлиқдир. Тўғри силуэтли кийим деярли барча турдаги гавдаларга мос келади, чунки у одам фигурасидаги баъзи камчиликларни таъкидламаслик имконини беради. Бундай либосда бел соҳасига ортиқча урғу берилмайди ҳамда горизонтал ўлчамлари гавданинг барча сатҳларида (яъни елка, кўкрак, бел, бўкса, этак чизиқлари соҳаларида) тахминан бир хил бўлади. Тўғри силуэтдаги либос қатъий (кескин, қиррали, дағал) ёки думалоқлашган (юмшоқ, майин, қатъий бурчакларсиз) бўлиши мумкин. Бу эса либос тайёрланган материалларнинг пластик хусусиятидан келиб чиқади.

**Трапециясимон силуэт** – трапециясимон силуэт этаги кенгайган-клёшланган кийим учун характерлидир. Геометрик шакл кўринишига биноан бу силуэт юқоридаги асоси елка чизиғига, куйи асоси этак чизиғига тўғри келувчи трапецияга мос келади. Трапециянинг шу икки асослари ўлчамлари орасидаги фарқ қанчалик катталашса, кийимнинг клёшланиш даражаси ҳам шунчалик катта бўлади, яъни кийимнинг этаги тобора клёшланган бўлади. Шунингдек, бу силуэтли шаклда ҳам бел чизиғи таъкидланмайди. Этаги унчалик кенгаймаган трапециясимон силуэтли кийимлар одам қоматини хушбичим кўрсатгани учун, бундай кийим тўлароқ ва бўйи унчалик баланд бўлмаган одамларга тавсия қилинади. Трапециясимон силуэтнинг яна бошқача шаклини “А-силуэт” деб ҳам аташади.

**Бироз ёпишиб (ним ёпишиб) турувчи силуэт** – инсон гавдасининг табиий пропорцияларига яқинлашувчи меъёридаги пропорциялар билан характерланади. Ним ёпишиб турувчи силуэтга эга бўлган либослар тана шаклини такрорлаб туради, лекин уни ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатмайди. Бундай либослар етарлича ҳажмга эгадир, улардаги бел чизиғи гавданинг табиий даражасида жойлашган ва аниқ белгилангандир. Ним ёпишиб турувчи силуэтли либосларнинг композициясида контраст камдан-кам қўланилади, бундаги қисмлар орасидаги муносабатлар кўпроқ нюанс асослангандир. Ним ёпишиб турувчи силуэтлар асосан устки кийимлар учун характерлидир.



ТУҒРИ СИЛУЭТИ



ЁПИШИБ  
ТУРУВЧИ



ОВАЛ  
ЁПИШИБ  
ТУРУВЧИ



ТРАПЕЗИЯСИМОН СИЛУЭТ

**Ёпишиб турувчи силуэт** – одам гавдасининг барча фазилатлари ва камчиликларини бўртириб кўрсатади. “Ёпишиб турувчи силуэт” тушунчасига икки хил шаклни киртиш мумкин. Улардан бирини “Х-силуэт” (икссимон силуэт), иккинчисини “қумсоат силуэти” деб аташ қабул қилинган. Бу иккала шакл ҳам умумий жиҳатларга эга. Ҳар иккаласида ҳам ингичка-хипча белга урғу берилади ҳамда лиф қисми ўта ёпишган бўлади. Лекин геометрик кўринишига кўра бу силуэтлар фарқланади.

“Х-силуэти” бел чизиғи даражасида ўзининг кичик асоси билан ўзаро туташган иккита трапецияни эслатади. Бундай кийимда кенгайтирилган елка ҳамда этак чизиклари ва торайтирилган бел чизиғи орасида контраст сезилади.

“Қумсоат” силуэтига эга бўлган либослар ихчам лиф ва этаги торайтирилган юбкага эгадир. Бу ерда гавдага ёпишиб турувчи лиф ва кичик ҳажмли юбка бел чизиғи билан ажратилиб туради.

**Овалсимон силуэт** ўзининг моҳиятига кўра тўғри силуэтнинг бошқача кўринишидир, аммо тўғри силуэтдан фарқлироқ елка чизиғининг думалоқлашагани ва этакка қараб кийимнинг бироз торайиши билан характерланади. Бунинг натижасида овалсимон силуэтли кийимларнинг энг кенг қисми бу бел ва бўксалар соҳаси.

Елка соҳасини думалоқлаштириш турлича усуллар эвазига эришилади. Масалан, буюмнинг конструкцияси ҳисобига (реглан ёки яримреглан бичим), маълум шаклдаги деталларни қўллаш ҳисобига (баланд ва йирик ёқа ёки кенг тик ёқа), бундай шаклдаги кийимларда елкатагликларнинг шакли ҳам думалоқлашган бўлади. Бу силуэтлар чегарасида уларнинг турлича модификациялари турланишлари мавжуд.

Масалан, кийим торайиши ва узайиши ҳамда унинг силуэти нисбатан динамик фаол шаклга эга бўлиши мумкин. Ёки аксинча, буюм узунлигининг қисқариши ва унинг горизонтал пропорцияларининг кенгайиши ҳисобига либос силуэти турғунлик, барқарорлик ва статиклик хоссаларига эга бўлади.

Базавий силуэт шакллари асосидаги моделларнинг вариациялари жорий моданинг эстетик ва услубий талабларидан келиб чиқиб ўзгаради.

Маълум вақтлар оралиғидан кейин силуэт чизиқлари модада қайтиб келиб такрорланиши мумкин.

Мода ўзгариши билан либоснинг силуэти ҳам ўзгаради.



*73-расм. 20-аср модасидаги либосларнинг баъзи силуэтлари*

XX аср ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий соҳалардаги модага муқаррар ўз таъсирини кўрсатган туб ўзгаришларга бой давр бўлган. Бу даврнинг ҳар бир ўн йиллигида аёллар мавқеининг, ўрнининг ўзгариши рўй берганки, барчаси либос ва унинг услубида ўз аксини топган: “олтин йигирманчилар”даги вақтичоқликлар, 50-йиллардаги “идеал рафиқа”нинг тимсоли, 60-йиллардаги “ёшликка сиғиниш” ва мини-мода – буларнинг барчаси ўзига хос силуэтли либосларни шакллантирган.

Силуэт кийим ҳақидаги биринчи таассуротни қолдириб, коллекциянинг умумий моҳияти, руҳи, кайфиятини белгилаб беради. Шунинг учун силуэт ҳар бир кийимнинг тайёрланиши учун дастур-қўлланма бўлиб, бошқалар қаторида ҳажмлар, пропорциялар ва материалларнинг қандай бўлишини белгилаб беради. Масалан, геометрик шаклли силуэт қаттиқ матони талаб қилса, майин ва эркин силуэтлар оқувчан, пластик материалларни талаб қилади.


Бошқача қилиб айтганда, **либоснинг силуэти** кийимнинг ташқи кўриниши ва шаклини характерлайди. Кийим ҳажмдор шаклининг текисликдаги тасвири ҳам силуэт деб аталади.

Кийимнинг силуэти унинг бичими, одам танасига ёпишиб туриш даражаси, ҳажмдор деталларнинг жойлашуви ва уларнинг катта-кичиклиги, елка, бел ва этак чизиқларининг ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Коллекциядаги уйғунлик, услуб ва тузумлиликни сақлаб қолиш учун умумий чизиқлар, деталларнинг шакли ва силуэтларнинг такрорланишига риоя қилиш муҳимдир<sup>50</sup>.


Силуэт чизиқларини кийим қоматда қандай ўтирганига қараб аниқлаш мумкин. Силуэт чизиқлари материалларнинг пластикаси ва тектоникасига ҳам боғлиқдир. Ундан ташқари, силуэтнинг қандай бўлишини либоснинг бичими ҳам белгилаб беради.

Силуэт контурли ёки доғли кўринишда тасвирланиши мумкин.



*74-расм. Либоснинг бичимига мос равишда силуэт чизиқлари этак чизиғининг шакли ва этак кенглигининг ўзгариши*

<sup>50</sup> Macarena San Martin. Field guide: how to be a Fashion Designer. First published in 2009 in the United States of America by Rockport Publishers, a member of Ouayside Publishing Group 100 Cummings Center Suite 406-L. Printed in Singapore. 59 p.



A

Б

75-расм. Силуэтни чизиқлар орқали акс эттириши. Контурли силуэт.  
 А) Рене Грюонинг “International Textiles” журналининг 1955 йил апрель сони учун ишлаган иллюстрацияси, Б) Бобби Гилсоннинг 1965 йилда Париждаги “The Observer” журнали учун ишлаган эскизи



A



Б

76-расм. Силуэтни доғ орқали акс эттириши.

А) 20-аср 20-йилларидаги рекламадан намуна. Бу ерда қоғоз оқлиги ва уни майдонининг бўялиши силуэтни акс эттирган, Б) Юниччи Накахара, “Қора кийган эркак” номли эскизи. 1950-60 йилларда чоп этилган Япониядаги журналдан



А



Б

77-рasm. Либосни ва унинг силуэтини турлича усуллар билан акс эттириши.  
А) Клэр Смолли, Джон Гальянонинг коллекцияси учун ишланган эскизи, 1987  
Б) Тай Уилсон, мато ишлаб чиқарувчи фабрика учун ишланган эскиз, 1988



### 4.3. Либосдаги силуэт, конструктив, конструктив-декоратив чизиқлар, декоратив чизиқлар

Кийимдаги чизиқлар, аниқроғи либос (кийим) композициясини ташкил этувчи чизиқлари муҳим ҳусусиятга эга. Улар бизнинг назаримиз, нигоҳимизни фазовий шакл сирти бўйлаб етаклайди, у ёки бу таассуротлар, ҳиссиётлар, эмоцияларни бахш этади. Мисол учун, горизонтал – кўндаланг чизиқлар хотиржамлик ҳиссини, вертикал-бўйлама чизиқлар – юқорига интилиш, синиқ чизиқлар – беқарорлик, ўзгарувчанлик, ағдарилиш каби эмоцияларни вужудга келтиради. Турли эмоцияларни етказиш, таъсирчанлик ва ифодалилиқка либосда турли чизиқлар ёрдамида эришилади.

Либос (костюм) шаклини турли чизиқлар орқали акс эттириш мумкин. Ёки бошқачароқ қилиб айтганда, либос шаклини турли чизиқлар шакллантиради ва яратади.

Либос композициясидаги чизиқларнинг синфланиши ва таснифи. Либос композицияси тўғри, эгри, синиқ чизиқлар ёрдамида тузилади. Кийим (либос)да чизиқларнинг 4 та асосий гуруҳи ажратилади: 1) силуэт чизиқлари (контур чизиқлари); 2) конструктив; 3) конструктив-декоратив; 4) декоратив чизиқлар.

1) **Силуэт чизиқлари.** Кийим шаклини чегараловчи чизиқлар **силуэт чизиқлари** деб аталади. Бу буюмнинг елка, кўкрак, бел, этак, ён чизиқларидир. Силуэт чизиқлари кийимнинг силуэтини ҳосил қилади. Кийим ҳажмдор шаклининг текисликдаги тасвири ҳам силуэт деб аталади. Асосий силуэт чизиқлари кийимнинг елка, бел, бўкса, кўкрак, этак чизиқларида таъкидланади. Бу чизиқлар горизонтал (кўндаланг) силуэт чизиқлари бўлиб, улар ёрдамида гавданинг (фигуранинг) тўлалигини ўзгартириш, вариациялаш мумкин. Вертикал (бўйлама) силуэт чизиқлари – либоснинг узунлигини белгиловчи чизиқлар бўлиб, улар ёрдамида гавданинг бўйини, уни визуал баландроқ ёки пастроқ қилиб кўрсатиб, тузатиш мумкин. Силуэтни акс эттирувчи ушбу чизиқлар доимий бўлмайди. Уларнинг шакли гавда тузилиши, замонавий мода ва моделнинг фасонига қараб ўзгаради.

2) **Конструктив чизиқлар.** Кийим сирти **конструктив чизиқлар** ёрдамида алоҳида қисмларга бўлинади. Кийим сирти қуйидаги асосий деталларга бўлинади: олд ва орт бўлақлар; енг; ёқа; юбка олд бўлаги; юбка орт бўлаги; шим олд бўлаги ва шим орт бўлаги. Бу деталлар, одам танасининг тузилишига ва ҳаракат вақтида

Ўлчовлари ва шаклининг ўзгаришига кўпроқ даражада мос келгани учун, нисбатан доимийдир. Одам гавдаси симметрик бўлгани учун кийим ҳам 2 та - чап ва ўнг симметрик қисмлардан иборат бўлади. Кийим асосий деталлари ўзаро чоклар ёрдамида бириктирилади. Шунинг учун кўп ҳолларда кийимлардаги конструктив чизиқлар кийим чоклари билан устма-уст тушади. Конструктив чизиқларнинг кийим сиртида жойлашуви асосий деталларнинг шаклига ва кийим бичилишига таъсир қилади.

3) **Конструктив-декоратив чизиқлар.** Баъзи конструктив чизиқлар декоратив чизиқлар ролини ҳам бажариши мумкин. Мисол учун, ёқа, чўнтак, клапанларнинг контурлари – четки чизиқларининг шакли, турли шаклдаги рельеф чоклари, кокетканинг чизиқлари ҳам декоратив, ҳам конструктив чизиқлардир. Кийим нафақат амалий талабларга, балки эстетик талабларга ҳам жавоб бериши лозим. Шунинг учун унинг композициясини фақат конструктив чизилар орқали эмас, конструктив-декоратив чизиқлар орқали ҳам тузилади. Бу каби чизиқлар иккита вазифани бажаради. Уларнинг конструктивлиги либос шакли ичидаги конструктив тузилишни тўлдириб, мос келувчи витачкаларни ўрнини қисман босишидан иборат. Декоратив вазифаси эса бу чизиқларнинг шакли бойитишда, фасон бадий ечимини ҳосил қилишда иштирокидан иборат. Конструктив-декоратив чизиқлар (ёки чоклар) либосда тахламачалар, бейка, кант ёки безак баҳя қаторлар билан безатилган бўлиши мумкин.

4) **Декоратив чизиқлар.** Бу чизиқлар алоҳида декоратив деталларнинг (баҳя қаторлар, белбоғлар, безаклар) ўзаро пропорционал нисбатларнинг мутаносиблиги ва мувофиқлигига эришиш, ҳамда уларнинг ритмик, қонуний жойлашуви ва алмашилиб келиши имконини беради. Декоратив чизиқлар фасон бадий ечимини ишлаб чиқишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Буларга безак элементлари бейка, кашта, мережка – тўрдўз, тўрнинг жимжималари, “тирноқ” чоклар ҳосил қилган чизиқларни киритиш мумкин. Ёқа, адип қайтарма – лацкан, манжет, чўнтак, хлястик, белбоғ каби деталларнинг контур чизиқларини ҳам декоратив чизиқ деб ҳисобласа бўлади. Аксарият композицион ечимлар либос шаклини бойитиш принципи бўйича бажарилади. Бунда шаклнинг асосий чизиқлари, чоклар ва витачкалар билан уйғунликда қўлланилишига, безак чизиқлар билан уларни бузмасликка эътибор берилади. Буюмнинг характери, услуби, кийим багишлайдиган кайфият ва образлар асосан унинг беаги орқали акс эттирилади.

Либосдаги деталлар, безаклар уларнинг турлари ва шакллари.<sup>51</sup> Қуйида кийимдаги ёқа ўйиндиси (ўмизи), ёқа, енг каби турли деталларга аҳамият берилади. Ёқа ва енгларнинг турли маданиятлардан кириб келган ва адаптация бўлган модел, шакл ва кўринишларининг беҳисоб сони мавжуддир. Турли манжет, тақилмаларнинг кўринишлари техник эскизларда мисол қилиб келтирилган.



Думалок (шаклдаги) ёқа ўмизи



V-симон (шаклдаги) ёқа ўмизи



Елкалардан ўтувчи ёқа ўмизи



Томчили ёқа ўмизи

<sup>51</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008.252 p.



Планкали ёқа ўмизи



Ўзаро устма-уст ўтувчи ёқа ўмизи



W-симон ёқа ўмизи



Тўртбурчаксимон ёқа ўмизи



Болаларникига ўхшаш ёқа



Думалоқ ёқа



Тахламаларга йиғилган думалоқ ёқа



Рубашкаларнинг тугмачали ёқаси

78-расм<sup>52</sup>

<sup>52</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008.253 p.



Корейсча ёқа



Баланд тик ёқа



Учи учли яхлит бичилган ёқа



Шаль ёқа



Устма-уст кесишувчи жун матодан ёқа



Денгизча ёқа



Бурмали ёқа (рюшли)



Асимметрик катта ёқа

<sup>53</sup>«Il Figurino Di Moda», Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 254 p.



Ўтказма энг



Реглан энг



Тепа қисми майда  
тахламачали одатий энг



Тепа қисми тахламачали  
воронкасимон энг



Кимоносимон энг



Кўпчик шаклдаги (ҳажмдаги) энг

80-расм<sup>54</sup>

<sup>54</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008.255 p.



Учи кенг енг



Учи қўшқават бурмали енг



Манжетли енг



Кенг манжетли енг



Ўралган енг (узун ва кенг бўлгани учун)



Тугмачали (½ узунликдаги) калта енг

81-расм<sup>55</sup>

<sup>55</sup>«Il Figurino Di Moda», Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 256 p.



Калта кимоно енг



Каллакли енг



Учи кенгайган енг



Кўнғироксимон кенгайган воланли енг



Қиркимли енг



Бурмаларга йиғилган (гофреланган) калта реглан енг


82-расм<sup>56</sup>

<sup>56</sup>«Il Figurino Di Moda», Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 257 p.







Трубасимон тўғри юбка



6 та бўлакли А-силуэтли юбка



Этаги клёш (кенгайган)  
А-силуэтли юбка



Тахламали юбка

83-расм<sup>57</sup>

<sup>57</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 258 p.



Тахламали юбка



Фламенко услубидаги юбка  
(чокида воланли этаги кенгайган юбка)



3 қисмдан иборат этаги кенгайган юбка



Ен чокларида тахламалари  
бор трубасимон (тор) юбка



Усти қалта ва ўртасида  
тахламаси бор икки қаватли  
тор юбка




Конвертсимон (“запах”ли)  
мини юбка



Конвертсимон  
(устма-уст ураладиган  
маъносида) юбка

84-расм




Классик шим



Почаси тўғри шим



Бели баланд кўтарилган шим



Велоспортчиларнингшими



Капри шим

85-расм<sup>58</sup>

<sup>58</sup>«Il Figurino Di Moda», Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 259-260 p.



А – Почаси кенг ёки клёш шим – джаз шим

Б – Леггинслар, лосиналар – почаси оёкка ўта ёпишиб турувчи шимлар

В – Почаси узангили шим



Шортилар – энг калта шим

Бермуда - тиззагача  
узунликдаги шим

86-расм<sup>59</sup>

<sup>59</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 261 p.




Галифе шим




Юбка-шим



Сафари шим



Тахламали юбка (килт)




Джинси шорти

Сув ўтказмайдиган (аниқроғи ёмғирда кийиладиган) куртчаларнинг турли кўринишлари






*Велкро ёпишқоқ тасмаси ёрдамида тақиладиган манжетларнинг турли  
куринишлари*




*90-расм*






Джинсидаги баҳя чок берилган  
чўнтаклар




Спорт услубидаги ҳамда элгант  
куринишдаги чўнтак турлар



Қопқоқли (клапанли) чўнтаклар


Турли усуллар билан тўқа ва илгаклар ёрдамида маҳкамланадиган  
богичлар, камарлар



93-расм<sup>60</sup>

<sup>60</sup>«Il Figurino Di Moda», Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008. 262-269 p.

Классик кўринишдаги тугмалар думалок, квадрат ёки овал шаклида ясси (ялпок) ва қаварик (дўнг) бўлиши мумкин. Синтетик материалларнинг кашф этилиши тугмачаларни ишлаб чиқариш кўламини кенгайтди. Қуйида бир неча мисоллар келтирилган.



94-расм

Эркаларнинг спорт  
услубидаги кўйлаг



Устидан бостирилган  
бахя қатор





Тугмачали  
марказда  
жойлашган  
тақилма



Эркаларнинг  
элегант  
кўйлаг Илматуғма (запонка)

Трикотаж буюмлар



Трикотаж тилимлар  
фантазия килиб тикилган





95-расм

Спорт услубидаги пиджак  
Бир қатор иккита тугмачали




96-расм



Ён деталь

97-расм



98-расм<sup>61</sup>

<sup>61</sup>“Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2008.270 –274 p.



## **Назорат учун саволлар ва топшириқлар**


1. Кийим деб нимага айтилади?
2. Замонавий модадаги асосий йирик услублардаги либослар қандай белгилари бўйича фарқланади?
3. Либосларни фарқловчи асосий белгилардан бири нима?
4. Силуэт атамасига таъриф беринг.
5. Кийимдаги асосий силуэтлар қандай?
6. Кийимнинг силуэти нималарга боғлиқ?
7. Кийимнинг силуэтини қандай усуллар билан тасвирлаш мумкин?
8. Ҳар бир силуэтга қисқача таъриф беринг.
9. Либосдаги силуэт чизиқлари либосдаги образнинг услубий ечимига қандай таъсир кўрсатади?
10. Либос композициясини тузишда иштирок этувчи силуэт чизиқларнинг характери нималарга боғлиқ?
11. Замонавий либосларда турли силуэтларнинг турли услубларни акс эттириши ҳақида нималарни биласиз?
12. Модалар журналидан фойдаланиб турли силуэтлардаги либосларни силуэти, конструктив-декоратив чизиқларини таҳлил этинг.
13. Типик одам гавдаси пропорциялари билан фэшн-модель пропорциялари фарқ қиладими?
14. Одам гавдасини шартли нечта нисбатга бўлинади?
15. Стилизация нима?
16. Либосдаги декоратив чизиқлар либосдаги образнинг услубий ечимига таъсир кўрсатадими?
17. Либос композициясини тузишда иштирок этувчи декоратив чизиқларнинг меъёрда бўлиши муҳими?

#### 4.4. Либос композициясида пропорциялар ва масштаб

Рассом-модельер янги либос намунасини яратар экан одам қоматининг пропорциясини доимо ёдда тутиши лозим. Шунингдек, костюм шаклини ҳосил қилиш жараёнида силуэтнинг ички чизиқлари (конструктив, безак чизиқларини) ва шаклнинг ички бўлинишлари ҳамда элементларини жойлаштириб олиши керак<sup>62</sup>.

Либос композициясини қўришнинг асоси айнан пропорциялар бўлгани учун ўлчам нисбатларини биринчи ўринга қўйиш керак.

Кийим деталлари алоҳида-алоҳида яхши бўлиши мумкин, уларни бир бутун пропорционал тизимга бирлаштирилмаса, ҳажмий-фазовий структуранинг уйғунлигига эришиш мушкулдир.



99-расм. Либосдаги пропорциялар

Кийим шакли монолит - яхлит бўлмайди. Унинг шакли, бўлақларининг қўриниши ва тузилиши, ранги, фактураси ва декори одам одам гавдаси тузилиши ва гавда пропорцияларига, ёши ва жинсига; кийимнинг вазифаси, у яратиладиган ашёси ҳамда материал характерига; конструкцияси ва тикиш технологиясининг ўзига хослигига; кийимнинг силуэтига боғлиқдир.

<sup>62</sup>Ҳасанбоева Г.К., Кримова О.И. Кийим моделини ишлаш ва конструкциясини тайёрлаш. -Т.: Ўқитувчи, 1990.

Пропорциялар бу кийим алоҳида қисмлардаги мос ўлчамларнинг бир-бирига ҳамда одам гавдасидаги мос ўлчамларга бўлган нисбатидир.

Костюм композициясида ҳам икки хил асосий нисбат бўлиб, уларни оддий нисбатлар ва иррационал нисбат деб аталади (1-бобга қarang).

Либосда бундай пропорциялар кўп учрайди. Масалан 3/4 узунликдаги (яъни қўл узунлигининг 4 дан 3 қисми даражаси узунлигидаги) ёки 7/8 узунликдаги енглар.



*100-расм. Турлича пропорциялардаги замонавий либос.  
Бел чизиги бир хил даражада*

Костюмда шаклнинг ҳамма хусусиятлари пропорцияланиши мумкин. Яъни фақат шакл ўлчамлари эмас, балки ифодали фактурали юзанинг, декоратив элементларнинг пропорциялари ҳам топилади.

Қандай пропорционал нисбатларни танлаш кийимга қўйиладиган функционал талабларга боғлиқ. Шунинг учун ҳамма ҳолларда бир хилда яхши бўлаверадиган қандайдир пропорция бўлиши мумкин эмас.



*101-расм. Турлича пропорциялардаги гавда тузилишлари*

Пропорция танлаш киши гавдасининг хусусиятларига ҳам - унинг бўйи, тўлалиги, қомат расолиги қандайлигига ва, албатта, ёшига ҳам боғлиқ<sup>63</sup>.

Кийимда пропорция гармониянинг яна бир муҳим воситаси-масштабилик билан ажралмасликда бўлади.

<sup>63</sup>Хасанбоева Г.К., Кримова О.И. Кийим моделини ишлаш ва конструкциясини тайёрлаш. --Тошкент : Ўқитувчи, 1990.



*102-расм. Либосдаги пропорцияларнинг ўзгариши. Биринчи ҳолда либос пропорцияси "олтин кесим"га яқинлашган, иккинчи ҳолда устки кийим ҳисобига либос пропорцияси 1/7 нисбатга ўзгарган*

**Либосда масштаблик** бу шакли, уни ташкил этувчиларининг одам гавдаси ва атроф-муҳит билан мутаносиблиги.


Юқорида айтилганидек, инсон томонидан яратилган моддий буюмлар муҳити бу бино бўладими, ё маиший буюмлар, ёки либослар – одам ўлчамларига мос келиши уларни қўллашда қулайлигини таъминлайди.

Масштаб ҳам бўлинишлар тизими, бўлақлар ва бир бутуннинг ўзаро нисбатлари билан аниқланади. Масштаб шаклнинг эмоционал ифодалилигига эришиш воситаси ҳамда шакл қисмлари орасидаги структуравий ва композицион муносабатларни аниқлаш учун хизмат қилади. Барча ташкил этувчилар ўлчамларининг мутаносиблиги даражаси либос (костюм) шаклининг композицион саводли тузилганлиги ва пластик ифодалилиги даржасини белгилайди.

Либосдаги масштаби хусусиятларни тақсимланиши унинг вазифаси, услубий ечими ҳамда шу даврга мансуб бўлган модага хосликлари билан белгиланади. Масалан, аёллар пальтосидаги

деталлар қўйлагига қараганда каттароқ бўлиши (каттароқ сатҳни эгаллаши) мумкин.

Шаклнинг масштабли хоссаларни аниқлаётганда шакл ҳосил қилишнинг уч хил босқичини ҳисобга олиш керак. Булар: 1) антропологик; 2) структуравий; 3) композицион.



Шакл ҳосил қилишнинг **антропологик** босқичида элементларнинг масштабли характеристикасини одам гавдасини шартли равишда бўлувчи конструктив сатҳлар – қисмлар белгилайди. Бу қисмлар либос таяниб турадиган одам танасидаги сатҳлардир. Анъанавий тарзда қуйидаги конструктив қисмлар (сатҳлар) ажратилади: 1-бош, 2- бўйин, 3- елка, 4-қўкрак қафаси, 5-қўллар, 6-бел, 7-бўкса ва сон, 8-тизза, 9-болдир сатҳлари.

Костюм элементларининг масштабли мутаносиблигини қўраётганда қоғоз варагига гавданинг асосий конструктив сатҳларини белгиловчи шартли тўр чизилади. Бунда гавда контурларини белгилаб чизиб чиқиш шарт эмас, чунки антропологик босқич шакл ҳосил қилишда фазовий каркас вазифасини етарлича бажаради. Айнан шу каркас ёрдамида гавданинг турли шакл ва шакл элементлари орасидаги боғлиқлик таъминланади ҳамда ихтиёрий стилизацияда шаклнинг яхлитилиги ва мантигини сақлайди. Конструктив сатҳларни белгиловчи тўр эса хатоларни тўғирлаш имконини беради (корректировка қилиш).

Шакл ҳосил қилишнинг **структуравий** босқичида масштабли характеристикага шакл ҳажми ва унинг бўлақларининг пропорционал мутаносиблиги асос қилиб олинади. Бу муносабатлар гавданинг антропологик модели чегарасида турли вариантларда ишланади. Бу турланиш масштабли катталиклар воситасида шаклни уйғунлаштиришнинг эмоционал ва тектоник имкониятларни излашни назарда тутаяди.



*103-рasm. А. Экстернинг “Дама-призрак” номли спектакли учун ишлаган либос эскизидаги (1924) ранг ва деталларнинг масштаби*

Шакл ҳосил қилишнинг композицион босқичида масштабли хусусиятни мато гули, нақши ёки расмининг катталиги ҳамда безак элементлари, деталлар, рангли ва тонал юзаларнинг катталиги белгилайди. Композицион элементларни гуруҳлаш шакл эмоционал ҳолатини оширишга хизмат қилади. Масштабни ўзгартириш шаклни яхлитлаш, унинг пластик хилма-хилликни аниқлаш, шакл ҳосил қилишнинг структуравий ўзига хосликларини таъкидлаш имконини беради.



104-расм. Либос композициясида масштабнинг намоён бўлиши.  
В.Зайцевнинг эскизлари

Масштаб оптик иллюзия ҳосил қилиши мумкин. Масалан, Эбингауз номи билан аталган иллюзияни қуйидаги расмда кузатса бўлади. Аслида марказдаги доиралар ўлчами бир хил, лекин майда доиралар билан қуршаб олингани йирикроқ туюлади.



105-расм. Мато гулининг масштаби натижасида гавда тузилишлари ҳар хил туюлиши





106-расм. Ўз гавдасини янада ихчамроқ кўрсатиш мақсадида аксессуар - сумка (1) ва либос деталли - шим (2) шаклининг атайлаб катта олинishi. Мазкур деталларнинг масштаби катталаштирилган



107-расм. Деталлар масштаби



*108-рasm. Деталлар маситаби*



*109-рasm. Деталлар маситаби*



*110-рasm. Деталлар, ранглар ва декор масибаби*



*111-рasm. Мато гулининг масибаби*



*112-расм. Мато гулининг турлича масштабларига мисоллар*



113-рasm. Безак элементлари (декор)нинг турлича масштабларига мисоллар

## 4.5. Либосда фактура

**Фактура** – бу материал ташқи кўриниши (унинг бўртма ёки бўртма эмаслиги, ўнг тарафидаги сиртининг гули, ялтироқлиги) ва бошқа хусусиятларига таъсир этувчи сиртининг структураси, тузилиши. Умуман олганда, фактура деб материал сиртининг одам томонидан визуал қабул қилинадиган ҳамда маълум эмоционал хиссиётлар ва ассоциациялар уйғотадиган характеридир. Сиртининг фактураси материал тузилишининг ташқи кўриниши. Унинг шаклланишига аввало материал ўрилишининг тури, ипларнинг қалинлиги ва структураси, танда ва арқоқ иплари қалинлигининг фарқлари ва ўзаро нисбатлари, материал структурасининг зичлиги таъсир этади. Материалларга ишлов беришининг тури ҳам унинг фактурасига аҳамиятли таъсир этади. Фактуранинг ифодалилик даражасига унинг колористик ечими ҳам таъсир этади: иссиқ ва оч ранглар материал сиртини яхши намоёиш этади, совуқ ва тўқ ранглар эса уни нисбатан билинтирмайди. Мато сиртидаги нақшлар ҳам унинг фактурасини бўрттириб кўрсатиши ёки билинтирмаслиги мумкин.

Либос учун материаллар турли фактурали сиртлар билан ишлаб чиқарилиши мумкин. Улардан асосийлари қуйидагилардир:

1) силлиқ, 2) бир текис, 3) ғадир-будир, 4) нақшли силлиқ, 5) бўртма нақшли, 6) кигизсимон, 7) тукли, 8) фасонли.

**1. Силлиқ фактура** текис силлиқ, баъзан ялтироқ сиртлар билан характерланади. У асосан сатин ва атлас ўрилишли матолари ҳамда атлас-сукно, атлас-шарме тўкилишли трикотажнинг тескари томони учун хосдир. Силлиқ фактура кўпроқ қиялама эшилган иплардан (масалан: табиий ипак, вискоза, полиамид толали иплар) тўқилган матоларда кўпроқ намоён бўлади. Силлиқликка махсус пардозлаш ёки сайқаллаш ёрдамида ҳам эришилади.

Кумушсифат силлиқ сиртга эга бўлиши учун материални (кўпинча сатин ва астарли ластик) кумуш каландрлар газмол сиртини силлиқлайдиган чиғирли машинада ишлов берилади. Натижада мато сирти силлиқлашади ва кумуш ипаксимон ялтироқ бўлиб қолади.

Жилолаштириш пардозини ёки ялтиратишни термик каландрлаш орқали амалга оширилади. Бунда мато аввал махсус

эритма билан шимдирилади ва операциядан сўнг зичрок, қаттиқроқ бўлади ва ялтирашни бошлайди. Бундай ишлов бериш сатин, чит, бўз кабилар учун бажарилади.

Жилолаштиришнинг бир кўриниши чинс ёки шинц (ингл. chinz - чит) – зич, ялтирок, худди мум суртилганга ўхшаш пахта толали матолар сиртининг синтетик смола, баланд ҳарорат ва босим туфайли ҳосил бўлиши. Мумланган ва мумланмаган чинслар бўлиши мумкин.

Лаке – синтетик матолар, хусусан полиамид толалиларнинг жилолаштирилиш натижаси. Бунда метозин шимдирилган мато иссиқ каландрлар ёрдамида ва юқори босим остида ишлов берилади.

**2. Бир текис равон фактура** материал бутун юзасининг бир маромдаги, бир зайлдаги, бир хил ўхшаш сирт билан қопланишидир. Бундай фактура полотно, саржа ёки уларнинг ҳосила ўрилишлари ҳамда бир хил ҳалқали устун ва қаторлардан ташкил топган трикотаж юзаси учун характерли.

**3. Ғадир-будир фактура** жилосиз майда донали сиртга эга бўлиб **креп фактуралар** деб аталади. Бу фактура иплари оширилган креп эшилишга эга бўлган материалларнинг сиртида (крепешин, креп-жоржет, креп-шифон) ёки майда нақшли шартли бетартиб креп ўрилишли матолар сиртида ҳосил бўлади. Трикотаж полотноларда ғадир-будир фактурани баъзи ўрилишлар (фангали, пике, қўйма жаккард каби) ҳосил қилади.

Ундан ташқари, бундай фактура ҳар хил қалинликдаги иплар ёки майда тугунчали, спиралли, у ё бу жойида турли йўғонликлар бор иплардан тўқилган газламаларда ҳам бўлади.

Баъзан гранит сиртига ўхшаш майда донали ғадир фактураларни номлашда “граните” (*франц. granite*) қўлланади (масалан: креп-гранит ёки креп-гранат). “Рустикал” текис (*лом. rusticus–рандаланмаган, йўнилмаган, дағал маъносида*) атамаси билан эса йирик донали, худди тош билан қопланган сиртларни эслатувчи фактуралар номланади.

**4. Нақшли силлиқ фактура** материал сиртида ўрилиш ёки тўқилиш натижасида пайдо бўлган ҳамда фон билан бир хил сатҳда жойлашган (ёки ундан бироз ажралиб турувчи) майда нақшлар (йўллар, катаklar, диагоналар, кареткали ёки жаккардли турли масштабдаги расмлар) борлиги билан фарқланади. Нақшли

силлиқ фактура силлиқ ва бир текис равон фактураларнинг бири-кувидан ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

Йирик гулли ўрилишдаги газламалар тўқув дастгоҳлардаги жаккард машиналари ёрдамида ишлаб чиқарилади. Бундай ўрилишларнинг раппорти бир неча юз минг иплардан иборат бўлиши мумкин, яъни ҳар бир ипларнинг гуруҳи маълум тартибда бошқа иплар билан ўрилишади. Бундай ўрилишлардаги нақшларнинг шакли турлича бўлади. ўсимликларнинг расми, гул дастгоҳлари, геометрик нақшлар ва ҳоказо. Турли газламалар, гиламлар, гобеленлар, дастурхон ва бошқа буюмлар йирик гулли ўрилишда тўқилади. Йирик гулли ўрилишлар оддий ва мураккаб хилларга бўлинади. Оддийлари икки, мураккаблари эса уч ва ундан кўп ип туркумларидан иборат бўлади.

**5. Бўртма нақшли фактура материал сиртида бўртма чивик йўллар, диагоналар, геометрик шакллар, ўсимликсимон орнаментлар ва шунга ўхшашлар кўринишидаги майда бўртма расмларнинг мавжудлиги билан характерланади.** Бўртма нақшлар ҳажмдор иплар ёрдамида ҳосил қилинган бўлиши мумкин. Бундай иплар ёрдамида нақш силлиқ ва текис фонда бўртиб туради. Қаварик фактура вафелли, диагоналли, пике каби рельеф ўрилишлар натижаси ҳам бўлиши мумкин.

Клоке (*франц. cloque- гурра*) маълум тартиб ёки берилган нақшга биноан жойлашган майда ичи бўш шишиб турган пуфакчалар билан қопланган фактура тури. Бундай эффект киришувчанлиги турлича бўлган (масалан капрон ва вискоза) полотнони икки қаватли ўрилишдан фойдаланиб ишлаб чиқариш натижасида пайдо бўлади. Бу полотнолар маълум расм, нақш гули бўйича ўзаро бирикиб тўқилади. Навбатдаги ишлов натижасида остки полотно қаттиқ киришади, натижада киришувчанлиги камроқ бўлган устки полотно шишиб қолади. Шунга ўхшаш эффект трикотажда қўйма жаккард тўқилиш қўлланганда ҳам ҳосил бўлади.

Нақшли бўртма фактураларнинг бошқа хилма-хил турлари эластик ипларнинг қўлланилиши, материалларга махсус ишлов бериш натижасида ҳам ҳосил қилинади.

Гофре (*фр. gaufré; “гофрэ” деб ўқилади*) – бир томонлама йўналишдаги майда ёки йирик тахламали фактура. Ипак толали креп матоларда гофре эффектини арқоқ иплари тизимда турли



даражада эшилган, шунинг учун ҳар хил киришадиган ипларни қўллаш ҳисобига олинади. Буралиши кўпроқ бўлган иплар намлаб-иситиб ишлов бериш натижасида бошқа ипларга нисбатан кўпроқ киришади. Уларнинг қисқариши натижасида эса мато сиртида майда тахламачалар пайдо бўлади. Бундай ипларнинг жойлашувини ўзгартириш ҳисобига йўл-йўл, буфли нақшларининг турли кўринишлари ҳосил қилинади.

Плиссе (плиссировка) -*фр. plisse сўзидан* (“*плиссэ* “ *деб ўқилади*) – мато турли усуллар билан кенглиги 5 мм дан 5 см га қадар бўлган параллел тахламалар ҳосил қилиш усули. Плиссе деган ном XVII га келиб пайдо бўлган ва французча сўз “*pli*”- “тахлама” маъносидан келиб чиққан.

Бунда ишлов бериш фабрикалардаги пресслар ёки дазмолда намлаб-иситиб ишлов бериш усули билан амалга оширилади. Бунда ҳам мато, ҳам тайёр буюм плиссировка қилиниши мумкин. Табиий толали матолардан плиссе қилинган бўлса, уларни фақат кимёвий усул билан тозалаш мумкин, синтетикларни эса қўлда авайлаб ювса бўлади. Гофреда ҳам худди плиссеге ўхшаб мато сиртига ишлов берилади, бунда тахламалар “қовурга”сига тургазилиб прессланади (худди гармонга ўхшаб). Гофреда тахламалар ҳам параллел, ҳам радиал кенгайган бўлиши мумкин. Плисседан тахлама эни унинг қайтармасидан кенг, гофреда эса улар баробар.

Сиксакер – гофренинг бир тури, асосан зиғир толали матоларда тарам-тарам йўл кўринишидаги фактураси. Уни қаттиқ толаларни ҳаддан ташқари кучли кириштирадиган моддаларни босма қилиш ҳисобига олинади. Ёки мато тўқиш жараёнида иплар турлича зўриқиш билан тортилади.

Ғижимланган эффеқтли сиртлар турли йўналишлардаги бетартиб жойлашган бўртма тахламачалар ва ғижимлар эвазига пайдо бўлади. Улар турли кимёвий смолалар билан матога махсус ишлов бериш ёки термопластик иплар қўллаб ишлаб чиқарилади.

Нақшли бўртма сиртларни эса кимёвий ёки термик босма усули билан ботириб ҳосил қилинади.

**6. Кигизсимон фактуралар** материал сиртида толаларнинг хаотик зич бир текис қопламасига хосдир. Бу қоплама матони пахмоқлаштириш жараёнидан ҳосил бўлади ва бундай фактуралар драп, сукно, фланель каби материалларга хос.

**7. Тукли (ворсли) фактуралар** жуда кўп кўринишларга эга. У матосиртини титиб ворслаш ёки тукли ўрилишлар ёки ворсни флоклаш эвазига пайдо қилинади.

Ўз тузилишига кўра иккидан ортиқ ип туркумларини талаб қилувчи ўрилишлар мураккаб ўрилишлар синфига киради. Уларнинг турлари қуйидагича: тукли, икки томонли, икки қаватли, қопсимон ва пике ўрилишлари. Тукли ўрилишда тўқилган газламаларнинг ўнгида қирқма ёки ҳалқали тик туклар бўлади. Улар яхлит ёки кенглиги ҳар хил йўллар тарзида нақшдор бўлади. Тукли ўрилишларни ҳосил қилиш учун учта ип туркуми ишлатилади: бир туркуми тукни ҳосил қилиш учун, иккитаси газламанинг асосини ҳосил қилиш учун.

Тукни ҳосил қилувчи ип туркумига кўра тукли ўрилишлар икки турга бўлинади. Тукни ҳосил қилиш учун танда иплари ишлатилса, ўрилиш танда тукли, арқоқ иплари ишлатилса арқоқ тукли ўрилиш деб аталади. Танда тукли ўрилиш ипак газламалари бахмал, духоба, велюрни тўқишда ишлатилади. Арқоқ тукли ўрилиш ип газламалари - ярим бахмал, велвет, ип духобани ишлаб чиқаришда қўлланилади. Тукли ўрилишнинг яна битта тури - ҳалқали тукли ўрилиш. Бу ўрилишда туклар ҳалқалар тарзида бўлади. Сочиклар, чойшаблар, халатлар учун газламалар, баъзи безак газламалар шундай ўрилишда тўқилади.

Икки томонли ўрилишлар учта ип туркуми иккита танда ва битта арқоқ ёки битта танда ва иккита арқоқ ипларидан ҳосил бўлади. Бу ўрилишлар асосан драп деган палтолик газламаларни тўқишда ишлатилади. Тўқишда қўлланилган қўшимча иплар туркуми драпларнинг қалинлиги, зичлиги ва иссиқни сақлаш хоссаларини яхшилайдди. Ундан ташқари, қўшимча ип туркуми сифатида пастроқ бўлган ипларни ишлатиш имконияти борлиги туфайли газламаларнинг нархи ҳам камроқ бўлади.

Баъзи драпларни тўқиш учун икки қатламли ўрилишлар қўлланилади. Уларни ҳосил қилганда тўрт ёки бешта ип туркумлари ишлатилади. Бундай ўрилишда тўқилган газламалар икки алоҳида газламадан иборат бўлиб, бу газламалар ўзаро тўрт ип туркумларидан бири билан ёки қўшимча бешинчи туркум билан бириктирилади. Икки қатламли ўрилишда тўқилган газламаларнинг ўнги ва тескариси сифати ва тола таркиби ҳар хил иплардан бўлиши, ўнги сидирға тескариси эса катак-катак ёки

йўл-йўл гулдор бўлиши, ёки иккала томони сидирға, лекин турли рангда бўлиши мумкин.

**8. Фасонли фактура** шаклдор эшилишли иплардан тайёрланган матолар учун характерлидир. Халқали, спиралли, тугунчали ва бошқа каби шаклдор (фасонли) иплар тўкилиш натижасида ўзига хос фактура ҳосил қилади.

Букле (*франц. boucle- жингалак*) – бир маромда ёки турли жойларда бўртма фактурали букле ипидан тайёрланган материал. Унинг сиртида даврий такрорланиб келувчи халқалар ва тугунчалар жойлашган бўлади.

Непс – майда ёки йирик рангдор тугунчалар ёки юмалоқчаларнинг аҳён-аҳёнда ва бетартиб тарзда материал сиртида жойлашуви [15,27].

Замонавий материаллар сиртида мураккаб фактуралар бўлиши мумкин. Унда ҳам рельеф, ҳам тукли, ҳам силлиқ сиртлар бирикиши мумкин. Бундай фактураларга турли мураккаб структурали ипларни, ўрилиш ва тўкилиш усулларини, пардозлаш ва ишлов бериш турларини қўллаш ҳисобига эришилади.

Материал фактураларига қўйиладиган талаблар уларнинг вазифаси, анъаналар ва замонавий мода йўналишига мос шакллантирилади.

**Фактура ва материалларнинг асосий комбинациялари, ўзаро уйғунлашувининг бирикмалари**

Кружево жуда чиройли ва модабоп материал бўлиб, у асосан крепдешин, креп, органза, бархат, панбархат, атлас, сатин, шифон ва шойи билан яхши уйғунлашади. Атлас ўта башанг ва ҳашамдор материал. У билан ўзаро бирикадиган мато танлаш бироз мушкул. Аммо атлас билан бархат, шифон, органза, кружевонинг бирикуви жуда кўркамдир. Бархат – мўйна ҳамда ипак шойи, креп, атлас, батист, сатин, органза билан чиройли тарзда бирикади. Джерси – трикотаж полотно бўлиб, у кўпроқ замш, чарм, шифон, қалин шойи, гажимдор матолар билан уйғун кўринади. Жинси матоси универсал ҳисобланган билан уни ҳар қандай материал билан бириктириш мумкин деган хулоса нотўғри. Жинси матоси вельвет, гобелен, жаккардли мато, замш, чарм, твид, сукно, трикотаж билан уйғунлиги чиройли кўринади. Чарм табиий ва сунъий чарм жинси матоси ва флис билан чиройли бирикади. Тафта эса бархат, поплин, жаккард билан ажабтовур уйғунлашади.

Твид жун толали мато бўлишига қарамай, вельвет, букле, жинси матоси, чарм билан биргаликда чиройлидир. Шойи эса шифон, органза, жимжимадор матолар, бархат, панбархат, жерси билан чиройли кўринади. Шифон матосини шойи, ипак, атлас, бархат, органза, панбархат, кружево билан биргаликда уйғунлаштирган афзалроқдир.

Фактура бу материал ташқи кўриниши (унинг бўртма ёки бўртма эмаслиги, ўнг тарафидаги сиртининг гули, ялтироқлиги) ва бошқа хусусиятларига таъсир этувчи сиртининг структураси, тузилиши экалигидан келиб чиқиб, ўта кудратли воситадир. Уни тўғри қўллашни билиш дизайнерлар учун чексиз ижод қилиш имконини яратади. Аммо турли фактураларни уйғунлаштириб чиройли ва кўркем либослар яратиш учун чинакам маҳорат ва иқтидор талаб қилинади. Жаҳон миқёсида либос бўйича дизайнерларнинг ижодини кузатадиган бўлсак, “фактуралар ўйини”ни ҳамма ҳам бажара олмайди. Баъзилар учун бичим билан, баъзиларга ранг билан ишлаш қизиқарли ва эҳтимол, хавотирсиздир. Аммо, фикримизча, айнан материал фактураси ва уни маълум даражада профессионал қўллашни билиш либос композициясини ўта эффеқтли қилиб, ундан қоладиган таассуротни бетакрор қилади.

### **Драпировка (тахлама ва бурмалар)ни тасвирлаш усуллари.**

Яхши дизайнер бўлиш учун одам танси устидаги кийим ҳосил қилган бурма ва тахламаларни тасвирлашни билиш зарурдир, чунки бу либос остидаги (либос кийилган) тананинг тузилиши (ҳолати) ва ҳаракатини тушунишга ёрдам беради. Биринчи қарашда драпировка эффеқтини акс эттириш мураккабга ўхшаши мумкин, лекин синчиклаб қаралганда (кузатилганда), (барча материаллар) ҳар бир материал маълум, ўзига хос тарзда тахланишини кузатиш (кўриш) мумкин. Қўлланилаётган материалнинг хоссасига қараб унинг тахламлар ҳосил қилиши ҳар хил бўлишини қайд қилишимиз керак. Материалнинг зичлиги (зич ёки пўлаллиги), қалинлиги (қалин-юпқалиги), қаттиқ-юмшоқлиги ва ҳоказолар тахламаларнинг шакли ва кўринишига таъсир этади (яъни тахламалар кўпол, қалин ёки юмшоқ, қиррали ёки майин бўлиши мумкин). Тахламанинг асосий букилиш йўналишини чизгандан сўнг қолган эффеқтларни тасвирлаш бошланади. Бунда

энг асосийси (асосий жабҳа, аспект) тахламанинг уч ўлчовлик таассуротини ҳосил қилиш (ҳажми, чуқурлиги ва б. акс эттириш) мақсадида ёруғ ва қоронғиликларни (уларнинг чегарасини) ҳамда ранглар контрастини тақсимлашдир.

Энди қисқача материалларга қараб драпировка кўринишларини таҳлил этамиз: (Материалларнинг турига қараб драпировкаларнинг ўзгариши) пахта толали мато учун драпировка юмшоқ ва талайгина тахламали (бурушмалари кўп) бўлади, чунки бу оғир мато; жун толали учун драпировка бурушмасиз ва йирик тахламали бўлади, чунки бу иссиқ мато ғижимланувчан, пишиқ ва юмшоқдир; зиғир толали матолар ёруғ бўлиб, улар камдан кам ҳолда ғижимланмайди, шунинг учун унинг драпировкаси юмшоқ ва майда тахламачалардан иборат бўлади.



*Ёруғлик манбаи ўнг томонда (ёруғлик ўнг тарафдан тушганда).*  
*Ёруғлик манбаи олд томонда (ёруғлик олд тарафдан тушганда).*

Ипак толали матолар ўзининг енгиллиги ва майинлиги туфайли етарли даражада юмшоқ ва майин тахламали драпировка ҳосил қилади. Синтетик толали материалларнинг драпировкаси дағал бўлади, лекин уларни бир хил деб бўлмайди, чунки хоссаси ҳар бир материалнинг толавий таркибига боғлиқдир. Нейлон(даги тахлама)ни акс эттириш осондир – у кескин ва чизикли бўлади, чунки бу енгил, эластик, юмшоқ ва шаклини осон ўзгартирувчи материалдир. Ниҳоят, турли толалардан (ипак, жун, пахта) тайёрланган трикотаж юмшоқ ва эластиклигидан ташқари таркибига қараб турлича тахламалар ҳосил этади.

Ҳарир мато учун: рангли пастель (қалам), графитли қалам ва сувағич



## ДЖИНСИЛАР

1. Асос: PANTONE 290
2. Аралаштиргич
3. Соя бериш: ним PANTONE 283
4. Яқуний бўяш: рангли пастель (қалам), графитли қалам ва сувағич







## ҚАВИЛГАН МАТО

1. Асос: PANTONE 290
2. Аралаштириб юмшатиш
3. Соя бериш: PANTONE 283
4. Яқуний ранг бериш: рангли қаламлар, графитли қалам ва сувағич

## ЗАМШ (ТАГЧАРМ)

1. Асос: PANTONE 465
2. Аралаштириб юмшатиш
3. Пастель, графит ва сувағич



## ПАЙЕТКАЛИ МАТО (ЯЛТИРОҚ ТАНГАЧАЛИ)


1. Асос: PANTONE 13-қора ранг
2. Аралаштириб юмшатиш
3. Соя бериш: PANTONE тим қора
4. Ялтироқлик эффекти: сувагич ва ўта ингичка учлиги бор оқ гелли ручка

5. Ранг бериш: пастель

GESSATO МАТОСИ (оқ рангдаги майда йўллари бор костюм-боп мато)

1. Асос: PANTONE 432, блендер
2. Соя бериш: рангли ва графитли қаламлар, сувагич





ЛЕОПАРД ТЕРИСИНИ  
ЭСЛАТУВЧИ РАСМЛИ МАТО

1. Асос: PANTONE 9181
2. Аралаштириб юмшатиш
3. Ранг бериш: PANTONE 9202

ТЮЛЬ (НАФИС ТЎР ТЎҚИМА)

Тюлнинг тузилиши (тўрлари) ва ранг бериш учун: графитли  
қалам

Блендер





## ЗАРБОФ

1. Асос: PANTONE 220
2. Аралаштириб юмшатиш
3. Нақшлар: PANTONE 701
4. Ҳарирлик: рангли ва графитли қаламлар, соя бериш





## ШОЙИ (ИПАК МАТО)

1. Асосий ранг: PANTONE Cool Gray (совук кул ранг) 1
2. Блендер
3. Гулларнинг ранги: PANTONE 6-қора ва соялар учун: PANTONE тим қора (ExtraBlack)
4. Ранг бериш: графитли қалам







## ЧАРМ (ҚЎЙ ТЕРИСИДАН)

1. Асоси: PANTONE 466

2. БЛЕНДЕР

3. Ранг бериш учун: PANTONE 465

4. Якуний ишлов бериш учун: рангли ва графитли қаламлар,  
соя бериш

МУЙНА

Рангли ва графитли қаламлар





## ТАФТА

1. Асос учун: PANTONE 583
2. Блендер
3. Соя бериш учун: графитли қалам, пастель ва суркагич

## ШОЛРЎМОЛ (СТОЛА)

1. Асос: PANTONE 678
2. Соя бериш учун: рангли ва графитли қаламлар





## КРУЖЕВО, ГИПЮР

1. Асос учун: графитли қалам
  2. Соя бериш ва каштани тасвирлаш учун: пастель
- ### ОРГАНЗА

1. Асос учун: PANTONE 290
2. Блендер
3. Соя бериш учун: пастел ва графитли қаламлар



## САТИНЛИ ТАФТА

1. Асос: PANTONE 13-қора, Блендер
2. Ранг бериш учун: PANTONEетим қора, Блендер
3. Якуний соя бериш учун: графитли қалам, пастель, рангли қаламлар ва суркагич қаламлар ва суркагич

#### 4.6. IV боб бўйича амалий топшириқлар ва уларни бажариш учун тавсиялар

**Либосдаги силуэт: силуэт чизиқлари, конструктив чизиқлар, конструктив-декоратив чизиқлар, декоратив чизиқларни ўрганиш. Турли чизиқлар акс этган либос эскизларини чизиш**

1. Турли усуллар билан доғларнинг (монотипия, рангни қоғозга оқизиб турли йўналишларга буриш, ҳар хил нарсаларнинг изи, кўлмаксимон, босмалар, коллаж, икки варақ орасидаги бўялган ипларнинг буралишидан ва бошқа усуллар билан ҳосил қилинган) тасвирини тушуриш. А4 бичимдаги варақда бу ҳосил бўлган доғларни либос силуэтига ўхшатиш ва тўлдириш.



*114-расм. Турлича усуллар билан ҳосил қилинган доғлардан либос эскизларини яратиш*







*115-расм. Турли шаклдаги либос силуэтларини ҳар хил усуллар билан акс эттириш.*





Пластик хусусиятлари турлича бўлган материал билан танишинг. Материални манекенга игналар билан тортиб унинг драпанишини, сирғалувчанлигини, чўзиладиган – чўзилмайдиганлигини, шакл ушланиши, эзилиш даражасини ва ҳоказоларни ўрганинг. Шу материаллардан тикилган кийимлар моделини мода журналларидан ўқиб ўрганинг. Энг қизиқарли моделларнинг чизги нусхаларини тайёрланг.

**Пластик хусусиятлари турлича бўлган материаллар асосида кийим шаклларининг фор – чизгиларини тайёрлаш.**

Эскизлар ҳаёлга бутунлай эрк берилган ҳолда, уларнинг қандай тайёрланишини, ассортиментини, нима учун мўлжалланганлигини, кийим ҳолига келтириш имкониятларини (мумкинми ёки мукин эмасми?) ўйламай чизинг.

Чизгиларни чизиқли графика ёки истаган услубингиз ёрдамида тайёрланг.










*Юнусходжаева Сауленинг  
эскизлари асосида*



*Э. Ибрагимованинг эскизлари*



Ибрагимова Э.



Э.Ибрагимованинг эскизлари

4. Либосда конструктив, конструктив-декоратив, декоратив чизиқларни акс эттириш. Аввал одам гавдасининг (ёки унинг қисмларининг масалан қўлнинг) ҳолати, кейин либос шакли силуэти, ундан чизиб аниқлаштирилади. Ундан сўнг конструктив чизиқлар, яъни либоснинг шу шаклини ҳосил қилувчи чок, бурма ва бошқалар акс эттирилади. Кейин эса декоратив чизиқлар тушурилади.



*Зухра Фаниеваннинг эскизлари*

Либос композициясида симметрия ва асимметрияни, ритмик ва метрик такрорланишларни, ўхшашлик, нюанс ва контрастни, композицион марказни акс эттирувчи эскизларни чизиш



64

<sup>64</sup> “Fashion Sketchbook”, Bina Abling. Firechild Book, New York, 2012. 100 p.



Симметрик композицион ечимга эга бўлган устки кийимни тасвирлаш. Маскур либосдаги симметрия ҳам силуэт чизиқларида, ҳам конструктив-декоратив чизиқларда намоён бўлади.<sup>65</sup>

Либос композициясида симметриянинг намоён бўлишига мисоллар.

<sup>65</sup> "Fashion Sketchbook", Bina Abling. Firechild Book, New York, 2012. 129 p.



*Турли шакл ва шлуэтлардаги устки кийимларда симметриянинг намоён бўлиши<sup>66</sup>*




*Симметрик композицион ечимга эга бўлган пальтонинг турли либослар билан уйғунлиги. Турли ракурслар мисолида<sup>67</sup>*

<sup>66</sup> "Fashion Sketchbook", Bina Ablang. Firechild Book, New York, 2012. 131 p.

<sup>67</sup> "Fashion Sketchbook", Bina Ablang. Firechild Book, New York, 2012. 133 p.



*Зухра Ганиеванинг эскизлари*



*Зухра Ганиеванинг эскизлари*




*Зухра Ғаниеванинг эскизлари*





*Зухра Ганиеванинг эскизлари*




*Зухра Ганиеванинг эскизлари*

Либос композициясини тузишда ҳар хил пропорция турларини қўллаб эскизлар чизиш.




*Пулатова Мадина ва Айтаниязова Индиранинг бажарган эскизлари*



*Пулатова Мадина ва Айтнйязова Индиранинг бажарган эскизлари*




*Пўлатова Мадина ва Айтнийзова Индиранинг бажарган эскизлари*



*Пулатова Мадина ва Айтниязова Индиранинг бажарган эскизлари*





*Кийим бўлақларидаги масштаб ўзгариши ҳисобига либосдан таассуротнинг ўзгариши*




*Ранг қўлланилишининг масштаби*





*Фактура ва ранг қўлланилишининг турлича масштаблари*





*Ритмик ва метрик такрорланишлар намоён бўлган либосларнинг эскизларига мисоллар.*



*Декоратив безакли деталларнинг ритмик жойлашуви*



*Детал структурасидаги ритмик такрорланишларнинг  
намоён бўлиши*



116-расм. Этьен Дриан, “Марсельеза” 1915 йилдаги нашрлардан бирида чоп этилган эскиз.<sup>68</sup> Мазкур эскиздаги либоснинг композициясида ҳам ритмик, ҳам метрик такрорланишлардан муваффақиятли фойдаланилган.

<sup>68</sup> “100 Years of Fashion Illustration”, Cally Blackman. Presented by British Council, Laurence King Publishing, 2007. 36 p.



*117 расм. Номаълум муаллиф, Пату модалар уйининг буюртмасига асосан теннис ўйнаш учун мўлжалланган кўйлақлар эскизи, 1925 йил, гуашь, графика. Степлтонларнинг ҳусусий коллекцияси.<sup>69</sup>*

Мазкур эскизларда силуэти бир хил, бел чизиғи ва этак чизиғининг ҳолати бир хил либосда қўлланилган турлича конструктив ва декоратив воситалар ҳисобига либос композициясидаги пропорцияларнинг визуал ўзгариши намоён бўлган. Миқдор конунига асосан.

<sup>69</sup> "100 Years of Fashion Illustration", Cally Blackman. Presented by British Council, Laurence King Publishing, 2007. 77 p.



*118-расм. Номанлум муаллиф, Пату ва Лелонг модалар уйининг буюртмасига асосан спорт услубидаги кўйлақлар эскизи, 1925 йил, гуашь, графика. Степлтонларнинг хусусий коллекцияси.<sup>70</sup>*

Мазкур эскизларда силуэти ва этак чизигининг ҳолати бир хил либосларда вертикал ва горизонтал бўлинишларнинг турлича пропорцияларни намойиш қилиши кўрсатилган.

<sup>70</sup> “100 Years of Fashion Illustration”, Cally Blackman. Presented by British Council, Laurence King Publishing, 2007. 78 p.

Монохром, ахроматик, ўхшаш, ўхшаш-контраст, контраст ранглардаги либос эскизларини чизиш.

Тасвирлашнинг турли техникалари акварель, графика, босма, коллаж, монотипия, энкаустика ва бошқаларни қўллаб либос эскизларини яратиш. Либос (ёки костюм) композициясини тузишда ранг ва фактура



























*Ташланова Саиданинг эскизи*



Юнусбекова Юлдузнинг эскизи



*Юсупова Регинанинг эскизлари*



*Юсупова Регинанинг эскизлари*



*Юсупова Регинанинг эскизлари*



*Юсупова Регинанинг эскизлари*



*Юсупова Регинанинг эскизлари*





*Юсупова Регинанинг эскизлари*



*Турсунпұлатова Дилфузанинг эскизлари*



*Турсунпўлатова Дилфузанинг эскизлари*



*Турсунпулатова Дилфузанинг эскизлари*



*Турсунпулатова Дилфузанинг эскизлари*




*Турсунпулатова Дилфузанинг эскизлари*



*Турсунулатова Дилфузанинг эскизлари*







## Назорат учун саволлар

1. Композиция воситаларига симметрия ва асимметрия кирадими? Уларнинг фарқи нимада?
2. Композициядаги динамикани ритмик такрорланиш берадими ёки симметриями?
3. Композиция элементлари орасида қандай муносабатлар бўлиши мумкин?
4. Типавий одам гавдаси пропорциялари билан фэшн-модель пропорциялари фарқи қандайдими?
5. Одам гавдаси шартли нечта нисбатга бўлинади?
6. Стилизация нима?
7. Либос композициясида силуэт чизиқларини акс эттириш муҳими?
8. Қандай силуэтлар мавжуд?
9. Либосдаги декоратив чизиқлар либосдаги образнинг услубий ечимига таъсир қўрсадими?
10. Либос композициясини тузишда иштирок этувчи декоратив чизиқларнинг меъёри бўлиши муҳими?
11. Тасвирлаш техникаларига нималар қиради? Уларнинг воситалари нималар?
12. Романтик услубга қандай элементлар хос?
13. Романтик услубдаги эскиз чизилаётганда бу услубга хос пластикани қандай техникада ва қай тарзда бажарган бўлардингиз?
14. Романтик услубга мос келувчи қандай ноодатий элементларни таклиф эта оласиз?
15. Спорт услубига қандай элементлар хос?
16. Спорт услубидаги эскиз чизилаётганда бу услубга хос пластикани қандай техникада ва қай тарзда бажарган бўлардингиз?
17. Спорт услубига мос келувчи қандай ноодатий элементларни таклиф эта оласиз?
18. Этно услубга қандай элементлар хос?
19. Этно услубдаги эскиз чизилаётганда бу услубга хос пластикани қандай техникада ва қай тарзда бажарган бўлардингиз?
20. Этно услубга мос келувчи қандай ноодатий элементларни таклиф эта оласиз?
21. Авангард йўналишига қандай элементлар хос?
22. Авангард йўналишидаги эскиз чизилаётганда бу услубга хос пластикани қандай техникада ва қай тарзда бажарган бўлардингиз?

## ЛИБОСДА КОМПОЗИЦИЯ ВА РАНГ ФАНИ БЎЙИЧА ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
“олтин кесим” пропорцияси	"Golden section"	“золотое сечение”	Бир бутунни икки ҳар хил бўлақларга бўлганда, бутун бўлақнинг катта бўлакка нисбати катта бўлақнинг кичик бўлакка нисбатига тенглиги
Арифметик пропорция	The arithmetic proportion	Арифметическая пропорция	Модуль асосида бир ўлчамнинг такрорланиши
Асимметрия	Asymmetry	Асимметрия	Ўқнинг икки томонининг солиштириганда қандайдир фарқнинг булиши
Ахроматик ранглар	Achromatic color	Ахроматические цвета	Оқдан қорагача бўлган ранглар
Геометрик пропорция	The geometric proportion	Геометрическая пропорция	Бу либоснинг ташкилий бўлақларини турли ҳилдаги геометрик шаклларга ажратиб уйғушлаштириш
Графика	Graphic arts	Графика	Чегарали тасвирлаш
Динамика	Dynamics	Динамика	Бу композицияда ўсиш, ўзгариш ва аниқ бир йўналтирилганликни, яъни, ҳаракатни билдиради
Иссиқ ранглар	Warm colors	Теплые цвета	Қизғиш ва сарғиш ранглар
Композиция	Composition	Композиция	Бир бутунга йиғиш
Метр	Meter	Метр	Такрорланиш тенг ўлчамдаги интервалда бўлса, метрик такрорланиш дейилади
Модуль	Module	Модуль	Лотин тилидан олинган бўлиб, “modulus” – “ўлчам” маъносини англатади
Монохром ранглар	Monochrome colors	Монохромные цвета	Хроматик рангнинг очариши ва тўқариб бориши
Ранг психологияси	The Psychology of color	Психология цвета	Рангнинг одам психологиясига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши
Ритм	Rhythm	Ритм	Ўлчамларнинг ёки шакл элементларининг такрорланиш қонунияти
Силуэт	Silhouette	Силуэт	Одам ёки бошқа нарсаларнинг қуринишини чегара чизиқларини белгилаб тасвирлаш натижаси
Симметрия	Symmetry	Симметрия	Бир бутун предметни симметрик ўқ атрофида тенг икки бўлакка бўлиш демакдир
Совуқ ранглар	Cool colors	Холодные цвета	Қуқ ва яшилга яқин ранглар
Статика	Statics	Статика	Динамиканинг акси, тинчлик, композицияда ҳаракатсизлик кузатилади

Тушъ	Ink	Тушъ	Буюк
Хроматик ранглар	Chromatic colors	Хроматическ ие цвета	Ранг доирасидаги ранглар
Авангард йуналиши	Avanguard direction	Авангардное направление	(французча "олдинда юрүвчи" маъносиди) – янги чха кўринишидаги, олдингиларини инкор этувчи, оммабон буюмларга қарама-қаринсини танловчи оқим
Ансамбль	Ensemble	Ансамбль	(фр.) – тўлик, текис, уйгун, турли қисмлардан ёки булаклардан йигилган бир бутун маъносини билдиради
Бичим	Cut	Крой	Кийимнинг энг улаиш чизиги, олд ва орт булакларининг вертикал (буйлама) ёки горизонтал (кундаланг) бўлинишларининг чизиклари каби конструктив чизиклар ҳосил қилган ташки кўриниши
Ёка	Collar	Воротник	Елкада турувчи кийимларнинг одам гавдасининг буйин асосида жойлашган детали
Ёка кўтармаси	Stand collar	Стойка воротника	Ёканинг буйинга ёпишиб турадиган қисми
Ёка умизи чизиги	Neck line	Линия горловины	Олд ва орт булаклардаги ёкани улаш чизиги
Энг	Sleeve	Рукав	Елкада турувчи кийимларнинг одам гавдасининг кўл ва баъзан елка қисмларини тўлик ёки қисман қоплаб турувчи детали
Кийим	Clothing	Одежда	Одам танасини бутунлай ёки қисман ураб турувчи буюмлар йигиндиси
Коллекция	Collection	Коллекция	(лот. Йиғилиш, йиғма, терма) - услуби, конструкцияси, шакли, материалларнинг ухшашлиги асосида терилган ёки маълум бир бадний образни ифода этишга хизмат қиладиган кийим моделлари термаси
Композицион марказ	The composition al center	Композицио нный центр	Бир қисмнинг бошқа қисмлардан устунигини таъкидлаб берадиган хусусиятларини бўрттириб кўрсатиши натижасида юзати чикали
Конструктив чизиклар	Design line	Конструктив- ные линии	Кийим сиртининг алоҳида қисмларга бўлувчи чизиклар. Кийим сирти кўнидаги асосий деталларга бўлилади; олд ва орт булаклар, энг, ёка, юбка олд бўлаги, юбка орт бўлаги, ним олд бўлаги ва ним орт бўлаги.
Контраст	Contrast	Контраст	Бу кескин қарама-қаринлик, бузила костюмдаги шакллар, шакл чизикларини пластикаси, ранглар, материал фактуралари, нақш чизикларининг йуналишлари, ҳажмлар ва ҳатто бир кийимдаги услубий ечими ушро қарама-қаринликка қўйилади

Костюм	Costume	Костюм	Вазифасига, мулжалига биноан маълум даражада терилган кийимлардир
Костюм композицияси	Costume composition	Композиция костюма	Шу костюмни ташкил этувчи элементларнинг маълум гояни, бадий образни акс эттирувчи яхлитликка бириктириш
Мода	Fashion	Мода	(франц. Меъёр, усул маъносида) – бу инсон фаолиятининг ихтиёрий соҳасида санъат, кийиниш, хулқ-атвор ва бошқа соҳаларида маълум шаклларнинг тинмай узгаришидир.
Пропорциялар	Proportions	Пропорции	Бу кийим алоҳида қисмларидаги мос ўлчамларнинг бир-бирига, ҳамда одам гавдасидаги мос ўлчамларга булган нисбати дир
Ритм	Rhythm	Ритм	Шакл элементларининг навбатма-навбат, қонуний алмашланиб туриши
Силуэт чизиклари	Silhouette line	Силуэтные линии	Кийим шаклини чегараловчи чизиклар. Бу буюмнинг елка, кўкрак, бел, этак, ён чизикларидир. Силуэт чизиклари кийимнинг силуэтини ҳосил қилади
Тенглик	Equality	Равенство	Бу костюмда бир элементнинг турли кўринишларда такрорланишидир
Техник моделлаш усули	Technical modeling method	Способ технического моделирования	Модель конструкциясининг чизмаси конструкция ўзагининг (асосининг) чизмаси ёрдамида ҳосил қилиш. Бунда эскизга биноан, асос чизмага модель конструктив – декоратив чизиклари, безак деталларининг чизиклари туширилади
Услуб	Style	Стиль	Қандайдир вақт оралигида умумий восита ва усуллар билан бадий ифодаланишга айтилади
Ухшашлик (нюанс)	Identity (nuance)	Тождество (нюанс)	Шакл элементларининг бир-бирига яқинлашуви, ёки ўзига хос контраст муносабатларидан тенглик (айният) муносабатлари оралигидаги муносабатдир

1. “100 Years of Fashion Illustration”, Cally Blackman. Presented by British Council, Laurence King Publishing, 2007.
2. “Fashion Sketchbook”, Bina Abling. Firechild Book, New York, 2012 y.
3. “Field guide: How to be a fashion Designer”. Marcarena San Martin. Copyright ©, 2009, by Mao-Mao publications. First published in 2009 in the United States of America by Rockport Publishers, a member of Quayside Publishing Group.
4. “Figure Drawing for Fashion Design”, Elisabetta ‘Kuky’ Drudi, Tiziana Paci. The Pepin Press BV, 2005.
5. “Il Figurino Di Moda”, Fernando Burgo. ISTITUTO di MODA BURGO, 2005.
6. Graphic design: the new basics / Ellen Lupton and Jennifer Cole Phillips. — Second Edition, Revised and Expanded, 2015.
7. The Power of Limits: Proportional Harmonies in Nature, Art, and Architecture Paperback – October 11, 2005.
8. Бердник Т.О. Дизайн костюма, учеб. пособие. Ростов-на-Дону. Феникс, 2000. С.190.
9. Бердник Т.О. Основы художественного проектирования одежды и эскизной графики, учеб. Пособие. Ростов-на-Дону. Феникс, 2001 С. 210.
10. Кимберли Элам. Геометрия дизайна. Пропорции и композиция. — СПб.: Питер, 2011.
11. Кулененок В.В. Практическое цветоведение. Практикум, 2012 йил янгиланган электрон ўқув қўлланмаси.
12. Козлова Т.В. Основы теории проектирования костюма, учеб. для вузов. М.: Легпромбытиздат, 1988.С.270.
13. Майк В. Лиин.“Современный дизайн. Пошаговое рук-во: техника рисования во всех видах дизайна”. учеб. пособие. —М. Легпромбытиздат, 2012. С. 255.
14. Милова Н.П., Мельник Н.Б., редактор: Александрова Л.И. Основы композиции, (1-қисм, электрон қўлланма.)
15. Новиков А.М.Н 85; 87.8 Методология художественной деятельности. — М.:Издательство «Эгвес», 2008. 72 с.
16. Устин В.Б. Учебник дизайна
17. Худойберганов Р.А.. Рангшунослик, услубий қўлланма. Т, 2002. Б.180.
18. Ҳасанбоева Г.К., Кримова О.И. Кийим моделини ишлаш ва конструкциясини тайёрлаш. Т.: Ўқитувчи, 1990.

### Интернет ресурслар

1. <http://kfk.comdiz.ru>.
2. <http://nova-deep.blogspot.com/2015/04/motion-campus>.
3. [www.fondazionegianfrancoferre](http://www.fondazionegianfrancoferre)
4. [www.paintmaster.ru](http://www.paintmaster.ru)
5. [www.matsgustafson](http://www.matsgustafson)

Суз боши.....	3
---------------	---

**I БОБ. КОМПОЗИЦИЯ ТУШУИЧАСИ. КОМПОЗИЦИЯ ХОССАЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ.**

<b>КОМПОЗИЦИЯНИНГ ТУРЛАРИ.....</b>	<b>7</b>
1.1. Графика ҳақида тушунча. Графика воситалари ва усуллари.....	1520
1.2. Асбоб ва воситалар .....	32
1.3. Симметрия, асимметрия .....	43
1.4. Симметрик ва асимметрик абстракт композициялар тузиш.....	52
1.5. Пропорциялар ва пропорционаллик.....	56
1.6. Ритм, модуль, метрик такрорланиш Мувозанат, динамиклик ва статиклик.....	65
1.7. Масштаб ва масштабlilik Контраст, нюанс, тенглик.....	79
1.8. Ритмик ва метрик қаторлар иштирокида динамик ва статик абстракт композициялар тузиш .....	84
1.9. Ассоциатив композициялар .....	91

**II БОБ. РАНГШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ 100**

2.1. Ранг ва унинг композициядаги роли Ранг физикаси.....	100
2.2. Рангнинг асосий характеристикалари .....	103
2.3. Ранг доираси ҳақида тушунча.....	110
2.4. Ранг ва унинг психологик таъсири.....	113
Ранг ассоциациялари ва рамзлари .....	113
2.5. Ранг гармониясининг асосий назарий қарашлари .....	118
2.6. Ранг системалари .....	126
2.7. II боб бўйича амалий топшириқлар ва уларни бажариш учун тавсиялар.....	145

**III БОБ. ҲАЖМИЙ ФАЗОВИЙ КОМПОЗИЦИЯ..... 166**

3.1. Ҳажмий-фазовий структура .....	166
3.2. Текисликнинг декоратив трансформацияси .....	168
3.3. Тектоника ва пластиклик.....	171

**IV БОБ. ЛИБОСДА КОМПОЗИЦИЯ ВА РАНГ  
ВОСИТАЛАРИ, УСУЛЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИНИ**

<b>ҚЎЛЛАШ .....</b>	<b>178</b>
4.1. Одам гавдасининг пропорциялари .....	183
4.2. Либосдаги силуэт .....	247
4.3. Либосдаги силуэт, конструктив, конструктив-декоратив чизиқлар, декоратив чизиқлар .....	256
4.4. Либос композициясида пропорциялар ва масштаб .....	281
4.5. Либосда фактура .....	293
4.6. IV боб бўйича амалий топшириқлар ва уларни бажариш учун тавсиялар .....	318
<b>Либосда композиция ва ранг фани бўйича глоссарий .....</b>	<b>378</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>381</b>



**Ф.ЗАТАХАНОВА**

## **ЛИБОСДА КОМПОЗИЦИЯ ВА РАНГ**

*Дарслик*

*Муҳаррир* Дурдона Одилова

*Саҳифаловчи* Севара Рустамова

*Техник муҳаррир* Баҳодир Хусанов

Лицензия рақами: АІ №207, 08.28.2011 йилда берилган.

Босишга 25.09.2018 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Нашр табоғи 24,0.

“Times New Roman” гарнитураси.

Офсет усулида босилди.

Адади 100 нусха.

*Ушбу дарслик бўйича фикр-мулоҳазаларингизни  
қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:*


“Info Capital Group” нашриёти, 100128,

Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 29/55

Тел.: (+998 71) 241-32-21, 241-01-69

Факс: (+998 71) 241-01-73

Электрон почта кутиси: [publishing@infocapital.uz](mailto:publishing@infocapital.uz)

 INFO CAPITAL  
GROUP

ISBN 978-9943-5444-0-6



9 789943 544406